



## ЁШЛАР ИТТИФОҚИДА БИР КУН

# Ёшларнинг адабий, ижтимоий журнали



«Истиқлол йўли муқаддасдир, у бизни нузли манзиллар сари бошлаётир», — дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Биринчи котиби Адҳамжон ОРЗИМАТОВ.



Ҳақиқат баҳсларда тугилади.  
Суратда: Фарғона вилоят ЁИ Биринчи котиби Алишер Тешабоев.



«Жамият мафкурага таянади, аммо унинг асосини иқтисод ташкил этади» — Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг етакчи ходими Ҳақимжон ака КАРИМЖОНОВ ана шундай фикрда.



Муқованинг биринчи бетида пойтахтнинг марказий хиёбонига кўрк бағишлаб турган улуг жаҳонгир Амир Темур ҳайкалини кўриб турибсиз. Бундан уч-тўрт йил аввал улуг бобомизга шундай ҳайкал қўйилади, бу хиёбон унинг номи билан аталади, деб ҳеч ким ўйлаганмиди?!

Шоир айтганидек:  
Не бахтким, туққан юрт бўлганда  
озод,  
Муборак ватанга қайтиб  
келмишсиз.

Сураткаш: Абдул Гани ЖУМА.

# Мундарижа

## Биринчи учрашув

|   |    |
|---|----|
| Бахтиёр САЙИД. Кўзларинг ичида кўкарди қабрим. . . . .    | 2  |
| Шавқиддин БАҲРИ. Кўзингдан дунёга қарайман. . . . .       | 15 |
| Бектемир ПИРНАФАСОВ. Кўклам этагига илашди умрим. . . . . | 16 |
| Мусо ТОЖИБОЕВ. Нигоҳингда янги саҳифа. . . . .            | 21 |
| Муҳаммад ШАРИФ. Яшил аланга. Ҳикоя. . . . .               | 27 |
| Улуғбек СУЛТОН. Сабримнинг суяги сочилар. . . . .         | 30 |
| Маъмур АҲМАД. Тўзғитма ой сочин. . . . .                  | 31 |
| Муҳиддин БОБОЁР. Зарғалдоқ либосга ўралган уфқ. . . . .   | 37 |
| Раъно РАББИМОВА. Гул ўрнида умидлар уздим. . . . .        | 41 |

## Боқий қадриятлар

|  |   |
|--|---|
| Баҳорни куздан қаршила . . . . .               | 4 |
| Вафо ФАЙЗУЛЛО. Руҳимизга ҳумо келадир. . . . . | 5 |

## Наср

|   |    |
|---|----|
| Гуландом ТОҒАЕВА. Сугдиёна. Бадиа . . . . . | 18 |
|---|----|

## Назм

|   |    |
|---|----|
| Турсун АЛИ. Учинчи хона. Драматик достон. . . . . | 22 |
|---|----|

## Етмишинчи йиллар авлоди

|  |    |
|--|----|
| Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД. Биз мутолаага қонмаган авлод. . . . . | 38 |
|--|----|

## Жажжи дарслик

|                           |   |
|---------------------------|---|
| Пиримқул ҚОДИРОВ. . . . . | 8 |
|---------------------------|---|

## Мақола навислик

|  |    |
|--|----|
| Иброҳим ҒАФУР. Шарқ бешикдан чиқиши керак. . . . . | 42 |
| Аъзам ЎКТАМ. Зиёли ким?. . . . .                   | 44 |
| Ўн саккизга кирмаган ким бор? . . . . .            | 34 |

## Қалб манзаралари

|  |    |
|--|----|
| Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. "Ёзувчиликнинг мактаби йўқ". . . . . | 32 |
|--|----|

## Оила сирлари

|                                    |    |
|------------------------------------|----|
| Манглайим қароми менинг? . . . . . | 45 |
|------------------------------------|----|

## Одам, олам...

|   |    |
|---|----|
| Турсун Али МУҲАММАД. Санъаткорнинг феъли қизиқ. . . . . | 47 |
|---|----|

Бош муҳаррир вазифасини  
бажарувчи:

Собир ЎНАР

## Таҳрир ҳайъати:

Одил ЁҚУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Ғаффор ҲОТАМ  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Абдусайд КҮЧИМОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурад РУСТАМ ---  
масъул котиб  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Усмон ҚЎЧҚОР  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

## Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

## Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ  
Қулмирза ҚАМБАРОВ  
Темур ХИДИРОВ  
Адҳамжон ОРЗИМАТОВ  
Ҳамроқул АСҚАР  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Эркин ЙЎЛДОШЕВ  
Темурхон МУХТОРОВ  
Эркин НАЗАР  
Убайдулло ОМОНОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Рустам ХУДОЙҚУЛ  
Тоҳир ҚАҲҚОР  
Ҳабибулло САИД ҒАНИ

135/136

1982 йилдан чиқа бошлаган

©"Ёшлик" №10-11,1993й.



Бахтиёр Сайид 1971 йилда Шаҳрисабз шаҳрида таваллуд топган. Ҳозир ТошДД журналистика куллиёти IV босқичида ўқимоқда. Шеърлари "Ёшлик"да биринчи марта ёритилмоқда.

*Бу мулкда кўкда юлдуз учса шоирнинг куракларига тушиб куюди. Ердан фиғон чиқса, шоирнинг бағрини куйдиради. Чирик хазонида ҳам олам ҳикматлари яширин мулкда бетакрор сўз топиб айтмоқ мушкул савдодир. Қашқадарё кенглиklarининг ҳавосини олган кечаги болакайлар бугун Сўз айтмоққа чоғланибдилар. Сўзни уларнинг кўнглига Оллоҳнинг ўзи солган бўлсин! Чўл тўрғайларининг навлари остида улғайган кўнгилларида гап кўп бўлади. Бахтиёрнинг шеърлари баҳайбат ҳарсангтошни четга суриб, борлиққа томон барг ёзаётган чечакка ўхшайди. Халқимиз эса ўзбаки, жайдари куйчиларга ҳали ҳам муҳтож. Даҳо бўлмоқ мумкин, етти иқлимга овоза солмоқ мумкиндир, лекин элнинг жайдари шоири бўлмоқ машаққатлидир. Бахтиёр сувчи ҳам, йилқибон ҳам бирдай тушунгич ўзбекнинг жайдаригина бир шоири бўлиб етишса биз ҳам бахтиёр бўлардик.*

Сирожиддин САЙИД

Бахтиёр Сайид

## КЎЗЛАРИНГ ИЧИДА КЎКАРДИ ҚАБРИМ

Ортимда ўлим бор,  
Олдинда ҳаёт.  
Теграмда айланар тўрт ёлғон фасл.  
Сочинг тундай қора  
тонгдек нафис кел  
Шаффоф нурларингга қорилсин дилим.  
Ортга қайтмоқ бўлдим, жойларга ботиб  
Бўйнимга осилди миллион йиллик тош.  
Чуқур кўчаларни елкамга ортиб,  
Майда лаҳзаларга беролмадим дош.  
Ёнингга бўлмадим, бўлмадим бир пас  
Соғинчлардан ёндим — тугади сабрим.  
Баҳор бўлиб эмас, гул бўлиб эмас —  
Кўзларинг ичида кўкарди қабрим...  
Мана илгарилаб бормоқда соат...  
Синиқ лаҳзаларни жойлаб кўнглингга.  
Мен энди қайтаман...  
Қайтмоқлик — лаззат  
Ва ўлмоқ лаззатдир сенинг қўлингга...

\* \* \*

Бемаҳалда ғижирлар эшик,  
Бемаҳалда уйқу қочади.  
Боғлар мудрар. Шамол турар тик,  
Хазонларни титиб сочади.

Кипригингдай қадалар бир сас,  
Булут тошиб оқар юракка.  
Хаёл мизғир, сочингда эмас,  
Тикан босган узун йўлакка...

Термуламан туним чўккандай,  
Вужуд узра кезади титроқ.

Ҳовуч-ҳовуч юлдуз тўккандай,  
Титранади хазон тўла боғ

Кўзларимнинг ғамгин қатида,  
Ўзин отиб йиғлаб ётар сой.  
Осмонларнинг совуқ кафтида,  
Жунжикади қотиб қолган ой.

Диллар яро, умидлар яро,  
Айт, севгилим, аслида киммиз?  
Боғлар мудрар, хазонлар аро  
Оёқ ости бўлар севгимиз...

\* \* \*

Умрим ўтди. Дарёларни тошқин тутди,  
Ким кўнглимнинг синиқларин териб ўтди?  
Дилда зардоб тўлиб кетди, қонлар ютиб,  
Ул ошиққа дардларимни бериб ўтди.

Қўй, алдама, она бўлдинг, шу ҳам етар,  
Беором дил кечаларинг тунда қайтар,  
Ҳар тонг ҳурлар бешигинга алла айтар,  
Менинг эса юракларим эриб ўтди.

Узун йўллар сочларингни эслатади,  
Йўлларингга кўзларимни қаратади,  
Ўзга ёрким, ўзга меҳр яратади,  
Ёв қарашлар менинг кўнглим қириб ўтди.

Умрим ўтди. Ёзлар ўтди. Кузлар ўтди,  
Баҳорларинг таърифидай сўзлар ўтди.  
Сохта ифор сочганмидинг вужуд музлаб,  
Соғинчларим қишда гуллар териб ўтди.

\* \* \*

Энди кўзларингга оловдай ёниб,  
Кипригингдай санай ҳар ўтган кунни.  
Лекин шуни айтки,  
тонгга ишониб,  
кўксимдан юлайми кексайган тунни?!  
Бағримда эзайми исмингни айтиб...  
Соғинчлар чиритиб юборган кўзни?  
Ўтинаман,  
ёрим, изингга қайтиб,  
юпатгин,  
юракни маҳв этган сўзни!  
Сен энди — онасан,  
Сен энди — аёл!..  
Менинг эса ёлғиз ҳасратим бордир.  
Ана... дунё турар — томошабин чол...  
Унинг ҳам измига тушганлар хордир!  
Тунлар ханжар бўлди,  
Ойга қарадим.  
Минг дардга чалинган юлдузлар бемор.  
Ҳўл ёстигим қучиб, тонгга англадим:  
Севги бор,  
Севги бор,  
Севги бор!..

## Азиз жўрналхон!

Қизил империянинг емирилиши,  
шунинг оқибатида кечган жараён  
силсиласи бир муддат бўлсин қалам  
аҳлини шошириб қўйгани сир эмас,  
адабий баҳсларнинг бирида ҳатто тузук  
асарлар кам яратилаётганлиги ишора  
қилинди. Шукрки, у кунлар ортда қолди.  
Баҳорий келинчак янглиғ юртимизга  
кириб келган Истиқлол секин-аста бўй  
кўрсатаётган нав-ниҳоллар кўнглига  
илҳом ва сурур солаётир, шунинг  
самараси ўлароқ янги ва бетакрор  
асарлар дунёга келаётир. Энг  
қувончлиси, насру назм оламида янги  
авлод нафаси белги бера бошлади.

Навқирон авлод ҳамиша адабиётга  
тоза қон янглиғ кириб келади ва унинг  
неъматлари тансиқ, сержило ва сирли-  
сехрли бўлади. Шунинг учун ҳам  
кўнглини яшартириб, тафаккур  
уфқларига муайян кенглик бағишлайди.  
Тотли шу қувончининг илк учқунларидан  
Сизни баҳраманд этиш ниятида  
жўрналимизнинг ушбу сонини асосан  
ЯНГИ НОМларга бағишладик. Улар —  
Бектемир Пирнафас ва Муҳаммад  
Шариф, Раъно Раббимова ва Бахтиёр  
Саййид... Эҳтимол, қайси бирининг  
машқи сустроқдир, бошқа бирининг эса  
фикри тиниқ, туйғуларини теран  
ифода этаётгандир, аммо ҳозирча  
муҳими бу эмас, қувонч шундаки, улар  
созни қўлга олишди ва иймана-иймана  
қуйлай бошлашди. "Кўзингдан дунёга  
қарайман!", дейди шоирларимиздан бири,  
яна бири эса чанқовуз оҳини шеърига  
сарлавҳа қилади. Бошқа бирига эса узун  
йўллар севгилисининг сочларини эсла-  
тади. Оҳорли, аввал учрамаган таш-  
беҳлар...

Агар биз буюк шоиру адиблар ҳам  
қачондир янги ном сифатида ўзлигидан  
далолат берганлигини назардан  
қочирмасак, бу ёшларимизнинг даст-  
лабки қадамлари оламча шодлик ва умид  
кўзгайди дилда.

Тилагимиз шуки, уларнинг йўли оқ,  
манглайи ярқироқ бўлсин!

Таҳририят

# БАҲОРНИ КУЗДАН ҚАРШИЛА

Биз, ки Мулки Турон, амири Туркистонмиз,  
Биз, ки миллатларнинг энг қадими ва энг буюги  
туркнинг бош бўғинимиз.

Амир Темур Тарағай

Шу кунларга етказган Аллоҳга юз бора ҳамдлар бўлсин. Навқирон авлоднинг умидбахш келажаги учун шукримиз янада беқиёсдир. Такрор бўлса-да қайтарамиз. Озодлик, мустақиллик шарофати билан бу улуғ тупроқнинг фарзандлари бошларини адл кўтаришди. Пешкаш илму амалларни буюк ота-боболаримизни ёдлашдан, уларнинг қимматли меросини қунт билан ўрганишдан бошлашди. Истиқлолимиз учинчи баҳорининг илк кунларида Ислол оламида хожалар хожалари мартабаси билан номи кетган, нақибандия тариқатига асос солган Баҳоуддин Нақибанднинг 675 йиллик муборак тўйлари беқиёс савия, кўтаринки бир руҳда ўтказилди. Ҳурматлари жойига қўйилди. Ростини, қарийб бир асрдан буён бунақа тантана ва улуғворликни бузург шайхнинг киндик қони томган тупроқ — Қасри Орифон, Бухорои шариф кўрмаган эди. Аждодларимиз дардларига балогардонликка ўтган бу салафни Қизил салтанат бағримиздан юлиб олганди. Бироқ Нақибанд руҳи ҳамини иймонли кишиларимиз дилига ҳамроҳ, дуоларида зоҳир юрарди. Илтижоларимиз худога етди. Тилагимиз мустажоб бўлди.

Бу каби хайрли ишларимиз Ватан ҳудудидан ташқарида, бутун туркий-исломий дунёда қизғин ҳурмат, чексиз эҳтиром, муносиб муҳаббат билан кутиб олинаётганлиги, қўтланаётганлиги кўнглимизни янада ишончга, фахрга тўлдиради. Биргина Нақибанд тўйи муносабати билан не-не жаҳонгашта, хорижлик алломалар юртимизга ташриф буюрдилар. Ўтган улуғларимиз дунё маънавиятида қанчалик юқори мақомга эришганликларини бизга қайта-қайта эслатдилар.

Ёхуд яна бир улуғ бобомиз ҳурматида бутун туркий дунё кечаётган йилимизни ҳазрат Аҳмад Яссавий йили деб атади. Бу шунчаки хўжақўрсинга қилинган, баландпарвоз намойиш эмас. Балки улуғ шоиримизнинг юракдан чиққан ўлмас садоларини юракларга ўтқазиб, озорланган маънавиятимизни тиниқ сиёратларда қайтадан кўкартирамиз, гуллашиб яшнатамиз, деганидир.

Юртимиздаги яна бир ҳолат қувончига шукроналар айтсак арзийди. Дунё қари асрнинг маккор сиёсатдонлари, амалпараст, мустабид ва ирқчилари кирдикорлари остида ҳамон эзилиб ётибди. Қайлардадир ҳаёт издан чиққан, беғуноҳ

қонлар тўкилмоқда. Биргина собиқ Совет Иттифоқининг ўрнида пайдо бўлган давлатлардаги бўлиб турган хунрезликларни санаб санамоғига, айтиб адоғига етиб бўлмайди. Бизда тинчлик, осойишталик. Яна шуниси билан таҳсинбахши, бу ўзини ҳимоялаш билан машғул, ўз қобиғига ўралиб қолган тинчликгина эмас, дунё аҳлига иши ва сўзи билан юз очаетган, жаҳонни дўстлик, аҳиллик, ҳамкорликка чорлаётган Тинчликдир. Лутфимизга БМТ Бош Ассамблеяси кейинги сессиясида юртбошимиз Ислол Каримовнинг (Ўзбекистон тарихида илк бор) сўзлаган нутқи мисол бўла олади.

Бу некбин кунларнинг қадрига етмоқ лозим. Биз юқорида бекорга навақирон авлоднинг умидбахш келажаги учун Яратганга шукрлар айтмадик. Тўғри, бизда ҳам ҳозир ҳамма соҳада аввал кўрилмаган иқтисодий қийинчиликлар бошдан кечирилляпти. Янгича яшаш ва ишлаш эндигина шаклланиб келяпти. Тушунмовчилик ва билмасликлар, норозилик ва қинғирликлар ҳам шунга яраша бор. Бироқ ҳеч бир иш, ҳаракат ёлғон устига қурилмаяпти. Эртанги кунга тўғри, ўзимизга керакли режалар билан бораляпти. Ҳолбуки, қизил империя даврида ўзбек учун энг керакли мезонларни билиш ва ўрганиш таъқиқланганди.

Энди ундай бўлмайди. Ҳозирги ёшларимизнинг олган билими, ўрганган амали эртага зое кетмаслиги аниқ. Қайтага бугунги заҳмат ва матонатлар эртамик маънан гўзаллашиши, буюк боболаримизга муносиб ворис бўлиб яқинлашишимизга ёрдамлашиши шубҳасиз. Бунинг учун ёшларда барча имкониятлар бор.

"Баҳорни кузда қаршила", дейишади машоийхларимиз. Қандай ибратли нақл. Халқимизнинг мангу қадриятларида бу ўғитнинг мўъжизалари мужассам. Таассуфки, уларнинг кўпи ҳамон ўтмиш бағрида тилсимлигича ётибди. Бизнинг ният "Боқий қадриятлар" рукни остида ўшалар ҳақида ҳикояларни давом эттиришдир. Эҳтимол, бу мулоҳазалар баҳсли кўринар, жайдарилигини билдириб қўяр, майли. Шу ҳолидаям Сизга нимадир илаштира, кўзлаган эзгу мақсадимизга шунинг ўзи етади.

ТАҲРИРИЯТ.

# РУҲИМИЗГА ҲУМО КЕЛАДИР

Туғ... туғро...

Қадимдан туркий давлатнинг шу икки та- рафдан иборат қалқони бўлган. Керагида паноҳ, керагида чорлов! Туғидан ажраган куни турк элатнинг уйи тўрини Тағбач (Хитойи) булганан, муғул топтаган, охири ўрис вайрон қилиб, ўзини қул, аёлини-қизини чўри этган. Туғ эса ўзига қайтарган, ўзи бўлиб дунёга довруқ солган.

Мозийимизнинг энг чуқур еридаги туғни шундай тасвирлашади. Узун таёқ ёки найза учига олтин шарга боғланган от думи. Бу шунчаки суврати туғнинг... Шунчаки бўлмаганини эса сийрат ўқийди. Ул туркнинг бир қахрамони Билга Ҳоқон қабр тоши битигидек бизга куйинмаслигини ким инкор этади.

Бизнинг ожиз фаҳмимизча, байроқ мустақил бир давлатнинг дунёдаги тенглик белгиси, саодат рамзи, қалб нияти, феъли, ор-номуси қай даражадаги тасвири, мадҳи.

Мозийда туркий элатларнинг ери ва мавқе янглиғ туғлари турфа ва гўзал намойиш олганди. Милоднинг 48-216 йилларида Боту Ҳоқонлиги номи билан давлат тузган туркийлар малла рангли матони ўзларининг ифтихори ҳисоблаб, бошлари узра ҳилпиратишган бўлса, Кўк турк ҳоқонлиги (552-743)да кўк рангли байроқ ўртасида яшил бўрининг тасвири туширилган. Яшил бўри бирлик ва мардлик рамзи. Эзгу ният тимсоли. Яшил бўри туғнинг туғроси, у ўша замонда зарб қилинган тилла ва кумуш тангаларда учрайди.

Айниқса, рангларда ва белгиларда бу яловлар халқнинг руҳини ва мақсадини кўрсатади. Қудрати ва улуглигини ифодалайди. Эҳтимол, кўпчилик байроқдаги беш қиррали юлдузни совет салтанатининг кашфиёти деб ўйлаши мумкин. Адашади. Бундан бир ярим минг йиллар олдин давр сурган оқ хун ҳоқонлиги байроғида ҳам 3 та беш қиррали юлдуз тасвири ўрнашганди. Бироқ нияти каби уларнинг ялови олуца гулли оппоқ рангда эди... Бунинг акси Хоразмшоҳлар ганимларга қарши қаёт-мамонт жангига қора рангли байроқларда киришган...

Уларнинг туғидан баланд келган алам(байроқ Чингизхон қўшининики)нинг ранги эса қизил тусда бўлади. Тарихнинг ўйиними ёхуд тушуниксиз сирли бало 800 йил ўтиб, ўша рангли байроқ остида бу тупроққа яна офат келди, шўриш ёприлди. Қишлоқ ва шаҳарларимизда 70 йилга яқин ҳилпираб турган ол байроқни кўрганда энтикмаган одам қолмади. Ҳатто буюк миллатпараст Чўлпон ҳам "Қизил байроқ"қа атаб шеър битди. Ва уни бегуноҳ қонларга ғарқ матосини табаррук музаффариятчи ва эзгуликка уламоқ истади. Хато шоирда ҳам, рангда ҳам, байроқда ҳам эмасди. Улуғ қалб куйчиси энг рост битикларида чўнг мотам билан "Тилимда сўз деган нарса йўқолди" дея йиғлаб амир Темурнинг яшил рангли туғини зориқиб кутди.

Чўлпон орзу қилган кунлар келди. Қулдорлар тасаввурига сиғмаган улуғ жараён бошланди. Хорлар тилагидан униб чиққан эзгу лаҳзалар... Бу лаҳзаларда миллат ўзининг давлат қурилишида янги, кўҳна ўзанга тушди. Барбод бўлган ўзлигини бунёд этишга шошилиб кирди. Мустақил давлат учун лозим бўлган тарихий амаллар қаторида туғ (байроқ, ялов) ва туғро (тамға, герб) сини яратди.

Уларнинг қадри, сифати, ижобати шунчаки расмий қайд этиладиган ҳодиса эмас. Буни собиқ Иттифоқ таркибида, мустамлака ҳолимиздаги Ўзбекистоннинг байроқ ва гербига солиштириб ҳам билиш мумкин.

Байроқ — синфий, миллий, ҳарбий, партиявий бирликнинг, турли уюшмаларнинг рамзи. Бир томони дастага маҳкамланадиган, баъзан турли эмблемали белгилар туширилган бир ёки кўп рангли мато. (Ўзбек совет энциклопедияси, 2 жилд, 31 бет).

"Давлат байроғи — мустақил давлат ва унда яшовчи граждандар дахлсизлигининг рамзи. СССР Давлат байроғи қизил (революцион) рангли бўлиб, даста томонининг юқори қисмига ишчи ва деҳқонлар иттифоқини ифодаловчи ўроқ ва болға ҳамда беш қиррали юлдуз акс эттирилган".

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат байроғи қизил алвондан иборат бўлиб, унинг ўртасига бутун бўйига ҳаворанг йўл тортилган. Бу йўлнинг икки чеккасида ингичка оқ ҳошия бўлади. Оқ ҳошия билан ҳаворанг йўл байроқ энининг бешдан бир қисмини ташкил этади. Байроқнинг юқори алвон қисмида даста томонидан олтин ўроқ ва болға расми. Унинг устида атрофи зарҳал билан ҳошияланган беш қиррали қизил юлдуз шакли бор. (Ўзбек совет энциклопедияси, 3 жилд, 506 бет.)

Солиштирилса Жумҳуриятнинг алоҳида байроғи ҳўжа кўрсин учун ясалган, тасдиқланган, ҳилпирлаганини билиш қийин эмас. Масков байроғининг арвоҳи янглиғ республика байроғи унинг сояси бўлиб, чўрилигини қилиб юрган. Бўлмаса қани унда алоҳидалик, айричалик. Оқ чизиқ ва ҳаворанг йўлни (уям байроқнинг бешдан бири) ҳисобга олмаганда қизил байроқнинг айнан ўзи. Ҳолбуки ўша лахтак, бир парча латта бу кўҳна халқ тарихида илк бор кашф қилинди деб талқин этилган: "Ўзбекистоннинг биринчи давлат байроғи 1925 йил июл қарори билан қабул қилинди".

Йўқ, сал адашдингиз, азизлар... ("Ўртоқлар", "жаноблар" бу ўринда кетмайди). Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябр куни тасдиқланган. Бу сафар у кимгадир сохта намойиш, кўлмак фахр учун эмас, эҳтиёж,

зарурат юзасидан чинакамига қайта туғилди, тўғрироғи тикланди.

Мен у ҳақда баландпарвоз бир луқма билан унинг аҳамиятини кўлмакка пиштитишдан қўрқаман.

Расмий ахборот ёзади:

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихи боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий санъатларини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу ҳаёт ва оби-ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, соғлиқни орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилиш тимсолидир.

3. Яшил ранг — табиат, янгиликни рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз ҳам рамзидир.

6. Юлдузлар барча халқлар учун руҳоний-илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бизнинг 12 юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида "нужум илми" тараққий этгани билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

...Ҳали кўп нарсани англаб етгунча... мозийи туғда туғилган туғро (тамға, герб) ҳодисаси ҳақида икки-уч оғиз чайналган, чайналмаган луқма.

Герб — муҳр, байроқ, қалқон, пул ва бошқа нарсаларда ифодаланган бирор давлат, шаҳар, уруғ, қабиланинг расмий белгиси.

Герб милоддан аввалги 3 мингинчи йиллардан буён амалда бўлган. Қадимги Мас, Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, кўҳна Рим давлатиникида бургут акси тасвирланган. Ўрта асрларда кўпгина шаҳарлар алоҳида тасвирли ўз гербларига эга эди. Венеция гербида қанотли шер, Лондонникида бут ва қилч, Москваникида чавандоз сурати, Самарқандникида (Темур герби) уч ҳалқа тасвири туширилган.

Шубҳасиз давлат ўз рамзи сифатида қабул қилган бу турфа нақшли белги қонун кучи ва тасарруф қудрати учун танланганди. Бундан 2500 йил олдин Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ғазхон даврида бу белги "тамға" деб юритилган.

XII асрнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин Ҳамадоний "Танланган тарих"лар китобида

шаҳодат беришича, салтанатнинг бир қисмини улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, ўғилларига инъом этган Ғазхон салтанати каби ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамгаларига эга эдилар. Ўша "тамға" сўзининг маъноси ҳозир бизда амалда қўлланилаётган "геоб" — немисча "эрбо" сўзидан олинган шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатган тушунчага мос келади.

Лекин туркий лисонда бошқа бир сўз ҳам бу тушунчани англатишга яроқли. Туғро — туғоро. Бунга Амир Темур туғи аро ўрнашган тасвир — герб белгиси — уч ҳалқа ҳам ҳимояга келади. Боиси ўша замон давлат қоғозларида шу белгининг муҳри бўларди-да.

*Ўз туғро, байроғинг, юртбошинг бордир...  
(Эркин Воҳидов.)*

Герб — "кўндалангига тасвирланган ва атрофи ўнг томондан бир даста буғдой поя ва чап томондан гуллаган ва пахтаси сочилиб турган гўза шохи билан ўралган кумуш ўроқ ва болға расмидан иборатдир, пастда буғдойпоя билан гўза шохининг ўртасида ер шарининг бир бўлаги кўриниб туради. Буғдойпоя билан гўза шохи қизил лента билан ўралган ва бу қизил лентанинг ўнг томонига ўзбекча "Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз", чап томонига эса русча "Пролетарии всех стран соединяйтесь" деган сўзлар ёзилган; гербнинг юқори қисмида, лентанинг тепасида атрофи зарҳал билан ҳошияланган беш қиррали юлдуз шакли бор" (Ўзбек совет энциклопедияси, 3 жилд, 510 бет.)

Шубҳасиз, Иттифоқ гербидан андоза олинган. Бу собиқ гербда аввало қорин дарди ифтихор қилинади: пахта чаноғи, буғдой пояси дегандай. Ахир туғро дегани қутлуғ ўтмишдан шовли анъаналари, истиқболдаги орзу ниятларидан ҳам даракчи бўлиши керак эмасми?! Балки унга ҳам етарли мақтовлар айтиш мумкин. Лекин 1991 йил 18 августгача айтилганига бизнинг мадҳияларимиз йўл бўлсин.

Ризқи-рўзимиз рамзи, ифтихоримиз тасвири, меҳнат, аҳил-иттифоқлигимиз тамғаси...

Лекин амалда, давлатчилигимизда...

Истиқлолдан кейингида ўша армон ва орзулар бир қадар ўз ижобатини топган.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томондан буғдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборатдир.

Гербнинг юқори қисмида Республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларининг қутлуғ рамзидир.

Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Хумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, осойишталик, яхшилик, бахт-саодат, эсон-омонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди.

Гербнинг пастки қисмидаги Республика Давлат байроғини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига "Ўзбекистон" сўзи битилган".

...Хокисор бир шоир "Суратгир"га шеърида тамошатабларга бир сабоқ беради: "Суратга термулганда уни дунёга келтирган заҳматкашини ҳам унутмангиз". Бу фидойига фидойилик фикри. Дарвоқе таъриф-тавсифини келтиришга уринганимиз байроқ ва гербимизнинг яратувчиси ким?

Мусаввир Анвар Мамажонов. Анвар ака қарийб 4 йилини шу ишга бағишлади. Бу ҳам фидойилик тимсоли. Гапимизга кимдир лабини жийиргандай. "Нима битта байроғу шунга яқин бир гербни ким ҳам чизолмайди? Шу ҳам иш бўлибдими?" Иш бўлганда ҳам оғиргина, чўнг сабр талаб амал. Рассомларга дастлабки мурожаатда уч юздан ортиқ мусаввир байроқ ва гербни чизишга талабгор бўлиб чиқди, махсус ҳайъатга ўз асарларини тақдим этишди. Лекин элак сувдан кўтарилганда аксарияти тушиб кетди.

Тўғри, Анвар Мамажоновнинг иши ҳам дарров лойиқ топилмади. У чизган байроқ Олий Кенгаш сессиясига олиб чиқилгунча, бугунги ҳолига келгунича ҳам анча йўл босиб келди. Бу йўлда ўзбекнинг забардаст тарихчилари фикри, файласуф донишлари қараши, меҳнаткаш элининг гапи билан у ҳисоблашди. Уларни жамлаб чизди. Чиздики... нуқсон, етишмаган жойлари маромига келиб, охир-оқибат, мусаввир ранглари "Ўзбекистон" тилга олинадиган жойда ҳилпирайдиган даражага чиқди.

Айниқса, Анвар ака гербни чизишда кўп риёзат чекди. Бир йил ишдан таътил олиб туғро билан машғул бўлди. Гербнинг ўттизга яқин эскизини ишлади. Уларнинг кўпи алоҳида оригинал асарлар деса бўлади, фикримизнинг тасдиғи сифатида иккитасини тасвирлашга уринамиз.

Бирида: Олтин пахта чаноғи айланани бутунасига эгаллаган. Унинг тепасида қуёш, герб ўртасида Самарқанднинг Регистон майдони бўлгувчи эди.

Бошқа бирида эса туғрони анор сурати ичига жойлади. Юқорида чап томонда 10 қиррали юлдуз ва ҳилол ўнг томонида шер сурати, ўртада Самонийлар мақбараси тасвирини киритди.

Булар каби бошқа асарларида ҳам санъат асари гўзал намуна ва топилмалар бор эди. Бироқ гўзал санъат асари бўлишидан ташқари ўзга давлатнинг туғроларига ҳеч бир жойи ўхшамаслиги, ундан ўзбекнинг руҳи ва қалби уфуриши нияти ва амаллари жо бўлиши лозим эди.

У яна ўрганишга киришди, бу сафар унга байроқни яратишдаги тажрибалари қўл келди. Рассомликдан ташқари китоб титкилади. Мураррихдан фикр сўради, адибдан мулоҳаза уқди, ўзбекнинг фахрини ўрганди, китоблар уни Ўғузхон тамғаларини кўришгача стаклаб борди.

Ва туғрога кунлардан бир куни Ҳумо келиб қўнди. Давлатларнинг байроқлари ва туғролардаги тасвирларга қараб ҳам уларнинг ғоя ва мақсадларини билса бўлади. Ҳеч бўлмаса озгина. Ахир, рамзлар тилсиз ҳам сўзлаб ётади-да. Бургутни кўрганда... юксакларда парвоз қилиши билан йиртқичлигини унутмагандай...

Бунинг акси Ҳумо қуши жуда софдил, халқнинг орзу-ниятлари даракчиси. У бошқа-

ларнинг бахтига чанг солишдан ҳам йироқ. Туғрода энг мувафақиятли ва табиий топилма демоқ лозим — Ҳумони.

...Ҳумони излаб тўрт йилдан кечган Анвар Мамажонов унғача ҳам ранглар ортидан югуриб, омад кутган, имкон қадар мўъжиза улашганди. Тошкентнинг Арпапоясияда болалиги кечган Анвар ўйиндан қўли бўшаса Ленин суратини чизарди. "Доҳий"нинг 10 дан ортиқ бежама суратларини ҳар томонга юбориб кўрди. Фақат "Пионерская правда"дан жавоб келди. "Яхшиси, сен бизга манзарали суратлар чизиб юбор". Бироқ у яна доҳийнинг "портрети"ни уларга юборди. "Пионерка"дагилар ҳам ўжар экан. Маслаҳат беришни ҳам йиғиштиришди. Ва у қайтиб ҳеч қаердан юборган сурати учун ижобий жавоб олмади. Лекин Анвар машқни давом эттирди. Ўжарлиги келажани белгилади. Мактабни ўртамиёна тугалласа-да, Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳи сопол буюмлар бўлимига дашномларсиз талабаликка қабул қилишди.

Сополсозлик халқ амалий санъатининг қадимий турларидан бири. Лекин кейинги йилларда назардан четда қолиб, ёшлардан унга қизиқувчилар борган сари камайиб борарди... Жонкуярлар шу боис рассом бўлиш учун борган Анварни бу бўлимга қабул қилиб, ҳавас уйғотишди.

Анварнинг норозилиги кўпга чўзилмади. Илмоғдан сополсоз уста бўлиб чиқди. Ишлади ҳам. Бироқ яна рассомлик ишқи уни ўзига тортиб кетди. 1983 йил Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига мусаввир бўлиб ишга келгач эса тамоман берилди. Китоб безашда касбдошлари Виктор Алухтин, Анатолий Бобров, Иван Кирякинлардан анча-мунча нозик томонларни ўрганди, ўзлаштирди. Ҳозир "Ёзувчи" нашриётининг бош мусаввири Анвар Мамажонов жумҳуриятимизда бу соҳанинг энг усталаридан бири ҳисобланади. Унинг айниқса, миллий шакл ва рамзларга бой, ўтмиш нафаси билан суғорилган нозик ишланмали асарлари ("Улоқда", "Аския" каби) мухлислар назарига тушган. А.Мамажонов 1975 йилдан хорижий кўргазмаларда қатнашиб келади. Белгия, Ҳиндистон, Марокаш, Тунис янглиғ жойларда алоҳида асарлари кўргазмалари бўлиб, хорижликлар томонидан ҳайрат ва эҳтиром билан кутиб олинган. Лекин бу у ўзини тўла намоён қилди, дегани эмас. Ҳумога ўхшаган яна нималарнидир излаб юрибди... Ниятимиз— илҳом топсин.

Ҳали бу дунё неча бор эврилади, қанча-қанча бузилиб, яна шунча тузилади. Буларни биз билмаймиз. Назаримизга ҳам илмаймиз. Лекин тенглик, эзгулик мустақиллик заминида миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар устивор экан, уларнинг ўз туғлари, туғролари бўлади. Шулар қаторида норимиз, норимизга юкланган оримиз туғ ва туғромиз муборак бўлсин миллатдош ва давлатдошларга!





## ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

*Адиб ҳаётидаги эътиборли саналар*

Адиб Туркистон тизма тоғи этагидаги Кенгқул (ҳозир Тожикистоннинг Шаҳристон туманига қарайди) қишлоғида 1928 йилнинг 25 октябрида бадавлат оилада туғилган. Болалик ва ўспиринлик чоғлари шу қишлоқда савод чиқариб, қўш қайдади, йилқи боқди. 1944-1945 йилларда Бекободдаги Металлургия заводи қурилишида иштирок этди. 1951 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик куллиётини, 1954 йилда эса Москва адабиёт олийгоҳининг аспирантурасини битирди. Ва шундан бошлаб адибнинг жўшқин ижодий фаолияти бошланди. "Уч иддиз" романи босилиб чиққанда П.Қодиров 30 ёшда эди. Ҳозиргача эса асосан унинг қўйидаги асарлари ёруғлик кўриб, китобхонлар мулкига айланди.

"Қадрим" — 1961,

"Эрк" — 1968,

"Мерос" — 1975 каби қиссалар,

"Олмос камар" — 1976,

"Қора кўзлар" — 1966,

"Юлдузли тунлар" — 1979,

"Авлодлар довони" — 1989 романлари шулар жумласидандир.

26 ёшида Абдулла Қаҳҳор ижодини тадқиқ қилиб, фан номзоди даражасига эришган адиб жумҳурият фанлар академиясининг тил ва адабиёт олийгоҳида фаолият кўрсатган йилларда "Тил ва дил" (1972), "Халқ тили ва реалистик проза" (1973) каби салмоқли рисолалар ёзди.

Унинг бадий таржима соҳасидаги хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир. Ўзбек китобхонлари Л.Толстойнинг "Қазаклар", К.Фединнинг "илк севинчлар", Хидир Деряевнинг "Қисмат", П.Толиснинг "Саратон" асарларини П.Қодиров мутаржимлигида ўқишган.

Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи 1981 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. 1988 йилда бўлса кўп йиллик ижодий фаолияти натижаси ўлароқ адибга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси фахрий унвони берилди. 1990 йилда Ўзбекистон Халқ ноиблигига сайланган адиб айти пайтда мамлакат олий Кенгаши маданият ҳамда маданий меросни асраш Қўмитасини бошқариб келади.

Атоқли адиб Пиримқул Қодиров ижоди ва ҳаётини ўрганишга ўрта мактабларда адабиёт фани дастурида муайян жой ажратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки адиб ижодий фаолиятининг каттагина қисмида миллатимизнинг фахри бўлмиш жасур ва доно, жаҳон тарихида ҳам сезиларли из қолдирган ўғлонлари тақдирини моҳирлик билан бадий тадқиқ этган. Эртага мустақил юртнинг эгаси бўлгувчи ўспиринларга ўзлиги ва дунёни англашда бу асарларни ўрганиш жуда зарур. Қўйида ёзувчининг ўзи асарлари яратилиши тарихига оид муҳим хотираларини сиз билан ўртоқлашади.

Жажжи дарсликни  
Нурбой Абдул Ҳаким  
тайёрлади

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Менимча, кишининг онгли ҳаёти китобга меҳр қўйган давридан бошланади. Мен саккиз ёшимда қишлоқда Элбек тўплаган "Ўзбек халқ қўшиқлари"ни севиб ўқиганман. Зеҳним тез эди. Бу китобдаги кўпгина халқ қўшиқларини икки-уч марта ўқишда ёд олганман. Кейинроқ роману қиссалар ўқишга қизиқдим. Ўқиган нарсаларимни тоғда чўпон бўлиб ишлайдиган Жўра акамга айтиб берар эдим. "Ҳожимурод", "Қутлуғ қон", "Сўна" каби машҳур китобларнинг қайси жойи акамга кучлироқ таъсир қилса, ўша жойини бўрттириброқ сўзлардим. Кейин билсам, бу оғзаки ҳикоялар мени ижод даргоҳига олиб келган илк сўқмоқлар вазифасини ўтаган экан.

Умуман, ёзувчилик китобсеварликдан бошланади. Китобни севиб ўқимайдиган одам ёзувчи бўлолмайди.

Ёзувчилик ҳаётининг энг муҳим босқичи ўқиган китобларига тақлид қилмасдан, ўзи кўрган-кечирган ҳаётдан мустақил асар ярата олиши билан белгиланади. Бу борада менга кундалик дафтар тутишим катта ёрдам берди. Чунки мен бошимдан кечирган ҳодисалар ўқиган китобларимда йўқ эди. Улар ҳақида кундалик ёзиш ҳали ҳеч бир китобда битилмаган ҳаёт лавҳаларини қаламга олиш, яъни ибтидоий тарзда мустақил ижод қилиш эди.

Ана шу машҳур ёрдамида ўзим студент бўлган пайтимда "Студентлар" деган (1951) илк китобчам босилиб чиқди. Бу ҳали анча хом ҳикоя эди. Кейинчалик уни бирорта тўпламимга киритганим йўқ. Орадан етти йил ўтгач, ўзимиз бошдан кечирган студентлик ва аспирантлик йилларимиз ҳақида "Уч илдиш" романи ёзилди. "Қора кўзлар"да эса менинг туғилган қишлоғимга оид таассуротларим акс этди.

Адабиёт ўз қудратини ҳаётдан олади. Ҳаёт деганда мен ёзувчининг ўз шахсий ҳаётини назарда тутаман. Айниқса, ёшлиқда кишининг қалби ҳали экин экилмаган баҳорги далага ўхшаш бўлади. Истиқболнинг даласига қанақа уруғ сочсангиз ва қайси ниҳолларни эксангиз яхши ўсиши мумкин? Мен бу саволларга жавоб излаб юрган студентлик пайтимда Абдулла Қаҳҳордан илк ижодий сабоқлар олганман. Ўзим тўғримдаги ҳақиқатни биринчи марта шу устоз адибнинг тиниқ ва сеҳрли кўзгусида кўриб беҳад таъсирланганман.

Менимча, одамнинг ўзи тўғрисида ҳаққоний тасаввур ҳосил қилиши — ижодий ишнинг яна бир муҳим босқичидир. Шу босқичдан ўтмаган ижодкор бошқалар тўғрисида ҳаққоний тасаввур берадиган асар ёза олмайди.

Ёшлиқда маънавий тараққиётнинг шу муҳим босқичидан ўтаётган пайтимда Абдулла Қаҳҳордай талабчан адибнинг менга ёрдам қўлини чўзгани — тақдирнинг катта инъоми эди. А.Қаҳҳор "Уч илдиш" ва "Қора кўзлар"ни қўлёзмасида ўқиган, йўқ жойдан хато қидирувчи айрим ҳамкасбларимиз менга асоссиз айб тақамоқчи бўлганда устоз адиб кўкрак кериб ҳимояга чиққан эди. Бу ҳаммаси менинг ёш ёзувчилик пайтимдаги ижодий тақдирим лат емай соғлом шаклланиши учун катта имкон яратди. Шунинг учун мен устоз Абдулла Қаҳҳорни ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан эсламан.

### "ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР" (1979 йил)

Жаҳон танийдиган сиймо — Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги романи 1959 йилда "Уч илдиш"дан кейиноқ ёзиш ва ўша пайтларда илк романимни ўқиб илиқ муносабат билдирган Мухтор Авезов каби буюк адибдан ҳам маслаҳат ва кўмак олиш орзусида эдим. Лекин узоқ ўтмишнинг мураккаб ва чигал тарихий муаммолари орасига кириб борганим сари олдимда турган мақсаднинг нақадар улканлигини, мушкулотлар қанчалик



Қадрли Пиримқул! Сени эзлик ёшинг билан қувониб табриклайман. Сен ўз насринг билан ўзбек адабиётини юксалтирмоқдасан. Биз сен билан нафақат тенгдошларимиз, балки маслақдошлар ҳаммиз.

Чингиз АЙТМАТОВ,  
1978 йил, октябр



кўплигини, уларнинг орасидан йўл топиб ўтиш учун қанчалик катта тайёргарлик ва тажриба зарурлигини тобора аниқ сеза бошладим. Агар бу ишнинг уддасидан чиқа олмасам халқимиз учун беҳад азиз бўлган бир мавзунини ҳайф қилиб қўйишим мумкинлиги мени шошилмасликка ундади.

Шундан сўнг кўз олдимизда турган замонавий ҳаётнинг тарихда қоладиган энг муҳим, энг ёрқин томонларини, тоғда, чўлда, шаҳару қишлоқларда жўшқин ҳаёт кечириб, астойдил меҳнат қилиб тарихимизда янги саҳифалар очаётган халқ вакиллари баҳоли қудрат тасвирлаб, яна ўн йил тажриба орттирдим. Мана шу тажриба кейин, тарихий роман ёзган пайтимда, менга жуда асқотди.

Илм-фан "Энергиянинг сақланиш қонуни"ни кашф этган. Инсон руҳи, унинг ирсияти ҳам энергиянинг олий бир тури ҳисобланади. Шунинг учун ўлмас руҳлар асрдан асрга ўтиб келиб, бизнинг ораимизда яшайди.

Мен умримнинг чорак асрини Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳақида материал йиғиш, китоблар ёзиш ва уларни чоп эттириш йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишга сарфладим. Бунга эҳтимол ўша "энергиянинг сақланиш қонуни"га ўхшайдиган улуғ руҳларнинг ўлмаслиги ҳам сабаб бўлгандир. Чунки "Бобурнома"да қаламга олинган Оқсув қишлоғида менинг онам туғилиб ўсган. Бобур йигитлик пайтида шу ерларда ялангоёқ юрган, қувғин пайтларида шу атрофга келиб паналаган, ҳатто қишлаган. Балки ўша пайтларда унинг кўзидан тўкилган нур, руҳидан сочилган ўлмас зарралар бу ерларда асрлар бўйи сақланиб қолгандир. Менинг болалик йилларим ҳам онамнинг қишлоғи Оқсувда ўтган. Мен ҳам Бобур юрган ерларда ялангоёқ чопиб юрганман. Ўша арчазорлар ҳавосидан нафас олганман. Балки шунинг учун ёшлик йилларимдан бери Бобурга бу қадар ихлос қўйгандирман? Унинг бошидан кечган ҳодиса ва фожеъларни дилдан ҳис қилишимга эҳтимол мана шу тарихий муҳит ва табиий шароит ҳам имкон бергандир?

Ҳар бир халқ ўз ватанининг табиати ва тарихи билан ифтихор қилади. Чунки яратувчилик нуқтаи назаридан қараганда тарих табиатдан кейинги энг улуғ ўринлардан бирида туради. Табиат ўз дарёлари, водийлари, тоғу чўллари қандай бетакрор яратган бўлса, тарих ҳам турли мамлакатлар, халқлар ва давлатлар тақдирини ва уларга мансуб бўлган ёрқин сиймолар таржимаи ҳолини ана шундай бетакрор ва ёрқин қилиб яратиб қўйган. Асрлар китобини ўрганганингиз сари тарих томонидан яратилган драмалар, фожеълар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслиги ишонч ҳосил қиласиз. Шу сабабли мен Бобур, Ҳумоюн ва Акбарларнинг кўрган-кечирганларини тасвирлар эканман, ўз фантазиямдан кўра "Тарих фантазияси"га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосландим.

Жумладан, Мирзо Бобур суюкли ўғли Ҳумоюнни ўлимдан қутқариш учун худога илтижо қилиб, ўз жонини фарзандига бағишлагани чиндан содир бўлган ва тарихий манбаларда битилган ҳодисадир. Ёки бир сувчи йигит Ганга дарёсида чўкиб ҳалок бўлаётган Ҳумоюнни нақд ўлимдан қутқаргани, бунинг эвазига Ҳумоюн ҳам тантилик қилиб, шу мард йигитга нафақат ҳазинадаги олтин-кумушларни, балки тожу тахтини ҳам бериб, уни подшо қилиб кўтаргани манбалардан олинган ҳақиқатдир.

### "АВЛОДЛАР ДОВОНИ" (1989 йил)

"Авлодлар довои" романи китобхонларнинг талабларига биноан ёзилганини айтиб ўтишим керак. Чунки "Бобур"ни ўқиган адабиёт мухлислари учрашувларда, хатларда, мақолаларда асарнинг хотимасидан қониқмаганликларини такрор-такрор айтдилар, бобурийлар ҳақида махсус роман ёзилиши керак деб тилак



билдирдилар. Бобурнинг вафотидан кейин унинг авлодлари ички-ташқи зиддиятлар гирдобиди қанча оғир драмаларни бошдан кечирганликларини, келгуси авлодларга қандай тарихий сабоқ ва маданий мерос қолдирганликлари ҳақида янги роман ёзиш чиндан ҳам зарур эди. Оғир ўтмиш замонларда барча мушкулотларга бўй бермай довол ошган машҳур одамларнинг ҳаётий тажрибалари ҳозирги авлодлар учун ҳам тарихий сабоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Акбарнинг "Сулҳи кулл" — ҳар томонлама тинчлик йўлида ўтказган катта ислоҳотлари, турли эллар ва эътиқодларни бирлаштириш борасидаги маънавий изланишлари ҳозирги китобхонларни ҳам қизиқтиради, деб ўйлайман.

Романда қаламга олинган ҳинд шоири Кабир асли ҳинд брахманининг фарзанди бўлади, кейин уни камбағал бир муслим қосибнинг фарзандсиз оиласи тарбиялаб ўстиради. Кабирнинг ҳаётида икки қавм, икки диний эътиқод қандай бирлашган бўлса, унинг ижодида ҳам ҳинд-муслмон адоватига қарши қаратилган яқдиллик ғоялари устун туради.

Бу ҳаётий ҳодиса чиройли бир ривоят орқали ифодаланади. Кабир ўлганда ҳиндлар уни ўз одатларига биноан оловда куйдирмоқчи ва кулини муқаддас Ганга сувига оқизмоқчи бўладилар. Муслимлар эса ўз эътиқодларига биноан қабр қазиб, марҳумни ерга қўймоқчи бўладилар. Икки орада мунозара чиқади. Ахийри улар Кабирнинг тобути олдига келадилар. Қарасалар, тобутда жасад эмас, бир қучоқ гул ётган эмиш. Ҳиндлар ва муслимлар бу гулларни тенг бўлиб оладилар-да, бутун мамлакатга тарқатадилар. Бу гуллар — Кабир ўз ижодида олға сурган иноқлик ва биродарлик рамзлари эди.

Акбар ҳинд халқи орасида кенг тарқалган Кабир таълимотига таяниб, ундан олдин ҳеч бир муслмон подшоси қилолмаган дидли ислоҳотлар ўтказиши, ғайридинлардан олинадиган жизя солиғини бекор қилади, махсус мурожаатнома чиқаради. Унда: Ҳиндистоннинг ҳамма эл-улуслари урушсиз тотув яшашларини истаб, "барча имону эътиқодларга баробар эҳтиром билдирамиз!", дейди. Бу сўзларни амалда исбот этмоқ учун Эътиқод уйи — Ибодатхона қурдиради, турли дин вакиллари бир даврага йиғиб ҳар томонлама тинчлик сиёсатини амалга оширади.

Ҳумоюн билан Акбарнинг камол топишида Ҳамида бону билан Хонзода бегимларнинг хизматлари жуда катта бўлган. Биринчи бобда ўн беш ёшда бўлган Ҳамида бегим охирги бобда саксон ёшида вафот этади. Ҳумоюн билан Акбарнинг сюжет чизиқлари ҳам Ҳамида бегим орқали бир-бирлари билан чамбарчас боғланади. Адиба Гулбадан бегим, шоира Салима бегим, Акбарнинг суюкли ҳинд хотини Рани Жодха Бай ҳам давлат ишларига ва илму санъат ривожига ҳисса қўшадилар. Хонзода бегим, Ҳамида бону ва бошқа ажойиб аёллар баъзи қонли урушларнинг олдини оладилар, узоқ жойларга элчи бўлиб борадилар, бир неча марта ота-бола низоларини бартараф этадилар. Бобурийлар хонадонига мансуб бўлган бу улуг аёлларнинг қонли урушларни бартараф этиш борасида қилган фидокорона ишларини мен алоҳида меҳр билан тасвирлашга интилдим. Чунки халқимиз орасидан шундай ажойиб аёллар етишиб чиққанлиги ҳам биздаги миллий ифтихор туйғусини ўсдирадиган омилдир.

Мен кўпроқ яхшилар ҳақида ёзаман. Лекин ёмонларга қасосни қайтаришда ҳам тарихнинг ажиб бир адолати борки, бунга қойил бўлмай иложингиз йўқ. Ҳумоюн билан сулҳ тузиб, ўртага Қуръони каримни қўйиб аҳдлашган Шерхон кейин шу сулҳни бузади. Аммо Қаланжарда деворга урилиб қайтган замбарак ўқи Борут омборини портлатиб, Шерхон қилган оғир гуноҳнинг қасосини қайтаради. Буни ҳам мен ишончли тарихий манбалардан олиб ёзганман.

Мен анчадан бери ўзбек адабиёти осмонида момақалдироқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. "Уч ялғиз" романи адабиётимизга момақалдироқдай гулдурос солиб, яшиндай чақнаб кириб келди.

## Абдулла ҚАҲҲОР



Мирзо Бобур шайх Саъдийнинг икки сатр шеърига қаттиқ ихлос қўйган экан. Бу шеърнинг маъноси шуки: "Сенга ёмонлик қилгани ҳаётнинг ўзига қўйиб бер, ҳаёт ундан шундай қасос оладики, сен буни хизматкорингга буюриб ҳам қилолмайсан".

Бу ҳикматнинг ростлигига Бобур ва унинг авлодлари ҳаётдан кўплаб далиллар келтириш мумкин. Мен улар ҳақида роман ёзганим учун яқин ўтмишнинг баъзи ҳукмдорлари мени ҳам жуда кўп руҳий қийноқларга солишди, роман босмахонада терилган пайтида бир эмас, икки марта ҳарфларини сочиб юборишга мажбур қилишди. Лекин бу ёмонликлар уларнинг ўзларига (мендан эмас, ҳаётдан) оғир қасос бўлиб қайтгани кўпчиликка маълумдир.

### "ҚАДРИМ" (1961 йил)

Зўравонлик ва риёкорликка асосланган тоталитар тузум бизнинг миллий ва инсоний қадримизни ерга урар эди. Бу ички дард "Қадрим" қиссасининг ёзилишига туртки берган. "Қадрим"даги итоаткор, мўмин йигит Искандар қарамликка кўниқиб кетган. Унинг севган қизи Зулайҳо қарамлик психологиясига қарши исён қилиб шундай дейди: "Сиз бир жонсиз вагонга ўхшайсиз. Биров паровоз бўлиб тортмагунча ўрнингиздан жилмайсиз". Бу дардли гап 1961 йилда босилиб чиққан эди. Орадан роса ўттиз йил ўтгандан кейин биз мустақил республика бўлдик, аммо бу ҳол марказдаги баъзи нохайрихоҳларимизга ёқмади. Шулардан бири 1991 йилнинг охирида бизнинг мустақиллигимизни "Отцепленный вагон", яъни поезддан узилган вагон деб атади, ҳатто бу сўзлар сарлавҳа бўлиб босилди. Шу билан қизил империя бизни худди вагон каби ўз поездига тиркаб олишга интилганини беихтиёр тан олишди.

Аслида биз минг йиллар давомида ўз ички кучимиз билан ҳаракатланиб келаётган серғайрат ва ориятли халқмиз. Ҳамма гап ана шу ички кучларни уйғотишдадир.

"Қадрим"даги Искандар ҳам севган қизининг аччиқ гапларини эшитиб орияти келади. Орият — жуда катта куч. Ўзининг "Жонсиз вагон" эмаслигини исбот қилгиси келиб, чўлда газ конлари очаетган ишчиларнинг орасида оғир ишларда ишлайди. Воқеалар ривожда унинг мудраб ётган ички кучлари ва довюраклиги уйғонади. Бу уйғонишни мен бўлажак Миллий Уйғониш орзуси билан тасвирлаганим ёдимда бор.

### "ЭРК" (1968 йил)

"Эрк" қиссаси бизнинг миллий туйғуларимиз камситилган, эркимиз четлатилган замонларга қарши исён тарзида ёзилганлигини айтиб ўтмоқчиман. Албатта, бу исён очиқ айтилмай, сатрлар маъзига сингдириб берилган. Қиссада гап "Тошкентда метро қуриш керакми, йўқми?" деган мунозарадан бошланади. Бу масалани у пайтда Ўзбекистон ўзи ҳал қилолмас эди. Москвадан келган мутахассислар нима деса шу бўларди.

Шу мутахассислардан бири ўзбек қизи Розия билан шаҳар бўйлаб сайр қилади. Иложи бўлса Розияга хуштор бўлиши ҳам мумкин, аммо Розия ўзининг миллий ғурурини баланд тутди. Айниқса, суйган йигити Сатторнинг висолига шошилгани, улар учрашганда икковининг бир-бирига гўзал муомаласи Москвалик меҳмонни лол қолдиради. Максимич Сатторга:

— Агар мен сизни Парижда учратсам, манаман деган француз йигитидан фарқ қилолмас эдим! — дейди ва ташриф карточкасини беради.

Шунда Саттор:

— Мақтовингиз учун раҳмат, бироқ Париж бизга жуда узоқ, — дейди. — Биз ҳозир мана шу Тошкентга муносиб бўлиш



Миллий олий мактаб студентлари ва янги ёш зиёлиларнинг шаклланишига бағишланган "Уч илдиш" романи менга жуда ёқди.

Мухтор АВЕЗОВ



ҳаракатидамиз!

Бу диалог ўзбек йигитининг миллий ғурури дунёнинг энг улуғ халқларидагидан кам эмаслигини кўрсатиш учун ёзилган. Розия билан Саттор стадион ёнидан ўтаётганларида шу ерда бундан бир неча ой олдин содир бўлган миллий тўқнашувга ишора қилинади. Стадиондаги бу тўқнашувни баъзи Марказий идоралар "русларга қарши ўзбекларнинг қўзғолони" деб баҳолашга уринган эдилар. Лекин қиссада бу тўқнашув ҳўкиз тахлит бир мастнинг Розияга ёпишиб, "Сен меникисан!" деб даъво қилиши, Саттор қизни қутқариш учун безорининг биқинига мушт туширгани, лекин маст безори уни пичоқ билан уради ярадор қилгани тарзида кўрсатилади. Шу билан "қўзғолон" деб аталган нарса ўзбекнинг ўз номусини сақлаш учун қилган адолатли олишуви сифатида талқин этилади.

Қиссадаги бошқа оилавий муаммолар ҳам ана шу миллий эрк ва ғурур нуқтаи назаридан кўрсатилгани китобхонларга маълумдир. Албатта, ўша даврда миллий онгни уйғотадиган асарлар ёзганим бизни мутеликда тутишга ўрганган ҳоким кучларга ёқмас эди. "Уч йлди"да шахсга сиғиниш вазиятидан фойдаланиб, бегуноҳ одамларни қаматган айғоқчилар нафрат билан кўрсатилган эди. Аммо бу тоифа одамлар у пайтларда ҳали ўз мавқеларини унча йўқотган эмас эди. Улар билдирмай ўч олишга уста эдилар. Ўша йилларда энди уч ёшга кирган Равшан деган ажойиб ўғилчамиз бор эди. Тўсатдан қорнида санчиқ пайдо бўлиб, чириллаб йиғлай бошлади. "Тез ёрдам" чақириб, касалхонага олиб бордик. "Аппендицит" дейишиб, шоша-пиша операция қилишди. Кейин билсак, аппендицит эмас экан, зотилжам бўлган экан. Бу касалликнинг қоринга оғриқ берадиган тури ҳам бор экан. Иситмалаб ётган уч яшар бола зотилжам устига қўшилган операцияни кўтаролмай ҳалок бўлди. Биз унинг доғида куйиб-ёниб қолавердик.

Мен шифокорлардан кўп яхшилик кўрганман, улардан гумоним йўқ. Аммо "Бобур" романи ёзилган кезларда ўн бир яшар қизчамиз Олия грип эпидемиясида ҳалок бўлди. Фарзанд доғи ёмон бўлар экан, оғир хастаикка учраб, касалхонада бир ўлимдан қолдим. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўша келади деганларидек, "Бобур" романи олти йилгача босилмай ётган пайтларда оилада ҳам моддий қийинчиликлар устига юқоридаги каби мусибат ва бахтсизликлар қўшилди. Бу ҳаммаси ёзган китобларим учун мени ёмон кўрадиган бахилларга айни муддао бўлганини зимдан сезиб ўйланиб қолдим: агар бўш келсам бахил кучлар мени ҳам олдинги авлодга мансуб устозларимиздек инсульт ёки инфаркт қилиб сафдан чиқаришлари мумкин. "Улар бу ниятларига етмаслиги учун мен ўзимни ҳимоя қила қилишим керак" деган фикр доимий қўриқчимга айланди.

Ҳавоси тоза қишлоқда ўсанлигим учун табиат бағрида ўзимни соғлом сезаман. Шунинг учун иложи борича кўпроқ Дўрмонда, ёзувчилар боғида яшаб ижод қилишга интилдим.

Ёшлик шўхлиги билан мен ҳам йигирма уч йил папирос чекканман. Бироқ энди бошга оғир кунлар тушганда худо инсоф бердими, ирода астойдил ишга тушдими, хуллас, машаққатли кезларда чакишни бутунлай ташладим. Бутун ўй-хаёлни ижод билан банд қилсангиз бошқа кўнгил қораликлар хаёлдан узоқлашади. "Олмос камар" романи ана шу тарзда ёзилди.

1966 йилда, зилзила пайтида машина сотиб олиб, уни ҳайдашга ўрганган эдим. Шундан кейинги йигирма тўрт йил давомида машина ҳайдаб, 250 минг километрдан ортиқ йўл босибман. Бутун оиламиз билан машинада уч марта Иссиққўлга бориб дам олиб келдик. Қримнинг Ялтаси ва Кўктепасида ҳордиқ чиқардик, Кавказнинг Аччисув (Кисловодск) шаҳридаги санаторийсида беш-олти марта муолажа олдик. Соғлиқ учун пул сарфлаш керак бўлганда қанча қарз бўлса кўтаришдан қайтмасдим, дам олиб

Мен П.Қодировнинг ижодини катта қизиқиш билан кузатиб бораман, менинг назаримда, у асардан асарга ўтган сари ўз олдида тобора мураккаб вазифалар қўяди, ҳамиша психологик тўлақонликка, прозада толстойча тасвирга интилади...

Юрий СУРОВЦЕВ



келгандан сўнг "Мерос", "Акрамнинг саргузаштлари" каби китобларни ёзиб, қарзни узардим. Танқидчилар кўпда эътибор бермаган "Яйра институтга кирмоқчи" қиссасини ҳам Бобур ҳақидаги романнинг йўли беркилиб қолган пайтда ёзганман. Китобхонлардан келган бир хат шу қиссага бағишлангани ва қийин кунларда менга маънавий мадад бергани ҳеч эсимдан чиқмайди. Мана, Хоразмнинг Хонқа туманиданг келган ўша хат:

Сизга бу мактубни икки мақсад билан: 1) миннатдорчилик изҳор қилиш бўлса, 2) арзимаган савол тариқасида ёзганман. Мен яқинда Хоразм давлат педагогика институтидан кириш имтиҳонларидан йиқилиб қайтдим ва ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Бир-икки кундан кейин китобларим орасидан сизнинг "Яйра институтга кирмоқчи" деган юмористик қиссангизни кўриб қолдим ва Яйра қандай қилиб институтга кирган экан деб китобни ўқий бошладим. Ўқиб тугатдим у хафачилигимдан асар ҳам қолмади ва менда ҳам ишга кириш иштиёқи туғилди. Уйимиздан икки чақирим наридаги Охунбобоев номли колхозга бориб ишлай бошладим. Ишларим яхши. Мен ҳам Яйраҳондек келгуси йили ўқиганга боришни мақсад қилиб қўйдим. Пиримқул ака, бу китобингиз менга кўпдан кўп ёрдам берди. Ҳаётда тўғри йўл топишимда энг биринчи сабаб бўлди. Сизга бу қиссангиз учун катта раҳмат. Арзимас саволим: Яйрани иккита фамилияда учратдим. М: Арслон ака кранчи қизнинг ишини томоша қилар экан, деворий газетага мақола ёзиш кераклигини эслади. "Мана шу Яйра Маҳмудовани кўтариш керак!" — деб ёзув столининг олдига келди. Қиссанинг охирида Яйра Умаржонова фамилияси билан ёзилган. Яйрани бу икки фамилияда сиз ёздингизми ёки нашриётнинг хатосими? Ўзингиз ёзган бўлсангиз нега шундай?

Хонқалик Г. Қиличева".

Бир тўсиқнинг кулгили томонини топиб, унинг устидан кулиш шу тўсиқни маънан енгиб ўтиш демакдир. Енгиб ўтилган қийинчиликларни одам кўпинча кулиб эслайди. Мен хурсандманки, хонқалик синглиз бошига тушган шу қийинчиликни енгиб ўтибди, ҳаётда ўз ўрнини топибди.

Яйранинг фамилияси нега иккита бўлиб қолганига келсак, бу энди менинг нуқсоним. Бу қиссани уч-тўрт марта қайта ишлаб, машинкалатдим. Биринчи вариантида Умаржонова эди. Алифбо бўйича рўйхат ўқилганда унинг исми охирида "у" ҳарфига навбат келганда чиқиши керак эди. Аммо кейинги вариантида Яйра Маҳмудова" дейилса талаффузга қулайроқ туюлди. Кўп жойда ўзгартириб чиқибману, бир ўринда аввалгидай "Умаржонова" бўлиб қолиб кетибди. Албатта, кейинги нашрида китобхон кўрсатган бу хатони тузатдим.

Китобхонларнинг адабий қаҳрамонларга айнан эргашишлари шарт эмас, роман ва қиссалар бундай мақсад билан ёзилмайди. Лекин асарни ўқиган одам ундан фикрни уйғотадиган, кўнгилни кўтарадиган, яшаш иштиёқини оширадиган бирон нарса топса муаллиф мақсадга етган бўлади.

Ҳаёт ва ижоддан ўзимча чиқарадиган хулосам шуки, дунёга бир марта келадиган одам иложи борича яхши бўлиши ва қўлидан келганича яхшилик қилиб яшаши керак. Чунки ёмонлик ҳам кутилмаган жойлардан ва одамлардан бир кун эмас бир кун қайтади.

"Юлдузли тунлар" китоби ўзбек китобхони учун қанчалик мақбул асар бўлса, менинг ҳамюртларим учун ҳам шунчалик ардоқли асар бўлиб қолди. Ундаги қеч бир лавҳа ёки воқеа ҳинд китобхонида шубҳа уйғотмайди, аксинча, асардан улар олам-олам маъно ва завқ олмақдалар.

Манзар САЛИМ,

Ҳиндистонлик адиб ва таржимон,  
Алишер Навоий номли Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мукофотининг  
совриндори





Шавқиддин Баҳри 1971 йил Самарқанд вилоятининг Челақ туманидаги Чопорошли қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиёти 3 босқичи толиби. Шеърлари "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.

*Инсонлар доимий, тирикчилик дардида,  
шўнғиб кетган бу паллаларда бир  
шоирнинг шеърларини тавсия қилиш  
балки шаккокликдир, аммо бу шоир  
сиз ва бизнинг дардимиздан яралган  
экан (шеър — Оллоҳдандир) унинг  
бақирган шивирлашларига беихтиёр  
қулоқ тутамиз ва ўзимиз ҳам англама-  
ган туйғулар исканжасида  
роҳатланамиз.*

*Шеър — доимий чин шоирнинг ички  
кураш — имкониятидир. Шавқиддин  
Баҳрининг шеърлари бу кунги шеър  
ихлосмандлари учун (агар улар бор  
бўлса) бир кун фараҳлар бағишлайди.  
Бузғун дунёни тозалаш учун тоза  
фикр, тоза шеър, тоза қон керак.  
Шавқиддин бу қонли йўлга иккиланмас-  
дан отланган шоирлардан биридир.  
Ҳали дунё олдинда, ҳеч ким билмайди  
— у Шоирми? Йўқми? Менимча, янги  
шоир туғилди. Унинг шеърляти кел-  
гуси ўзбек-турк адабиётида ўзига хос  
ўрин олажагига ишонаман.*

**Рауф ПАРФИ**

Шавқиддин Баҳри

## КЎЗИНГДАН ДУНЁГА ҚАРАЙМАН

Вужудим вужудда бир вужуд талаб,  
Ашқингнинг семирған абрида кўзим.  
Бақо тақвосига ювиб келдим лаб,  
Фано интиҳоси ибтидо ё рабб...  
Бедаво тўзим.

Жабборнинг аршида жабри Самандар,  
Тўрт буржим буржида равзам толатўп.  
Руҳим азобини ўпган суманбар,  
Дарвеш уммедининг соясини ўп...  
Бенаво анбар.

Кўнгил кўзгусига санчиб кипригим,  
Келдим остоналар тепиб бошимга.  
Оҳ, сенинг барибир чашмингда сим-сим,  
Оҳ, барибир судрар мени лошимга...  
Айёра тилсим,  
Сайёра тилсим.

\* \* \*

Мени дайри дун тушинди,  
мен ўзимни тушинмадим,  
Холо аҳли зоғ тушинди,  
мен ўзимни тушинмадим.

Кечдим вале икки дунё,  
мен бир замон истадим,  
Кўнгил кўйи соғ тушинди,  
мен кўзимни тушинмадим.

Сездим ошинолар холиқида ҳам фузун,  
ҳам фусунсоз,  
Дил туфроқ бўп бўзлади,  
мен бўзимни тушинмадим.  
Ҳамма бунда фақру фано,  
ҳам ўзин хуб деб санар,  
Мени тақийя тушинди,  
мен сўзимни тушинмадим.

Кунда кўрдим тарғил фасод,  
бўлмадим вале фасоҳад  
Мени фосиқ ҳам тушинди,  
мен тўзимни тушинмадим.



\* \* \*

Менга энди йўқлик беринг,  
йўқ ҳабгоҳни нетарман,  
Уммедимдан кафан бичиб  
саҳроларга кетарман.

Кўрдим турфа дунёларни,  
ранги рўйи зафорон,  
Юракларнинг афғонидан арвоҳлар  
чекар фиғон.

Эҳром таққан яъжуж-маъжуж,  
аё чилтон қайдадир,  
Дунё букун майда гапдир,  
ҳамма гапдир... майдадир.

Дардларимни кимга айтиб,  
кимни дейин ошино,  
Қай ошинодин ошина топибдир айтинг рўшно.

Озурда дил озорини кажрафтор фалак билдим,  
Не билсам билдим узлат  
уззугини юрак қилдим.

Менга энди дунё беринг,  
йўқсил дунё нетарман,  
Уммедимдан кафан бичиб  
узлат йўқлаб кетарман.

#### ДАРАХТ

Мен сени кечирдим кечкимдан,  
Кечкимнинг кечиккан боласи.  
Сени ортиқ кўрдим ҳеч кимдан  
Дарахт —  
ТУПРОҚНИНГ НОЛАСИ.

Қўллар ўсиб чиққан кўксимдан,  
Қўлингдай чўзилди тўрт томон.  
Мен сени ўстирдим ўксимдан  
Дарахт —  
МАҒЛУБ ҚАҲРАМОН.

Нигоҳимда сочинг тарайман,  
Кипригимнинг қонли қояси.  
Кўзингдан дунёга қарайман  
Дарахт —  
ОСМОННИНГ СОЯСИ.

\* \* \*

(касалхонада)

Одам тишини тишласа бўлади,  
Фақат лабни тишлаш шарт эмас.  
Ташқаридаги баҳор,  
Қиш бўлганида сен учун.  
Сен учун ҳеч ким келмаганида,  
Ҳеч ким керак бўлмаганида сен учун,  
Соғинчни тишласа бўлади одам,  
Фақат тилни тишлаш шарт эмас.



Бектемир Пирнафасов

## КЎКЛАМ ЭТАГИГА ИЛАШДИ УМРИМ

Бектемир Пирнафасов 1975 йил Навбаҳор туманидаги Кабоби қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкент дорилфунуни журналистика бўлими 2 босқич толиби. Шеърлари "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.

*Кafka ўзини нажотсизликка ташлайди, Достоевский нажотсизликдан инсонни қидиради, Навоий нажотсизликни дуру гуҳарлар блан безайди. Наср ва назмнинг фарқи — дуру-гуҳар. Менинг ёш дўстим Бектемир йигирманчи асрга ўзини бегона санайди. Шу бегоналикда уни севмакка интилади. Шоирликнинг буюк фожиаси ҳам шунда. Шоирлик— бегоналик азобидаги ёлғизликдир. Азоб ва ёлғизлик худого яқинлик, сукут ва гирёнликдан иборат. Бектемир яхши шоир. Ўн саккизида у қалби рўпарасида. Илк шеърларини назм муҳлиси англамак титроқлари деб тушунишини истайман. Бу титроқлар самимий, тоза, кирдан йироқ. Катта шеърят эшикларига калит топган ёш дўстим беш-ўн йил кейин ҳам — мени, сизни, шеърга яқинларни ошuftа ва маст қилаверсин. Тилагим шу.*

Абдували Қутбиддин.

Хаёлга келмаганди,  
 Сен ўйлаган айш-сафо.  
 Севиб билган юракда  
 Бор деб билардим вафо...  
 Тор бўлди дунёи-дун,  
 Сендан айрилган куним.  
 Ортди бир бағри тутун.  
 Безовта бўлди туним...  
 Мени Мажнун атаган  
 Мажнун эмас бу, деди.  
 Машраб атаса, бири,  
 У ҳам эмас-ку, деди...  
 Оламон атар номим  
 Учинчи девона, деб.  
 Йигирманчи асрга  
 Мутлоқ бу — бегона... деб...  
 Йигирманчи асрингга  
 Бегонаман...  
 Нетайин —  
 Мендек ғариб вафони  
 Билмам қайга элтмагин...

\* \* \*

Хаёлни томоша қилса бўлади.  
 Томоша қилишдан тўйсанг агарда  
 Ўқиб ётса бўлар хаёлни...  
 Ва бундан ҳам тўйсанг, ниҳоят  
 Хаёлни ҳидласа бўлади... —  
 Хаёлимдан ҳидлайман бахтли  
 Висол онларидан қолган уфурни...

### ТАҲАЙҶОЛ

Кўнгил куйигидан анқийди умид  
 Кўклам этагига илашди умрим.  
 Ёмғирнинг сувини симирар сукут  
 Қузғун қарғишини қоплолмай қурби.  
 Қишлоқ қучоғида овунса оҳим,  
 Тарқоқ тилагимга танбеҳ берар ор.  
 Тўлғоқ азобини тортганда руҳим  
 Тахайюл тамшанар бўғзимда баҳор —  
 Кўнгил куйигидан анқийди умид...

### КУЗАТКИЛАР

1.

Қишлоқ сўқмоғини туш кўрар руҳим...  
 Етим сатрларин саралар хаёл.  
 Юрагимни ёйиб қўяман тунга...

2.

Тун — хазонга айланган кундуз...  
 Нақадар севсам ҳам мен уни  
 Олиб қололмайман ўлимдан...

3.

Кечалар куйчиси — сукунат бедор  
 Сирли маҳфий эртақ сўйлайди  
 Муסיқа тарайди бир ёлғиз аёл...  
 Ораулар куйимга тушади.  
 Рангсизликнинг рангидек рангдор  
 Армонимни безайди азоб...

Чанқовуз оҳини сарлавҳа қилдим,  
 Бинафша руҳини айладим тавоф.  
 Севинчимни ёйдим ариқ бўйига  
 Тилимда қалдирғоч дам солган дуо.  
 Чуғурчуқ тилига тушди тилагим,  
 Кўкламнинг куйида кўкарди еллар —  
 Тўлғон-ей, ҳислардан ҳансираб хамал,  
 Чимилдиқ баридан чиқ энди, дала...  
 Чанқовуз оҳини сарлавҳа қилдим...

### ҲУКМ

Фақат шоир ҳақли бахтсиз бўлмоққа..  
 Р.Парфи.

Тун яқин — бедорлик кутмоқда мени...  
 Хаёллар тинмайди бахтимни мақтаб.  
 Бир илинж ўқтирар: шоир бўлолмас —  
 Шейрдан ўзгачароқ бахт қилса талаб...  
 ...Бахтсизликни орзу қилмасман, бироқ  
 Қўрқмайман — шейр учун бахтсиз бўлмоқдан.  
 Мен шоирлик орзу қиламан, асли  
 Фақат бахтсиз ҳақли шоир бўлмоққа!

### КУЗ

Ёпишқоқ нигоҳим хазон қучади  
 Шитирлар изиллаб куйлар мезонни.  
 Еллар "Қўли ироқ" дилига жойлаб  
 Кезади руҳимдай сариқ дунёни...  
 Ёрдамга очиққан маъюс дарахтлар —  
 Мунғайган онамнинг жонли суврати...  
 Эзилган кўзларим кўкка улоқиб  
 Ўйларимни титиб, турна судради...  
 "Қурей-қурей"ларни илғар қулоғим,  
 Бироқ тушунмайман турналар сатрин.  
 ...Мавҳумликлар аста, мен билмас тилда  
 Менга ортиб борар лапашанг дардин...

### КЕЧКИ ОРЗУ

Умиднинг лаби йиртиқ  
 Лабларим туғар армон.  
 Қиндан чиқолмай қаҳрим  
 Азоб куйлар нопармон... —  
 Кечки орзу гулламас  
 Армон азоб тараса.  
 Юрак йўли хазонзор —  
 Жодугар аравада...  
 Бебахт бахт, сенга талоқ  
 Толе тила Тангридан.  
 Юрагинг кўдим, кечир...  
 Тоқатларнинг чангига...  
 ...Хаёлимнинг мурвати  
 Айланади ўзича.  
 Туннинг рангли суврати  
 Осиқ турар кўзимга...



Гуландом Тоғаева

## СЎҒДИЁНА

Бадиа

Гуландом Тоғаева 1970 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун туманида туғилган. Гуландом шеърят мухлисларига яхши таниш. У ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ жўшқин юрак билан битган шеърлари жумҳуриятимиз матбуотида эълон қилинган ва шеърятга яна бир истеъдод соҳибаси қадам қўяётгани кўпчиликни қувонтирган эди. Айни кунда Гуландом Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётининг охирги босқич талабаси. Қуйида эълон қилинаётган бадиа Гуландомнинг наср йўлидаги илк қадамидир. У сиз, азиз жўрналхонларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Сукрот Сўғдиёнадан мактуб олди: "Ушбу сўзларим ичдан мушт бўлиб туғилган, уларни ҳеч ким енга олмайди. Шундай бўлса-да, мен уларни сизга ҳаё этаяпман. Аслида сиз сўзларим билан жанг қилишга ярамайсиз".

Сукрот жавоб ёзди: "Ҳақиқат жиноятчи ва жабрланувчи олдида ҳар жиҳатдан тенг ва уларни бирдай ҳимоя қилади. Сен ҳар икки-сидирсан. Нега бола кўрдинг?"

Жавоб келди: "Мен ҳақ бўлмаганим боис бола кўрдим. Сен ҳам ҳақ бўлмаганинг туфайли унга ота бўлдинг".

Сукрот аччиқланиб, ичиб ўтирган чойини сепаиб юборди ва ерга тўкилган чойдан ҳосил бўлган шаклни томоша қилиб, барча саволларга жавоб топди. Шаклда тимсоҳ чаённи ҳам миниб, ҳам кўтаприб бораётган эди. У туш кўрди. Тушида қўли куйиб қолган эмиш. Уйғониб қараса, қўли йўқ. Дарҳол Сўғдиёнага мактуб битмоққа тутинди. Бироқ мактубини тугатиб улгурмай унга жавоб келди: "Боламга отасини таништирмоқчи эдим. Шу боис қўлингни узиб келдим. Ўғлим қўлингга кўзи тушиб, ҳушидан кетди". У илк бор ўз-ўзига савол билан боқди: "Севаманми?" Ҳамроҳ эсига тушиб, ўртанди. Боши сарак бўлди, бутун дилбарлиги билан йиғлади: "Азизим! Айт, мен не истайман ўзи? Биз уч кишимиз. Ҳозирча, албатта. Кейин-чи, кейин нима бўлди?!" У хаёл дафтарини ёзиб тугата олмади. "Нега мен ота бўлганимдан ададсиз қийналаман. Ошиқманми ё отаманми? Қай бири кучли?" Чаманга йўл олди. Чаман

нафас олишга қийналар эди. Ҳамроҳ бугун ҳам келмади. У нимага қодирлигини билмас эди. Била олмасди. Юлдузларни узоқ томоша қилди. Узоқ боқди. Ақли етмади. Гулларни узиб-узиб, осмонга отди. "Тегди! Тегди!" деб ўз-ўзини севинтирди. Бу севинчдан кўпроқ маълумлик ва парижонлик ойи балқиб чиққан эди. У бир чоғ кўзини очди-ю, тепасида турган Меҳробни кўрди. Ўша, бу дунёнинг одами бўлган Меҳроб. Дўсти Меҳроб.

— Нега мени уйғотдинг? — зарда қилди Суқрот.

— Тирноғингни олмайсанми? Тонгда тирноғингни олган кишининг умри узун бўлармиш, биродар.

— Дарёдан жон деб сув ичардим-ку. Аммо у меники эмас-да, Меҳроб.

— Нима қипти, сен дарёникисан.

Суқрот гижинди. У кимгадир хос бўлишни эмас, аксинча, кимнидир ўзига хос этишни истарди.

— Сенга нон олиб келдим, Суқрот.

— Емайман, гулларга бер, улар туғилганидан бери туз тотмаган.

Меҳроб хўрсинди.

— Юр, бу ердан кетамиз, — деди у. — Хотининг билан болангинг олдига борамиз.

— Мен вафот этганман-ку, Меҳроб! Нега мени тинч қўймайсизлар. Мен том остида қолиб ўлганман.

— Унда нега бу ерда юрибсан. Ахир, ўлганлар у ёқда ётишади-ку?!

— Тупроқ остида ётишга арзимамайман, тушун...

"Дунёда хиёнат йўқ, вафодан бошқа хиёнат йўқ", хаёлидан кечирди Суқрот. Сўнг энгашиб гулнинг тубидаги кесакларни ўпди, уларни қулоғига босди. "Кўрнамакман! Кўрнамакман!" — изиллаб йиғлашга тушди у, аммо дафъатан ҳушёр тортиди ва тиз чўкканча ердан Ҳамроҳнинг изларини излай бошлади. Тупроққа сезилар-сезилмас акс қолдирган изга кўзи тушиб, юраги туйқус қаттиқ тепди: "Бу унинг изи!" У ерга чўккалаб ўтириб, из билан сўзлаша бошлади:

— Ҳамроҳ, Ҳамроҳ, Сизнинг жаҳонингиз гўзал...

— Сизнинг жаҳонингизни кўриб, Суқрот.

— Ҳамроҳ, айтинг, мен нима қилай? Мен Сизнинг жаҳонингизга зорман.

— Мен бўлсам, Сизнинг жаҳонингизга фарқман. Биз денгиз ва кемага ўхшаймиз. Ёр-о, денгиз жон сўраса, берамизми?

— Менинг жоним битта-да, Ҳамроҳ...

Из ғойиб бўлди. Ёки Суқротнинг назарида шундай туюлди. У ўзини жанг майдонида қуролсиз чавандоздай ҳис этди. "Сир! Ҳаммага маълум сир! Бунча хаёлимни ўғирлади у? Нега? Бу дунёда мен муқаддас деб билган саждагоҳ йўқ. Мен қуёшга ҳам, қушларга ҳам ишонмай-

ман, о, ҳеч нарсага ишонгим келмайди". У алам билан тупурди. Тупукда ҳам ўз аксини кўрди. "Бандиманми?! Бандиманми?!", дея шивирлаб, кўзларини мажолсиз юмди у...

...Ў, Сўғдиёна! Инсоннинг тавофдан бошқа иши борми? Одамзот ҳаёти эски қўйлакка ўхшайди. Бир жойига ямоқ қўндирсанг, бошқа жойи йиртилади.

Ў, Сўғдиёна! Суқрот ҳақида гапириб бер!

— У кўмининг қоралигига ва қорнинг оқлигига қониқмайди. У учинчи бир оламдан. Мана, қулоқ тутинг, Суқротнинг умр дафтарига нималар битилган эди: "...ўз ғамининг раънолитидан тортинаётган кимса, яъни мен, ҳеч нарсани кўрмасамгина ҳамма нарсани кўраман. Аёл ҳаётга ўхшаганлиги учун севимли эмас, бинобарин, инсон ҳаётни чин юракдан сева олмайди. Магар севса, у ўлишга маҳкум бўлмас эди. Аммо эй тавофгўй зот, инонгилким, юракдан айтилган ҳар бир сўз — ҳаётга муҳаббатдир, у давом этишини истаб қилинган улкан ва ададсиз хоҳишдир. Аёл... бари бир у гўзал, шубҳасиз, дилбар ва у жирканадиган даражада дилбар...

...Ҳақиқат қурбонлик талаб қилади, мабодо у заҳар кучига эга эмас экан, демак, у ғирт ёлғон. Одамзот боласи ҳақиқатга дош бера олмайди, лекин доимо уни излайди. Умид одамзод қўлига топширилган ягона ҳақиқатдир. Мавҳумликни эса, ҳурмат қилса бўлади. Бизни, фақат вақт муродга етказди, вале, мен вақтни ушлаб қолдим..."

— Ўзинг аввало кимсан, Сўғдиёна!

— Мен энг аввало инсон, сўнг аёлман.

— Йўқ, бу сўзларинг бир-бирини рад қилаётир, Сўғдиёна. — Сен бари бир буюмдан-да хорсан. Одамлар-ку қўғирчоқ, сен эса қўғирчоқлар қўлида қўғирчоқсан. Ҳаммаси Аёл бўлганинг учун рўй бераяпти, эй заифа!

— Биламан. Суқрот шуни билгани учун ҳам кетиб қолди.

— Юрагингда қандай армонинг бор, Сўғдиёна?!

— Суқротнинг оёғига бош уришни истайман.

— Суқрот-чи, у сенинг тавобинга муҳтожми? Зеро, букри одамсиз дунёнинг гўзаллиги тўлиқ эмас!

Суқрот со-чи-либ кетган шиша синиқларини йиғиб, бутлаб, унга кенгаётган коинотни солиб қўймоқчи эди.

— Ў, Сўғдиёна! Ҳамроҳни не дейсан?

— Уни Суқротдан ортиқроқ қадрлайман. Парвонани узоқроқ яшашига шамгина сабаб бўлади.

— Орзуинг борми, Сўғдиёна?

— Вужуд қамоғидан руҳ кетса эди...

Суқрот буқаламунни севади. Уззукун у ҳақида ўйлайди. Бу ўйлардан кунлардан бир куни шундай хулоса чиқарди: "Мен ҳамиша ўзимни қиёмат кунидагидай тутаман". Билмадим,

бу оқловми, айбловми?! Ҳар ҳолда унинг теварак-атрофни кўрмаслигига, кўролмаслигига шу хулосанинг ўзи етарли. Бир куни у гулзорни айланиб юриб, бошсиз қўнғизни кўриб қолди. Қўнғиз мурдаси устида туриб, роса бош қотирди: "Бу қаердан келиб қолди?" Бирдан ўткир аламзадаликдан терлаб кетди: "Шу ерда ҳам маконни ўйлапману, замон эсимга тушмаётир. Кимники макондан аввал замон қизиқтирар экан, у одам бу дунёнинг ўлкан оқловидир!" Суқрот дунёни бир дона довуччадан тузилган, деб ўйлайди. Бу ўйдан уни қутқариб қолишга кўп ҳаракат қилишди, лекин натижа чиқмади. Уни доим муносабатнинг, умуман, борлиққа муносабатнинг такрори қизиқтирарди. Балки бу такрорда иқдорнинг мавжудлигини пайқагандир. Балки у бу иқдордан қаноат ҳосил қилгандир. Бир кун у энг сўнги хулосага келди: "Гўзаллик — етишмовчиликдир". Бу барҳақ ва ҳаётбахш нуқтаи назар Суқротдан бошқа ҳар қандай одамни чумоли уясига бошлаши мумкин эди. "Ош тотиги туз билан", деган нақл эса уни ақлдан оздирадиган ҳолатга солиб қўйди. "Қанақа тотиг?" Бу ғариб ҳаяжондан Суқротдан бошқа барча ботирланиб, кучга тўлади, мухтор дунёнинг кайф-сафоси, ҳатто кеч кузда учиб юрган хазон саси ҳам уни қўлболалаштиради. Шу сабабдан Суқротни барча танийди. Ҳатто мана шу сатрларни ўқиётган китобхон ҳам Уни ҳар кун йигирма тўрт соат узлуксиз кўриб туради. Суқротнинг шу вақтгача эришган барча ғалабалари дунёнинг бир йўқлиги бўлиб, фикр болохонасида абадий соҳирлигича қолиб кетади.

Бир кун бундай бўлди: шанбага ўтар кечаси Суқрот жиноят қилишга, ҳар ҳолда инсониятни абадий шармандаликдан қутқариб қолишга кифоя бўладиган жиноят қилишга аҳд қилди. Шартта гулзорга кириб, номозшомгулни юлқиб узиб олди-да, дастини лабига босиб пуфлади. Борлиқ "пуф-пуф"дан бўлак ҳеч нени эшитмади. Аммо Суқротнинг ўзи бу Соҳир найда шундай куй чалдики, дафъатан унинг Мажнун ҳақидаги фикрлари Лайли ҳақидаги фикрларга ўхшаб кетди. Яъни уни рад этилган нарсалар учун ёқимли бўлиш иштиёқи чулғаб олди. У учбурчакнинг мавжудлигига ҳам, тўртбурчакнинг номавжудлигига ҳам ишонмай қолди. У биргина етти кундан, ўша, етти кун санчиладиган қурбон суроби шуъласидан тинчлана оларди. Саккизинчи кун унга инқилоб бўлажagini айтишди. Шундан кейин у коинотдаги гулларни яшиллигию турналарнинг "қур-қур"ига ишонмай қўйди. У ҳамма риоя қиладиган Ньютон биномини шундай рад қилдики, бундан қонун янада чуқур тортди.

У ҳар оқшом кузатадиган шафақ беқиёс ғайратли эди. Дафъатан ўтинхонадан ўтин олаётганида офтоб синиғи қўлига илашди. Шунда у ўзининг одам боласи эмас, тамомила бошқа хилқат эканлигига амин бўлиб, тилини қаттиқ

тишлади. "Йўл! — деди у. — Бу камчилик барчадан етарли даражада мавжуд". Офтоб синиғига қулоқ тутди. Денгиз тошлари сасини эшитиб ўрганган қулоқлари Вольтер қовурғасининг қасир-қусур товушидан қоматга келди. Тирикчиликдан рози-норозилик ҳиссини туйди. У ўзини ичида "Уч нуқта" деб атарди. Хаёлидаги ҳар қандай ҳужжатга шундай деб имзо чекади. Бунда бари бир, манфур бир адолатсизлик бўртиб турибди. Кишилар бир қарашда кўзга ташланадиган мавжудликнигина ҳақиқат деб атайдилар. Суқротнинг эса, бундан дўнг пешонаси биринчи ва охири марта тиришади. Мавҳумликнинг ранглари ана шу мудбир тиришувга ўхшайди. Йўқса, энг муҳими нима? Суқрот ҳаётининг аллақайси палласида жазирама саҳродаги чуқур қудуққа тушиб кетди. Бу қудуқ чумоли калондимоғлигидан ҳоли эди. У саросима ичида кўк билан саломлашишни истади. Атрофини қуршаб турган чигирткаларга бармоғи орасидан қаради. Шнда у жуда узун ҳали ер юзида бирон кимса тузмаган узун жумлани тузди: Мен у ерда бир жуфт сайроқ кўрдим. Аммо уларни мендан олдин келганлар сайратиб кетишибди...



Мусо Тожибоев

## НИГОҲИНГДА ЯНГИ САҲИФА

*Рухимга бир илиқлик ёғдирган Мусо Тожибоев шеърларида кўндан кўнгилдан кўтарилган ҳид, туйғу бўртиб туради. Бу бизга болаликдан таниш: жийда, янтоқ, дарё, ирмоқ, қишлоқ ҳиди. Мусо бу унсурларни содда ва самимий туйғулар оғушида, яйраб тасвирлайдики, худди сиз ўзингизни далада, даштда, оғочлар, майсалар, қушлар чуғурида юргандай ҳис қиласиз. Мана шу беғубор туйғулар Мусо шеъриятида ўқ поялик қилади. Бу эҳтиросли нўртананинг ришталари шоир укамизнинг қалбида яна ҳам чуқурроқ илдиз отсин.*

Тилак ЖҶРА

Шамоллар учирди қумларни кўкка,  
Қуюн оҳим ила етти фалакка.  
Юракдай қуёшдан ер узра тикка,  
Оташлар ёғилди, ичида қолдим.

Чечаклар очилди тоғларда қатор,  
Боғларда оғочлар танғиди кўк дор.  
Ул замон оҳиста тердинг гул дилдор,  
Тупроқдай йўлларда ястаниб олдим.

Барча орзу-ҳавас берилди елга,  
Ёрижон, хонумон оқмоқда селга.  
Бўлдим мен дастингдан шармисор элга,  
Фариштам, мен сени худога солдим.

ДАРЁ

Дарёнинг сўнгида қуёш ботмоқда,  
Қон рангли қип-қизил, шафақ тусида.  
Бир ҳаёт ўзани тугаб бормоқда,  
Ботаётган қуёш — қон ёғдусида.

Қирғоқлар қип-қизил, сувнинг ранги қон,  
Денгиз ҳам қон ютар тузга буланиб.  
Излайман қайда деб ул буюк вулқон,  
Сабр косасини чиққувчи ёриб

Дарёга тикилсанг қирғоқдан аста,  
Қамишга илашар шўрликнинг жони.  
Сен беҳол турганда ўзанда, пастда  
Жимгина оқмоқда улуснинг қони...

\* \* \*

Хаёлимда кезасан ёлғиз,  
Атроф дала, теварак яланг.  
Тасаввурга солиб бир-бир из,  
Кетмоқдасан оҳиста, аранг.

Оёқ ости чақир тиканлар,  
Гуллар бўлиб кўринар кўзга.  
Бева замин, қадам шаштидан,  
Кўз тутуди: сенми ё ўзга?

Рангим янглиғ сарғайган дала,  
Оқ сочимдан либос киймасму?  
Паривашим, сен юрган палла,  
Бадр нурин тўкиб, иймасму?

Турсун Али

## УЧИНЧИ ХОНА

Драматик достон



Турсун Али 1952 йил Фаргона вилоятининг Қува туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунуни филология куллиётини тамомлаган. "Зангори овоза", "Юракдаги сўзлар", "Ёруғ кунлар", "Изтироб остонаси" каби китоблар муаллифи. Ҳозир "Чўлпон" нашриётида хизмат қилаётир. Шoir шеърларида самимий ҳис-туйғулар оҳанг ўзанида фалсафий бир кайфият яратишга интилади. Энг мароқли "портлаш"ларда бу шеърхонга ўзгача завқ тақдим этади.

Муаллиф дейдики:

Ой мунча нурсиз? Ёниб тугаган  
оловнинг юзини кул босгани сингари  
хира. Бир сўзнинг ишқида вужудим  
ёнмоқдадир чирсиллаб. Ой бўлса сўник  
кўзларини қайгадир тиккан. Ҳей ой,  
кел, ёлвораман. Ёниётган вужудимдан  
олгин аланга. Сўнг ёрит дунёнинг зул-  
мат кечаларини. Ёрит нажотга зор  
инсонларнинг қоронғу кулбаларини.  
Ёрит қай бир инсонларнинг  
кўнгилларини. Эй, ой, менинг бир сўз  
илшнжида борлиғим ёнмоқда ловуллаб.

### БИРИНЧИ МАНЗАРА

Талабалар ётоқхонаси. Тўрт ўринли хона. Биринчи толиб сигарет чекиб ўтирибди. Эшик тақиллайди. Хонага биринчи толиба қиз киради.

Биринчи толиба қиз  
Ассалом! Мумкинми?! Вой-буй бунчалар —  
Тутунга тўлмаса кичик хонангиз?  
Гўёки туманлар тўлқинида сиз  
Қайгадир кетяпсиз кемадай сузиб.

Биринчи толиб  
Ҳа, мен йўлга тушдим. Биз кетаяпмиз...  
Ниятимдек мовий келажак сари.

Биринчи толиба қиз  
Йўқ, аччиқ тутунлар оғушидамас,  
Гўзал шеърларингиз қанотларида  
Йигирма биринчи асрга, ҳатто  
Ундан ҳам нарига борасиз омон.

Биринчи толиб  
О, кошки... Кўксимда ногирон юрак,  
Чидаб берса, олис йўлларга бардам...  
Рост айтсам, бугун ҳам санчди юрагим,  
Шу одамлар билан, мана шу йўлдан  
Наҳотки адашмай борамиз бизлар,  
Олис замонларга гулдираб?  
(Шу пайт хонага иккинчи толиб киради.)

Биринчи толиба қиз  
Хўп, мен чиқай...

Иккинчи толиб  
(Қизга суқ билан тикилиб)  
Кечирасиз, сизларни безовта қилдим.  
(Қиз индамай чиқиб кетади. Иккинчи  
толиб биринчи толибга яқинлашиб.)  
Хўпам топгансан-да, қара қоматни,  
Кўзлари мисоли оҳунинг кўзи.  
Кўкси учишга шай икки кабутар,  
Дўстим, худо берган сенга омадни.  
Суриб ол вақтида...

Биринчи толиб  
(Титраб)

Нима деяпсан,  
Биласанми у ким?..

Иккинчи толиб  
Ҳа, севгилинг-да.

Биринчи толиб  
Унга қора ният билан тикилсанг  
Мендан омонликни кутмагил зинҳор.  
(Хонага учинчи толиб билан тўртинчи  
толиб сархуш киради)

Иккинчи толиб  
(Қувониб)  
Кимнингдир кўнглини овлаб, чоғ этиб,  
Бугун яна байрам қилибсизлар-да.  
Наҳот сафинглардан мени ажратиб...

Учинчи толиб  
Бугунгиси хамир учидан патир.  
Шаҳар четидаги ҳув чойхонада  
Шанбада бўлади девзирага ош.

Тўртинчи толиб  
(Учинчи толибга қараб)  
Ўзи ҳам қўли хўп очиқ экан-да...

Учинчи толиб  
Мен сенга беш кетдим, ахир ўйлагин,  
У домладан аъло баҳо қўйдириш  
Осон бўлибдими, сенга ҳам дўстим.

Иккинчи толиб  
(Икковига қараб, илжайиб)  
Бугунги маишат, шанба оши ҳам  
Бундан чиқди меҳнат меваси экан.

Биринчи толиб  
(Жаҳл билан ҳаммага кўз югуртириб)  
Минг лаънат бўлсин-а бундай меҳнатга.  
(Тўртинчи толибга тикилиб)  
Сени қувиш керак бу жамиятдан.

Тўртинчи толиб  
(Гандираклар биринчи толибнинг ёқасига  
ёпишади)

Менга нима дейсан? Бор, тошингни тер.  
Яна бир чурқ этсанг, ўзингдан кўргин.

Биринчи толиб  
Мана сенга... мана...  
(Тўртинчи толибни уриб йиқитади)

Тўртинчи толиб  
Эҳ, ярамас ит...  
(Ҳамма биринчи толибга яқинлашади)

Овозлар  
Бўлди, бас... Нима бу... Қўйсанг-чи энди...

Учинчи толиб  
Қўйгин энди дўстим, мастга тенг келма.  
(Тўртинчи толибга)  
Бас энди, сен ҳам ёт, кўп ошма ҳаддингдан.  
(Шовқин аста тинади)

## ИККИНЧИ МАНЗАРА

Биринчи толиб шеър ёзиб ўтирибди. Хонага биринчи  
толиба қиз киради.

Биринчи толиба қиз  
Кечирасиз, илҳом париларини  
Қуш каби учириб юбормадимми?

Биринчи толиб  
(Севиниб)  
Бошим гаранг эди боядан бери  
Кўролмай сиз айтган илҳом парисин.  
Илтижом худога етдими, чоғи,  
(Қизни кўрсатиб)  
Ўзи кириб келди илҳом париси.

Биринчи толиба қиз  
Қани ундай бўлса биттасин ўқинг,  
Ёзилмаган бўлсин майли номимга.

Биринчи толиб  
Майлими ўқисам устоз Чўлпондан?  
Руҳим ушбу шеърни хоҳлаб турибди.

Биринчи толиб қиз  
Ўқинг, эшитайин.

Биринчи толиб  
(Ёниб шеър ўқийди)  
Муҳаббатнинг саройи кенг экан  
йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик  
йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим,  
на нозлик тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлгусин билмай қулочни  
катта отдим-ку.

Ажиб дунё экан бу ишқ дунёси аё дўстлар,  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз  
пулга сотдим-ку.

Унинг гулпорида булбул ўқур қон  
айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар  
ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим  
топмайин ёрни,  
Яна кулбамга қайгулар,  
аламлар бирла қайтдим-ку.



Муҳаббат осмонида гўзал  
Чўлпон эдим дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай  
ерга ботдим-ку.

Биринчи толиба қиз  
(*кўзида ёш билан*)

Бир қайноқ ҳисларга тўлди юрагим,  
Бир ажиб куйларга чулғанди бағрим,  
Мен нечун Чўлпонни билмай ўсганман?  
Надомат бағримни нимталар энди.  
Мени бу қийноқлар энди қиймалар  
Ҳей, ёлғончи мактаб, эй, муаллимлар  
Асл шеъриятни яшириб бўлмас...

Биринчи толиб  
(*Ҳаяжонланиб*)

Оҳ, асл шоирни ўлдириб бўлмас,  
Эҳ, бироқ кимлардир ўтли юракни  
Тупроққа кўмдилар у кун тириклай.  
Букун у юрибди қалб тўримизда  
Тириклардан тирик — яшиндай чақнаб.

Биринчи толиба қиз  
(*Бир дақиқа жимликдан сўнг*)  
Биттасини ўқинг, ўз шеърингиздан.

Биринчи толиб  
(*Хаёл суради-да, шеър ўқийди*)

Юлдузлари сўнган кечада  
Атрофга боқаман жовдираб,  
Ҳеч кимса кўринмас кўчада  
Кезаман зулматда довдираб.  
Ёмғирлар савалар беомон.  
Жунжикиб титрайди вужудим.  
Дунёга бемажол боқаман,  
Сен ёнимда йўқсан юлдузим.

Биринчи толиба қиз  
(*Маънос тортиб*)

Рости, шеърингизда руҳингиз синиқ  
Шеър тушкун, негадир кураш йўқ унда...  
Менимча чин шоир қисмати шуки,  
Ҳар қандай дамда ҳам курашмоғи шарт.

Биринчи толиб  
Ҳа, шоир қисмати курашмоқ фақат.

#### УЧИНЧИ МАНЗАРА

Шаҳар четидаги сокин чойхона. Сўрида толиблар  
қизгин суҳбатлашиб ўтиришибди.

Иккинчи толиб  
Йигитлар, сенларга обдон ишониб,  
Юрагимни очсам сотмайсизларми?

Учинчи толиб  
Сен нима деясан?  
Бизлар сотқинмас,  
Бизлар-ку сен билан қиёматли дўст.  
Кўмак керак бўлса айтгин тортинмай,  
Албат удалармиз топиб йўлини.  
Яхши биласан-ку.

(*Тўртинчи толибни кўрсатиб*)  
Манов ошхўрга,  
Бир зиёфат бўлса ҳаттоки  
Юлдузни уради шартта бенарвон,

Қани, айт, тортинмай юрак дардингни.

Иккинчи толиб  
Неча кундир нотинч менинг юрагим,  
Неча кундир чўғдай ёнади бетин.  
Рости севиб қолдим...

Тўртинчи толиб  
Юрагинг ёндирган ким бўлди ўзи?  
Керак бўлса ёрдам, айтгин тортинмай  
Ҳаттоки ўтда ҳам, сувда ҳам бизлар  
Сен учун куйишга, чўкишга шаймиз.

Иккинчи толиб  
(*Бутун дунёсини беришга шай, хурсанд*)  
Киприклари узун, юзлари анор,  
Дарёдай тўлганган сочлари узун,  
Яноғида холи — кулгичи ҳам бор,  
Боқишлари оҳу бир маъсума қиз.

Тўртинчи толиб  
(*Ҳаяжонланиб*)  
Мен билиб олдим у шоиримизнинг  
Севгилиси ахир — маъсума дилбар!

Учинчи толиб  
Йўқ, йўқ, у шоирнинг севгани эмас,  
Яқин суҳбатдоши бўлади холос.  
Шунча кузатиб ҳам ҳеч кўрмадим-ку,  
Ҳаттоки уларнинг қўл ушлашганин.

Тўртинчи толиб  
(*Иккинчи толибга жилмайиб*)  
Ахир сен севардинг курсдош Дилдорни,  
Унинг-ла кечарди тунларинг доим.  
Наҳот уни энди гулдай эзгилаб,  
Букун ўзгасини ўйласанг, эрта...

Иккинчи толиб  
Дўстим, тушунсанг-чи, сен ахир бундоқ,  
Мен уни севмасдим ҳечам юракдан.  
У билан юрардим кўнгилхушликка.  
Ва лекин у менга мос эмасди ҳеч,  
Мен рози қилганман, сен бўл хотиржам.

Тўртинчи толиб  
Рост бўлса севганинг, куйиб ёнишинг,  
Буни у билурми ё қизга ҳали  
Юрак очмадингни қани айт, ростин?

Иккинчи толиб  
Неча бор изидан юрдим бўлмади,  
Ҳали ҳам соядай юрурман, бекор...

Учинчи толиб  
Модомики севсанг, қийналса юрак,  
Қармоққа балиқдай илинтиргин-да.

Иккинчи толиб  
Қандоқ қилиб, ахир?  
Беринглар ёрдам,  
Майли эвазига тиланглар тилак,  
Майли истасанглар зўр қаҳвахона,  
Ёхуд бирор кўрмак чойхонада ош.

Учинчи толиб  
(*Тўртинчи толибни кўрсатиб*)

Агар кўнглин олсанг мана бунни сен,  
Орзу ҳаловатинг ушатгай албат.  
Ҳатто бир кечада у маъсумани  
Қўйнингга солиши муқаррар, тайин,  
Кўп гувоҳ бўлганман, кўрганман аниқ,  
Ўзини "юлдуз" деб юрган қизларни  
Неча-нечтасини домлаларга у  
Гул каби улашиб юборганини.

#### Тўртинчи толиб

(Жилмайиб)

Бироз чиқим бўлса, бунинг бор йўли.

#### Иккинчи толиб

(Хурсанд)

Ҳар қанча чиқимга мен рози, мана.  
(Ўртага бир даста пул ташлайди)

#### Тўртинчи толиб

(Ҳаммага қараб)

Учинчи хонада қай бир шанбада  
Кимнингдир бўлади туғилган кунни  
(Иккинчи толибга қўл чўзиб)  
Зиёфати сендан, хизмати биздан.  
Ўша кунни қилурмиз кўнгилларни чоғ.

#### Учинчи толиб

Аён барчамизга шоирнинг букун  
Жойлашиши қай бир касалхонага.  
Лекин қиз... шоирсиз туғилган кунга  
Келиши кўп гумон. Мана муаммо.

#### Тўртинчи толиб

Анави курсдоши Зумрад иккови  
Сирдош дугона-ку, ўша орқали  
Ечилар масала, ҳал бўлар ташвиш,  
Иш битар хамирдан қил суғургандай.

#### Учинчи толиб

Тасанно, тасанно.

#### Иккинчи толиб

(Чеҳраси ёришиб)

Ў, бошқа гап бу!

#### Учинчи толиб

Энди, қайси кунни қилайлик тайин?  
Ва кимники бўлсин туғилган у кун?  
Агар менга ҳеч ким бўлмаса қарши,  
Майлига, меники бўлсин "ўшал кун".

#### Иккинчи толиб

(Ранги оқариб, ўзгариб)

У куннинг чиқими ўзимдан бўлгач,  
Ўзимники бўлсин туғилган кун ҳам.  
Хуллас, навбатдаги шанба, хонада  
Нишонланар менинг туғилган куним!

### ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

Хона ўртасидаги стол ноз-неъматлар билан безатилган.  
Унинг атрофида уч толиб йигит ва икки қиз ўтиришибди.

#### Учинчи толиб

(Иккинчи толибга тикилиб)

Жонажон дўстиму азиз ҳамхонам,  
Туғилган кунинг-ла қутлайман сени.  
Улкан орзуларинг қанотларида

Мурод-мақсадинга етгил илойим.  
Ва сенга тилайман чинор умрини,  
Қуёшдайн кулсин бахту иқболинг.  
(Иккинчи толиб ва бошқалар билан қадаҳ  
чўқиштириб ичади)

Ҳаммангиз "оқ қилинг" қадаҳингизни.  
(Кўзи биринчи толиба қизнинг қадаҳига  
тушиб)

Ие, сиз ичмабсиз-ку, ичинг тортинмай,  
Ана дугонангиз Зумрадни қаранг...  
Ў, ахир бу шампан, қизлар учун-ку  
Қани, қани ичинг, қолмасин сира.

#### Биринчи толиба қиз

Йўқ, йўқ, ичмаганман умримда ҳали,  
Қўйинг истамайман, зўрламанг мени.  
Шарбат сувин ўзи менга кифоя.

#### Иккинчи толиба қиз

Майлига ичмангиз ҳаммасин бирдан.

#### Иккинчи толиб

Туғилган куниму ҳурматим учун,  
Ичингиз оз-оздан майлига хўплаб.

#### Тўртинчи толиб

(Биринчи толиба қизга қараб)

Мен ҳам ичишингиз тарафдори ҳа,  
Ичсангиз руҳингиз кўтарилар рост.  
Агар ичмасангиз узатинг менга,  
Эвазига эса ўйнаб берурсиз.

#### Учинчи толиб

Майлига ичмангиз, мен бўлса, энди  
Табрик учун сўзни берурман сизга.

#### Биринчи толиба қиз

(Иккинчи толибга ўгирилиб)

Қутлайман туғилган кунингиз билан,  
Соғлик-саломатлик ёр бўлсин сизга.  
Ўқиш-ишларингиз бўлсин аъло, соз,  
Ниятингиз бўлсин тоғ сувидай пок.

#### Иккинчи толиб

(Хурсанд)

Қўлингизни беринг, сиқиб қўяйин,  
Ушбу сўзларингиз исботи учун  
Озгина бўлса-да, ичинг шампандан.

#### Биринчи толиба қиз

Йўқ, йўқ, майлига мен шарбатдан ичай.

#### Иккинчи толиб

Майлига кўнглингиз хоҳиши бўлсин  
(Қизнинг шарбат суви солинган идиши  
билан чўқиштириб)  
Сизнинг соғлигингиз учун ичурман!

#### Иккинчи толиба қиз

(Қиқирлаб)

Бизнинг соғлигимиз учун ҳам бўлсин...  
(Ҳаммаси чўқиштириб ичишади)

#### Иккинчи толиба қиз

(Иккинчи толибга)

Сизнинг дугонамга боқшингиз жа...

**Иккинчи толиб**  
Бир гап бўлгани йўқ, менинг у қизга  
Қандайдир ҳурматим зиёддан зиёд  
Бир кун кези келса ёлғиз ўзига  
Юрагимни тўкиб, айтурман рўй-рост.

**Учинчи толиб**  
(*Сармаст магнитофонни бураб*)  
Келинлар, азизлар, ўйнайлик энди,  
Севган ҳофизимиз қўшиқларига.  
(*Ҳаммани ўйинга тортади*)

**Иккинчи толиба қиз**  
(*Биринчи толиба қизни тортиб*)  
Қўшиқнинг зўрлигин қаранг дугона,  
Келинг бир ўйнайлик.

**Биринчи толиба қиз**  
Кечирасиз йўқ,  
Оҳ, нечундир кўнглим қоронғу,  
Ҳеч нарса ичимни ёритмас бу дам.

**Иккинчи толиба қиз**  
Ё балким шоирсиз зериккандирсиз?  
Балки юрагингиз шеър тусагандир.  
Мен бугун шоирдан эшитдим шеърлар,  
Унга айтган эдим бул ўтиришни,  
Балки ҳали замон келиб ҳам қолар.  
(*Ҳамма ўйин билан бўлиб, биринчи толиба  
қиз ёлғиз қолади. Бунга кўзи тушган  
иккинчи толиб ёнига келади.*)

**Иккинчи толиб**  
Қувноқ бу даврада нечундир бир сиз  
Ғамгин, мотамсаро ўтирурсиз жим.  
Не бўлган, айтингиз, эштай бир-бир.  
Дарвоқе шоирсиз?..

**Биринчи толиба қиз**  
Билмадим, ўзим...  
(*Учинчи талаба иккинчи толиба қизни  
етақлаб чиқа бошлайди.*)

**Учинчи толиб**  
Ташқарига чиқиб келурмиз бизлар.  
(*Чиқиб кетишади*)

**Тўртинчи толиб**  
(*Иккисига қараб*)  
Икковингиз бирам гўзал турибсиз  
Гўё кинодаги ошиғу маъшуқ.  
Мен сизларни бир дам қолдириб ёлғиз  
Тезлик-ла қайтурман.

**Биринчи толиба қиз**  
(*Бир дақиқа ўзини йўқотиб*)  
Мен ҳам чиқурман.  
(*Эшик томон юради*)

**Иккинчи толиб**  
(*Унинг қўлидан тутиб*)

Йўқ, бироз ўтиринг ҳозир улар ҳам  
Қайтиб киришади, ўтиринг, жоним.  
(*Қизни зўрлаб ўтқзади*)

**Биринчи толиба қиз**  
(*Асабийлашиб*)

Ўтирдим, сўзланг-чи гапингиз бўлса,

**Иккинчи толиб**  
Билмасиз қанчалар севишимни сиз  
Бот-бот тушларимга кирасиз тунлар.  
Кундуз бир дақиқа учратмай танҳо  
Изҳор этолмасдим муҳаббатимни.  
Шоир билан кўрган чоғларим эса  
Ёниб кул бўлади ўтли юрагим.  
Туғилган куним ҳам, бу зиёфат ҳам  
Ҳаммаси сиз учун қилинган фақат.  
Гулрухсорингизга тўйишим учун  
О, бу дам атайлаб қилинган фурсат  
Сиз билан кечсайди мана шу туним  
Розиман дунёни беришга жоним!  
(*Қизни қучоқлаб ўпмоқчи бўлади*)

**Биринчи толиба қиз**  
(*Уни итариб ташлаб*)  
Йўқолгин эй ҳайвон,  
Ким бор? Ким бор? Ким?..

**Иккинчи толиб**  
(*Қизни қучоқлаб олмоқчи бўлади*)  
Бақирманг, о жоним, келинг, бир қучай.

**Биринчи толиба қиз**  
Мана сенга, мана...  
(*Иккинчи толибнинг юзига бир неча мар-  
та шаппати уради*)

**Иккинчи толиб**  
Ҳайт сени, энди...  
(*Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаб,  
биринчи толибнинг овози келади*)

**Биринчи толиб**  
(*Баланд овоз билан*)  
Очинлар, очинлар! Ичкарида ким?  
(*Биринчи толиба қизнинг йиғисини эшитиб  
эшикни қаттиқ куч билан тепиб, ичкарига  
отилади. Иккинчи толиб овоздан довдираб  
деразадан ўзини ташқарига — тун қўйнига  
отади.*)

**Биринчи толиб**  
(*Асабийлашиб*)  
Қани у, қани у, ҳозир мен, ҳозир...  
(*Деразадан ўзини отмоқчи бўлади, бироқ  
биринчи толиба қиз тутиб қолади*)

**Биринчи толиба қиз**  
(*Йиғлаб*)  
Эҳ, у қора бағр, эҳ, қора ният.  
Йўқ, йўқ, етолмади ниятига у...

Т А М О М



Муҳаммад Шариф Маматқулов 1968 йили Косонсой туманидаги Ғури Мирон қишлоғида туғилган. ТошДДнинг журналистика факултетида сиртдан ўқийди. "Ўзбекистон табиати" ҳафтаномасида бўлим муҳаррири бўлиб ишлайди. Ҳикояси "Епилик"да илк марта юз кўрмоқда.

Муаллиф дейдики:

*Инсонга энг аввал лозим бўлган хислат ғурур бўлса керак, деб ўйлайман. Орият, қатъият ва шижоат унинг кўрки. Чинакам ғурур эгаларигина чинакам олижаноб бўла оладилар. Кўп ҳолларда андишанинг оти қўрқоқ бўлиши рост бўлиб чиқади.*

*Ушбу ҳикояни элнинг суюкли полвони Турсун Али Муҳаммадга бағишладим.*

Муҳаммад Шариф яхши ҳикоя ёзибди. Ўқиб мазза қилдим, ўйлайманки, ўқувчилар ҳам менинг фикримга қўшилишиди. Ёзувчи, аввало, мавзу танлашни билади, танлаганда ҳам бутун кучини ўшанигина ёритишига қарата олади, диққатнинг ёйилиб кетишига йўл қўйилади. Иккинчидан, шу мавзуга мос сўзлар топади. Ёзувчининг қуроли — Сўз бўлганидан, унинг таркиби, сифати жуда муҳим. Сўз топши, танлаш — бош масалага айланади. Муҳаммад Шариф ана шу шартларни яхши англагани сабабли ҳикояни маромига етказа олибди. Ҳикоя мавзуси, бўлмаса, ёзувчи учун нотаниш — қушлар оламидан. Устига устак, унда бирорта диалог йўқ. Лекин шунга қарамасдан, биз тоғ, ундаги кўҳна Тешиктош қоя манзараларини кўриб, ҳис эта оламиз. Мен ёш ёзувчи укамга дадил катта мавзуларга қўл уришини маслаҳат берардим. Ниятни катта қилмоқ керак, зотан катта ният бизни олисларга етаклаб кета олади.

Муҳаммад АЛИ

Муҳаммад Шариф

## ЯШИЛ АЛАНГА

Ҳикоя

Шамол қари бургутни булутлар уюрига қўшиб ҳайдаб кетишига сағал қолди. У гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб, шамолга қарши уча-уча амал-тақал Тешиктош қояга етиб, чўққи устига оғир қўнди. Шу қўнганича уч кун қилт этмади. Учинчи кун тонгда қари бургутни яна ўз ўрнида кўрган тасқараларнинг қўнглидаги шубҳа-ғумон куртак отиб, бадниятлари совуқ бўй кўрсатди: олдидан ортган сарқитига қаноат қилиб юрганлар, бугун унинг ўзига кўз тикиб, бу мағрур турган муаззам гавданинг тап этиб йиқилишини кута бошладилар. Кеча улар қуйироқдаги қоя устида кун бўйи қанотларини беўхшов қоқиб, чуғурлашиб, бетоқат бўлишди.

Бугун эса тап тортмай қари бургутнинг юз йиллик қўналғаси бўлмиш Тешиктош қоянинг ёнгинасидаги улкан ясси тош устига келиб қўнишди. Шу пайтгача қуш зоти бу чегарани бузишга ҳадди сиғган эмасди. Тасқаралар бўлғуси базмга тайёргарлик кўраётгандек қайсидир ўлимтикнинг шилимшиқ гўшти ёпишиб қолган тумшукларини гоҳ панжаларига уриб, гоҳ тошга суркаб намоёишкорона тозаломоқда эдилар. Фақат қуйида яшаб, тоғ устига камдан-кам кўтарилиувчи ғажирлар ҳам бугун эрталабдан тасқараларнинг тадорикка тушиб қолганидан дарак берувчи товушларини эшитиб, аллақачон юқорилаб келишга улгуришганди.

Бу анчайин беодоблик саналса-да, қари бургут асло парво қилмади. бўйнидан бошланиб, кўксига оппоқ доғ ҳосил қилган патлари устига тумшугини қўйиб, ҳурпайиб ўтираверди. Шу тобда у эрталабки қуёшнинг майин қитиқловчи нур-

лари оғушида мириқаётгандир ёки ҳув уфқдаги бир тўда ирkit булутларни кузатаётгандир. Ҳарқалай, шу ҳафта ичи унда қандайдир тушуниксиз ўзгаришлар юз берди. У шундан алағда бўлиб, атрофда юз бераётган нарсаларга эътиборсиз қаради.

Қўққис тасқаралардан бири ҳаволади, афтидан ёшроқ бўлса керак, кўксидаги патлари қорайишга улгурмабди. Бир-икки айлана ясаб, сўнг тўшпа-тўғри бургут ўтирган қоя томон учиб келаверди. Қоятошнинг бир четига келиб қўнди. Бургут илкис унга ўгирилган эди, кўзларида яшил аланга ловуллаб кетди. Қўрқиб кетган тасқара келган изига қараб урра қочди. Ўлаксахўрлар бир безовталаниб олишди.

Ў-ў... бургутнинг вазминлиги, у бу сур-бетликни кўрмагандек яна сокин ўтираверди. Фақат энди пойида ястаниб ётган текисликларни кузата бошлади. Орадан чорак соат ўтгач, кўкдан тўқайзор этагидаги ўтлоққа тошдек отилган қарчиғайни кўриб қолди. Тошлар остига яширинишга улгурмаган каклик қанотларини патиллатиб ерга урганча, қарчиғайнинг чангалига тушди. Қарчиғай ўлжасини кўтариб учди ва ялангликдаги қўнғир тош устига қўнди. Чангалдаги каклик жон ҳолатда типирчилади. Қарчиғай какликнинг бўйнига чангал солиб сиқди. Унинг пайрахадай сарғиш тили отилиб чиққанида бир чўқиб узиб олди ва лиқ этиб ютди. Шундан сўнг калласини узиб олиб, узун ичакларини осилтирганича, ўлжасини бамайлихотир чўқилай бошлади. Бургут иссиқ, кўпириб турган қон ҳидини тўйди. Суқланиб тикилди. Йўқ! Ўлжага эмас. Ғолиблик нашидаси сурилаётган ўша лаҳзага, ўша манзарага суқланди.

Бир пайтлари унинг бақувват қанотлари бўронни ҳам писанд этмасди, тошни чангалласа, уқаланиб кетарди.

Бир пайтлари чиябўрининг сағриси ила бўйнига чангал солиб, бир силтаганда, шўрлик сайднинг умуртқаси қарсиллаб синиб кетарди. Шу қарсиллаш унинг шижоати, куч-қудрати ва маҳобатини намоиш этувчи ғолиблик садоси бўлиб янграрди. Осмон энкайиб, тоғлар бир қарич чўкиб, дарё бир тўхтаб оларди ўша лаҳза.

У кезлар бургут ўлжасини қояга кўтариб чиқар ва иссиқ қон кўпириб турган жасаддан бир-икки луқма тотиниб кўрарди, холос. Лошнинг қолган-қутганини ҳозир унинг ўлимига кўз тикиб турган анави ўлаксахўрлар талашиб-тортишиб еб битиришарди. Улар бургутдан қаттиқ ҳайиқишар, қораси ўчгач, сарқитига қуюндек ёпириларди. Ҳозир эса ўшанда мурувват тилаб, ялтоқланиб йилтираган шилпиқ кўзлар унинг қаршисида совуқ ёниб турибди. Бироқ қари бургут жасади бу қасангиларга ем бўлмаслигини билади. Ҳали замон қуёш тигга келганида у кўкка кўтарилади, сўнгги овга

чиқади.

Бир қултум қон, бир луқма гўшт унинг қанотига куч бўлади. Сўнг ҳув юксакдаги қорли чўққилар томон учиб кетади. Икки йил муқаддам қари бургутнинг жуфти шу томонларга учиб кетган. Муз қоя узра учаверган, учаверган, учаверган. Кеча-ю кундуз учган. Танасидан қон қочиб, булутлар ҳўллаган қанотлари музга айланганида ҳам учаверган. Токи абадий муз парчасига айланмагунга қадар учган. Қуш зоти борки, учаётиб муз қотади, қўниб турганида ҳар қандай совуққа дош беради. Шу тариқа мангу музқояликлар орасида янги, қанотларини елпиғичдек ёйган бургутқоя пайдо бўлган. Ўша бургут шаклидаги музқоя уни ўзи томон чорламоқда.

Қуёш тиккага келиб, тоғ этагидаги қизғиш қир-адирларни беаёв қиздира бошлади. Бургут оғир қўзғолиб, қанотларини бир-икки силкиди, сўнг кенг ёйиб пастга эна бошлади. Ён-атрофдаги қояларда тизилишиб ўтирган ўлаксахўрлар безовталаниб, унинг ортидан чағир кўзларини қадаб қолишди. Бургут бўз тупроқли адирларга етиб боргач, қанот қоқмай, осуда айлана бошлади. У жон койитмай ҳаволашнинг ҳадисини олган, тандирдек қизиган адирдан кўтарилаётган иссиқ ҳаво уни ҳеч қандай қийинчиликсиз осмон тоқига чиқариб қўярди. Авваллари иссиқ ҳаво оқими кўмагида кўтарилиш эрмак бўлган эса, ҳозир эҳтиёжга айланган эди. Кекса вужуди бу беминнат ёрдамга муҳтожлик сезмоқда. Бирор соатлардан сўнг у кўз зўрға илғайдиган қора нуқтага айланди.

Бир ҳафта давомида емаксиз қолган қари бургут учун ҳавода муаллақ туриб ўтказаётган дақиқалари йиллардек узоқ туюлмасин, у соялар қайтғунига қадар кўкда кезиб юришга мажбур эди. Бу вақтда тўқайдаги жониворлар пана-пастқам, серсоя инларидан чиқмай, тилларини захга босиб, ҳансираб ётишади. Қуёш найзаси чўққиларга санчилиб, сарин шаббода ғириллаб эса бошлаганда жониворлар ғимирлаб, тирикчилик ташвишига тушиб қолади.

Жўрттага қилгандек, сира ўрнидан жилмаётган қуёш, ниҳоят тангрининг амри ила пастга қараб ғилдиради. Бургут ҳавода айлана ясаб, пастлай бошлади. Ер ҳали жуда-жуда узоқ эди. Бу орада тўс-тўполон билан осмонга кўтарилган тасқара ва ғажирлар тоғдаги дараларни бир қур кўздан кечириб чиқиб, тўқай билан дарё оралиғидаги яланглик узра изғий бошлашди. Емак қидиришга киришган тўқай жониворлари кўк юзидаги қора кўланкалардан чўчиб, ўзларини қайта инга уришди. Ахийри, ўлаксахўрлар кечки сайрни тугатгандек ёқимсиз қийқиллашлари билан тоғу тошни ларзага солиб қояларга қўндилар. Ушбу кечки сайр ҳув юксакдаги бургут учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган ғанимат дамларни "бир неча йил" нарига

суриб юборган эди.

Ялангликда тўнғиз пайдо бўлди. У тўқайдаги ягона сўқмоқ оралаб чиқиб келди, тумшуғи билан ер титиб, пишқириб дарё томон юрди. Тўнғизнинг бепарволиги бежиз эмас, одам ҳиди камдан-кам пайдо бўладиган бу маконда унга таҳдид солувчи ёв йўқ эди. Лекин эҳтиёти шарт, у ҳар замон тўхтаб, ҳаво искаб ҳид оларди.

Тўқайдан пилдираб чиққан тўнғизни кўриб, бургутнинг кўзида олов чақнади. Бироқ савқи таъби уни иккилантирди. Жонзот борки, ўз кушандаси киму емаги нимадан иборат — яхши билади. Табиатнинг ўзи берган сезгиси, садоҳияти буни айтиб туради. Лекин бирда иккида ўз феъл-хўйига номувофиқ ҳаракат қилиб туриш ҳам тирик жонга хос нарса. Қари бургут кўпни кўрган эса-да, тўнғизни қўлдан чиқаришни истамади, қолаверса, бу сўнгги имконият бўлиши мумкин, ҳадемай қуёш ботади. Ўлаксахўрлар қолган майда жониворларни чўчитиб қўйди, улар ҳали-бери қорасини кўрсатмайди. Тўнғиз сув бўйнига яқинлашганда бургут ҳаммага чоғланиб, мўлжал олди. Тўнғиз чанқоғини қондирса, кучига куч қўшилади. Шунда уни енгиш оғир кечади. Бургут қанотларини йиғиб, бир сония муаллақ қолди, сўнг ўқдек пастга отилди.

Даҳшатли чинқириқ тоғу тошни ларзага келтириб, даралара узра узоқ акс-садо бериб турди. Қояда тизилишиб ўтирган тасқара ва ғажирлар сергакланди. Тулкилар, товушқонлар ўзларини қалин чакалакзор орасига урди. Тўнғизнинг белига қоя ағдарилгандек кучли зарба келиб урилди. Сағриси ва калта бўйинини тигдек тирноқлар ўйиб ташлади. У жон ҳолатда хуриллаб бир мункиди, бир қалқиди... оёғини чор тарафга кериб олди... тўпиғигача нам ерга ботиб кетди, лекин умуртқаси синмади, калталиги иш берди.

Кўзи қонга тўлган бургут важоҳат билан чираниб, уни букиб ташламоқчи бўлди. Афсус... қани у қарсиллатиб умуртқа синдириш, қани ғолиблик садоси? Аламдан, номусдан унинг куч-қудрати, шижоати аввалгиларидан ўн чандон ошса ошдики, асло камаймади. Тўнғизнинг жони тошдан. Бургутдан хатолик ўтди. Хатолик ўтди-ю, уни тузатишнинг энди иложи йўқ эди. Бургут бургут бўлиб ушлаганини қўйган эмас. Бургут тўнғизнинг белида чавандоздек силкинди, чиранди, кўзларидан тирик жонни тешиб юборадиган олов ёғилди. Лекин... қани энди, бу жонли ғўлани букиб бўлса?! Иссиқ қон кўпиргандан кўпирди, фаввора янглиғ отилди. Танаси метин тўнғиз пишқириб, чинқириб, қутургандан қутуриб борарди.

Тўнғиз тўқайзорга етиб борганида бургут унинг бошига чанг солди. Тўнғизнинг чап кўзи ўйилиб тушди. У йўналишини йўқотиб, ўзини қалин чакалакзорга урди. Тиканаклар, шох-шаббалар бургутнинг патларини юла бошлади. Қари

бургутнинг оқиш-қизғиш патлари ҳавода тўзғиб кетди. Тўнғиз чангалзорни тасир-тусур ёриб ўтганида бургутнинг ярим гавдаси қонга беланган, синиб, ёнга осилиб қолган қаноти хас-хашакларга илашиб, уни ортга тортқиларди.

Қора қонга беланган икки рақиб жон олиб, жон бериб олишар, таслим бўлишни, енгилишни бирови-да хаёлига келтирмасди. Қоядаги ғажирлар, тасқаралар, тоғу тошдаги, тўқайдаги жамики жонзот бу қонли ҳангоманинг қандай якун топишини сабрсизлик билан кутарди.

Қаршисидан қалин дарахтзор чиққанида бургут сўнгги чорани қўллаб, ўлжасини тўхтатмоқчи бўлди: ёш бир дарахтни шаппа чангаллаб олди, тирноғи боғича дарахт танасига ботиб кетди. У тўнғиз ва дарахт орасида бир лаҳза таранг тортилди-ю, сўнг қоқ ўртасидан иккига айрилиб кетди. Рақибдан халос бўлган тўнғиз бир неча одим забт билан чопгач, гурсиллаб қулади. Қаттиқ пишқирди, хириллаб-хириллаб жон берди. Бургутнинг ярим гавдаси дарахтни, ярми тўнғизни маҳкам чангаллаган кўйи қотиб қолган эди.

Ўлаксахўр ва ғажирлар қий-чув солиб кўкка кўтарилди. Осмонни қора кўланкалар қоплади. Улар тўқай томон эниб кела бошладилар. Лекин шу кеч ва эртасига ҳам тўдадан бирор қуш ажраб чиқиб, машъум жангтоҳга қўна олмади. Чунки бургутнинг очиқ кўзларидаги яшил аланга ҳали сўнмаган эди.



Рисми А. Мамасалиев чизган.



Улуғбек Султон

## САБРИМНИНГ СУЯГИ СОЧИЛАР...

Улуғбек Султон 1969 йил Бешариқ туманида туғилган. ТошДД филология куллиётини 1992 йил тугаллаган. Ҳозир шу даргоҳда аспирант. Шеърлари "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.

*Инсон ўз тақдирини қўл билан яратолмагани каби, истеъдодини ҳам интилиш, ҳаракат билангина ярата олмайди. Истеъдод туғма бўлади. Истеъдод туфайли қалб ўзининг олий даражасига эришади. Ва ниманидир пайдо этади. Инсон кечинмаларининг янги сайёрасини кашф этган шоиргина — ҳақиқий шоирдир. Бу мўъжизавий мақом саринтиллаётган ёш шоир Улуғбек Султон ишонаманки ўз сайёрасини топади ва шеър ихлосмандларини ажойиб кўнгил ҳайратларига таклиф қилади.*

Муҳаммад ИСМОИЛ

### ИЛТИЖО

Юлдузлар калима қайтарар бу тун,  
Дарахтлар қўл очмиш фотиҳа учун.  
Сабримнинг суяги синиб сочилар,  
Ё раббим! Фалакка қўлим очилар.

"Ўзингни яна бир намоён этгин,  
Осийлар кўнглида уйғониш битгин.  
Дилим шубҳалар-ла эллашар гоҳо,  
Қувғин шайтонлар-ла тиллашар гоҳо.

Гоҳо ҳайвонликка кўзим тўлади,  
Ношуд деб устимдан кимдир кулади.  
Аслида бир пулдир унинг кулгуси,  
Лек шуни деб дилда ғазаб унгуси.

Гоҳ булғанч кўнглимни поклаб олурман  
Кўҳна Туркистонга ёғилган нурдан.  
Дининг-ла заминни мунаввар этгин,  
Сўнг бизни иймонда муқаррар этгин".

Сабримнинг суяги синиб сочилар,  
Ё раббим! Фалакка қўлим очилар...

\* \* \*

Томчи кўз ёш — биллур қадаҳни,  
Киприкларинг ичиб бўшатиб,  
Сингдирарлар уриб юзингга,  
Сўнгра сармаст, дилим қақшатиб  
Ўткир шамшир янглиғ нигоҳинг

Санчиб мени тамом ўлдирад.  
 Муҳаббатдан туғилиб қақшаб  
 Етим қолган армон ўлдирад.  
 Мен нима ҳам қила олардим,  
 Худойим топширдим ўзни.  
 Илк севгимни эсларман ва лек  
 Нечун ёшга чўктирмоқ кўзни.  
 Кендан кечиб кетсам ҳам лоқайд,  
 Ётибди у кўкка бақрайиб.  
 Нетай алам юққан кўнгилни  
 Азоб билан бўлмаса чайиб.  
 Сен шаҳарда қоларсан ёлғиз,  
 Айниқ қўлда нилуфар янглиғ.  
 Пошшозода бир қурбақага  
 Бир кун ўпич этарсан тортиқ.

\* \* \*

Деразамнинг опшоқ кўзига,  
 Тун қуйилиб-қуйилиб тўнди.  
 Тул кампирдек меҳробда тул шам  
 Намоз ўқир тун бўйи энди.

Хасдек қалқиб кўзим ёшида  
 Оқиб кетар сўнгги киприк ҳам.  
 Дилим оғриб, дийдиёсида  
 Сўнар аста кўксим ўти — ғам.

Қоронғу тун қора тобутдир,  
 Руҳим унда ғарибдан ғариб.  
 Тонгга қадар тобут устида  
 Сукунат нутқ сўзлар бўзариб.

Тонг етаклаб борар тобутни,  
 Йиғлайман, нечун тошдайман?  
 Ва кўникиб бўм-бўш вужудга  
 Эл қатори яшай бошлайман.

\* \* \*

Деразам олдида паршонҳол гул  
 Булбул ташрифидан сесканиб кетар.  
 Қалбим кўкрагимдан терсланиб кетар  
 Сени унутай десам...

Қаро сочларингга ҳавасманд туннинг  
 Сочлари тўзғиниб елга чулғонар.  
 Сочини силаркан ой титраб унинг,  
 Сени унутай десам...

Ишқинг-ла руҳ обод, вужуд мосуво,  
 Бу ишқ бир афсундир — ҳеч ечолмайман.  
 Сени унутишга қўймас ҳеч дунё,  
 Мен ҳасрат лабида ҳазин бир найман,  
 Сени унутай деб...



Маъмур АҲМАД

## ТЎЗҒИТМА ОЙ СОЧИН...

Маъмуржон Аҳмаднинг сара, ажойиб шеърларидан кимсасиз далаларни ёритаётган ойдек ёлғизлик, ёмғир тингандан сўнг эсан майин шаббода шаштидаги навадалар хўрсиниғи... қўйинки кенгликларга, қишлоққа хос чин манзаралар ранги нияҳни жалб қилади. Бу тўзмасиз, нажио ҳислардан шеърхон нимадир олади.

*Холдор Вулқон.*

Бир кун муҳаббат юртида,  
 Оятлар ўқилса саҳардан.  
 Ё тангрим шу куни ўлсак гар,  
 Ўлайлик "ишқ" деган заҳардан...  
 Истарман ишқ аҳлин қабрга  
 Кузатиб қолмасин хиёнат.  
 Тумонат ошиқлар тирилган,  
 Қиёмат кун бўлсин қиёмат.

### БАХТ

Мана мен истаган оний бахт,  
 Тунлардан тилаган тилагим.  
 Висолинг майдан хўб карахт,  
 Ой сочин авайлаб силадим.  
 Оҳиста шивирлаб япроқлар,  
 Ой сиррин ошкора этдилар...  
 Сезгига айланди бу жисмим  
 Ирмоққа айланди юрагим.  
 Эй фалак бир фурсат айланма,  
 Тўзғитма ой сочин шаббода,  
 Ногаҳон олмасин ҳушимни,  
 Очилиб ойнинг оқ билағи.

### МУҲАББАТ

Бешафқат фурсатнинг тўфонларида,  
 Ожиз бир шам каби титрадим, толдим,  
 Наҳотки, муҳаббат сенинг бағрингдан  
 Мен осий абадий айрилиб қолдим.  
 Хазон япроғига битиб номалар,  
 Хабар келтирур деб кутдим баҳорни.  
 Яланғоч боғларда, дийдираб, маюс,  
 Эзгилаб бораман биринчи қорни.





Шукур Холмирзаев

## "ЁЗУВЧИЛИКНИНГ МАКТАБИ ЙЎҚ..."

Битта шоир акамиз бўларди. Кун ора эмаса-да, ҳафтада бир ғалати гап эшитардик у кишидан. Масалан, бундай: "Кеча энди ётувдим, қўнғироқ жиринглаб қолди, — деб бошларди ҳирқироқ овозда. Тагин: ичидан шундай қувонч тошиб келаётирки, гапини тезроқ тугатмаса, бўғилиб қоладигандай энтикиб. — Трубкани кўтарсам, Шароф Рашидов, — дер эди, "энди улфати чор"дан бири ҳақида гапираётгандек. — "Ҳозир "Камсамол" достонингни ўқиб чиқдим", дедилар. — Кулиб, ҳиринглаб қўярди. — Менга ёқди. Омон бўл, шоир. Раҳмат", дедилар-у, трубкани жойига қўйдилар.

Биз билардик, бу гапларнинг ёлғонлигини. Бироқ шоир акамиз шундай ҳикоя қилардики, ишонмай иложинг қолмасди.

У кишининг бу одатлари хусусида Эркин Воҳидов бир гурунгда шундай деган эдилар: "Шоир акамиз, айттайлик, достони чиққандан кейин Шароф аканинг қўнғироқ қилишларини орзу қилади. Тўшакда ётиб, хаёл суриб... Эрталаб хотинларига таваккал айтадилар: "Сен ухлагандан кейин шундай-шундай бўлди", деб. Тушда редакцияга келиб, танишларига айтадилар. Энди жуда ўхшатиб... Кечқурун бўлса шу воқеага ўзлари ишониб қолади".

Демоқчиманки, бадиий ижод, жумладан, ҳикоянинг дунёга келиш жараёни ҳам шу тарзда кечади: шунинг учун айрим адиблар ёзилажак

асарларининг мазмунини худди бировнинг, ёки ўзининг бошидан кечиргандек қилиб айтиб беришади. Масалан, Қўшчонов домланинг гувоҳлик беришларича, раҳматли Абдулла Қаҳҳор ҳам "қурилажак бино"нинг, яъни асарнинг қурилмасини, яъники "иморат синчи" ўрнатиб бўлинганини яқин биродарларига сўзлаб берарканлар. (У киши кўпинча ёзилажак мақолалари хусусида маслакдошларидан маслаҳат олишларини мен ҳам билардим. Масалан, 60-йиллик тўйларида сўзлажак нутқларидаги ўша машҳур "Мен партиянинг солдатига эмасман!" деган гапини ҳам қурдошлари ҳукмига ташлаганда, Озод Шарафиддинов: "Айтинг. Қўрқманг, Абдулла ака", деган эканлар. Чамамда, Одил Ёқубов ҳам маъқуллаган экан.)

Хуллас, ҳикоя (бошқа ҳар қандай асар ҳам) адиб хаёлида қиёмега етгач, унинг ўзи беихтиёр мазкур воқеага ишониб қолади. Ишониб ҳам гапми!..

Воқеа (мазмун) ёзувчининг кўнглидан, яъни Туйғулари чироғидан ўтгач, яъники ҳикоя қаҳрамонлари ёзувчининг ҳис-туйғулари ила йўғрилиб ва айни чоғда ўзининг ҳис-туйғулари ила воқеани у ёки бу даражада ўзгартириб мустақил Одамга айлангач, адиб баъзан унга четдан қараб, гоят мутаассир бўлиши — ҳатто ҳайратда қолиши ҳам мумкин.

Пушкиннинг машҳур гапини эсланг-а: "Я

плачу над вымыслом!" Ўзи тўқиган — бадий тўқимани салмоқлаб кўриб... йиғлар экан! Ғалат ҳол, а?

Аммо ёзувчи учун бу табиий ҳолдир.

Ана шунинг учун ҳам азизимиз Абдулла Қодирий Кумуш ўлганида сим-сим йиғлаган... Французнинг буюги Флобер Бавари хоним "ўлган" чоғда ўзидан кетиб қолган...

Бу ўринда, дейлик, бу — асар яралиши жараёнида битта нуқтага жиддий эътибор берилишини истайман: қаҳрамоннинг (қаҳрамонларнинг) кўнглидан изма-из, босқичма-босқич ва узвий мунтазамликда кечадиган ҳамда (демак) қаёққадир кўтарилиб, ёхуд пастлаб борадиган ҳис-туйғулари ва ана шулар таъсирида пайдо бўладиган (маънилими, бемаъними — фарқи йўқ) фикр-мулоҳазаларнинг Табиий чиқишига... ҳушёр бўлишини истайман: бу шу қадар нозик ва мураккаб жараёнки, ҳар қандай олий математик ҳисоб-китоб ҳам бунинг олдида ҳеч нарсадир!

Фаҳмлаб турибсиз: мен ҳозир ўзимнинг ижодим ҳақида эмас, умуман, Ижод — асар яратилиши жараёнидаги Бир Муҳим Нуқта ҳақида гапирдим, холос.

Шу "нуқта" билан боғлиқ яна бир мулоҳаза бор: "Дейлик, мазмуни тўқилган, яъни ўша скелети — синчи тайёр асардаги бирон-бир қаҳрамоннинг бирон бир нозик ҳолатини, яна ўша гап: маълум вазиятдаги ҳис-туйғуларини адиб тасвирлай олмаса, яъники, кўнглида ўткази олмаса, нима қилиш керак?"

Ахир бундай ҳолатлар кўп учраши мумкин!

Бу тўғрида мен Эренбургнинг (бу аллома адибнинг бадий асарларига нисбатан мақола-ларини яхши кўраман!): "Ёзувчи ҳар қандай қаҳрамоннинг (кишининг) ҳам қалбига калит сола олмайди!" деган ҳикматини эслагим келади.

Демак, ундай қаҳрамондан, аниқроғи қаҳрамоннинг ўшандай нозик-мураккаб ҳолатидан "йироқ"да туриш лозим бўлади-да? Ёлғонни ёзгандан кўра ёзмай қўя қол!

Ёки бўлмасам Хемингуэйга ўхшаб ўшандоқ ҳолатни бошдан кечириш тадоригини кўр.

Хемингуэй шундай қилган. "Тушдан кейинги Мадрид" асарида (шу мисолни бир жойларда эслаганман-ов!) ўлимни... ўлим олди ҳолатини тасвирлашга ожизлиги, шунини ҳис этмоқ учун испан урушига борганини ёзади...

Қойил, қойил!

Яна айтмоқчиманки, асарнинг ҳар бир сатрида, жумласида қаҳрамоннинг ички ҳолати сезилиб турмаса, тўғрироғи, ўша ички ҳолат йўғрилмасида чиқмаса — ташқи хатти-ҳаракатлар, бундай асар ўша Хемингуэйнинг талайгина — ҳис-туйғуси "номаълум" диалогдан иборат асарларига ва, жўнроқ мисол айтсам, киночиларнинг сценарийларига ўхшаб қолади.

Рост, Италия, Франция киночиларининг сце-

нарийлари бундан мустасно бўлса керак.

Асар ёзилиши жараёнидаги иккинчи ва учинчи нозик-хавfli "нуқталар" — қисқартирилган хатти-ҳаракатлар баёни, қаҳрамонларга бериладиган таъриф-тавсиф ва изоҳлардирки, булар ҳам аслида ўша ички ҳолат — ҳис ва туйғулар оқимида бўйсундилар ҳамда ўшалар тақозосида, бу вазиятда Меъёрни сақлай билиш — бу энди — Маҳорат белгиси, ҳатто айтиш мумкин: гипнозчининг "бемор"га таъсир этиш маҳоратига ўхшайди.

Хуллас, азиз жўрналхон, юқоридаги гапларни ёзишга ёздим-у, аммо ўйлаб кўрсам, улар — Асар ёзилиш сирларининг мингдан бирини (албатта, муҳим томонларини) ташкил этар экан.

Шунинг учун бўлса керак-да: ёзувчиликнинг мактаби йўқ. Танқидчилар эса бир миқдор билим беришлари мумкин, ахир, танқидчи деганингиз ёзувчи билан китобхон ўртасидаги воситачи-да...

# ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР?..

Ўкинч. Қувонч. Саодат...

Дарҳақиқат, бу ёш инсон ҳаётида энг унутилмас фасл ҳисобланади. Машойихлар айтганидек, қалб ўн саккиз минг олам тилсимларига рўбарў келади. Юрак туганмас ва сўнгсиз орзу-умидларни ўзига жо қилиб йўлга чиқади. Инсон борлиқни онгли суратда англаб, маънан шаклланиш жараёнида бўлади. Яна бу каби улуғ ҳодисаларни хотирда нақшлагувчи, ҳамма-ҳаммасига ўт ҳадея қилувчи, журъат берувчи муҳаббат кўнгилга киради... Алҳисса, умрнинг ўн саккиз баҳорини ўша довонни ошган, ўша паллага ҳавасманд қалблар гапирсин, уларнинг ҳар бири ўтли хотира, бир улуғ тасаввурдир.

Бу кўпчилик жўрналхонларимиз учун ҳам яхшигина туҳфа бўлишини кўзлаб таҳририятимизда муайян саволлар тайёрланди ва бир гуруҳ мухлисларга тарқатилди. Қуйида шуларга келган айрим жавоблар билан танишасиз.

Муҳтарам жўрналхон! Бу мулоҳазалар билан танишиб, сизда ҳам бирон-бир фикр туғилса, марҳамат, бизга ёзиб юборинг, мактубларингизга мунтазирмиз.

### Саволлар:

1. Илк бор хаёлингизни ўғирлаган ким? Уни муҳаббат дея оласизми?
2. Муҳаббатни сиз қандай тушунасиз? У ўткинчими ёхуд абадийми?
3. Инсон ўз умри мобайнида неча бор севиб, севилиши мумкин? Агар кўнгилга бир неча бор муҳаббат туғилиши мумкин дсб ўйласангиз, бу фикрни қай тарзда асослайсиз?
4. Ўн саккизга кирмаган ким бор, Боғингдан гул термаган ким бор, — дейди шоир. Сизнинг ўн саккиз баҳорингиз қандай кечган? У сизга нималар инъом этган? Ўкинчми? Саодатми?
5. Умуман, бахт деган тушунчага муносабатингиз?
6. Хиёнатга-чи?
7. Ҳақсизлик деганда хаёлингизга нима келади?
8. Ҳаётни қандай тушунасиз? Инсон умрини нимага бағишласа арзийди. Яшайдан мақсад нима?
9. Юқоридагилардан бошқа ўзингиз истаган, излаган саволларга жавобларингиз?

"ЧИН МУҲАББАТ ШУ ЭМАСМИ?"

Нодир Ноқиев. 19 ёш.

1. Илк бор хаёлимни ўғирлаган қизнинг исми Дилфуза. Ҳеч унутолмайман. Қайдаки бу исмга дуч келсам, кўнглимга ёруғ бир хотира келади. Исмини эшитганимга ҳам қувониб юраман. Чинакам муҳаббат дегани шу эмасми?

2. Муҳаббат, назаримда, жуда юксак, соф туйғу. Чинакам муҳаббат абадий бўлади.

3. Инсон бутун умри мобайнида неча бор севилишини билмадим-у, лекин бир марта чинакамига севади. Қолгани ҳавас ва армоннинг уринишлари, менимча.

4. Ўн саккиз ёшимда ғам ва шодлик ёнма-ён келди. У менга кўпроқ ўкинч инъом этгандай туюлади...

5. Ҳамма ҳам бахтли бўлишни орзу қилади. Лекин бахт нималигини унга етишмагунча чинакамига англаш мумкин эмас.

6. Хиёнат бу — разиллик.

7. Инсон ҳақ-ҳуқуқининг поймол этилиши.

8. Ҳаётни жўнгина тушуниш, тушунтириб бериш жуда қийин. Ҳаёт — бу кураш. Инсон умрининг синов даври. Кимлигингизни намоёиш қилиш учун берилган, орта қайтмас имкониятдир.

Инсон умрини фанга бағишласа, арзийди. Яшайдан мақсад фақатгина бойлик тўплаш ёки амалга ўтириб бошқаларни камситиш бўлиши керак эмас. Баландпарвоз кўринса-да, бу фоний дунёда эзгу ишлар қилиш ва яхши ном қолдиришни кўзлаб умр кечирини орзу қилман.

"ИЛК БОР ХАЁЛИМНИ ЎҒИРЛАГАН"

Мунисхон Шокирова. 17 ёш.

1. Илк бор хаёлимни ўғирлаган инсон — синфдошим Б. эди. Ўзгача одоби, юриш-туриши учун бўлса керак, шу йигитга нисбатан қалбимда муҳаббат ҳиссини сезганман.

2. Муҳаббат — муайян бир нарсага ёхуд кишига қаттиқ, лекин ўзи билмаган ҳолда бағишланиш, ўша кишининг хатти-ҳаракати, хулқ-атвориға тақлид қилиш, деб биламан.

Дарвоқе, кишида муҳаббатини ҳимоя қилишига етарли имконият бўлган тақдирдагина у юзага чиқади ва абадий яшаб қолади.

3. Инсон ҳаёти давомида бир неча бор севиб-севилишига хулқ-атвори сабабчидир. Масалан, қизлар кўпроқ йигитларнинг олижаноб, зийрак, жасур, ҳалол бўлишига қараб ёқтиришса; йигитлар қизларнинг эпчил, озода, ширин тилли ва гўзаллигига маҳлиё бўлиб кўнгили қўяди.

4. 18 ёшга киришга улгурмадим...

5. Бахт деганда шоир Муҳаммад Юсуф "Тилак"ларига қўшиламан:

*Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,  
Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин.  
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан  
Қўлларига асо бир таёқ тушсин.  
Имони соф, юзга кириб ёруғ юз  
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.  
Ва, жисмига сўнгги сафар чоғида  
Ўз боласин қўлидан тупроғ тушсин.*

6. Хиёнатни инсонлик қиёфасини йўқотиш деб биламан.

7. Ҳақсизлик тўғри амалингизга адолатсиз баҳо беришга ўхшаш манзара-да.

8. Ҳаёт — теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатлар эмасми?! Яшаганга яраша инсон ўз олдига эзгу мақсад қўйиб яшаши лозим. Шунда нимагадир эришади. Ўтган умри беиз кетмайди.

### "ЯШАШДАН МАҚСАД — СЕВИШ-СЕВИЛИШ..."

Қобилжон Қосимов, 20 ёш.

1. Бу саволдан жуда ҳаяжонланиб кетдим. Қалбимнинг энг нозик торлари чертилгандек бўлди. Ширин хотиралар эсимга тушди, бироқ ул гўзалнинг исмини айтолмайман...

2. Муҳаббат туйғусини тушунтириб беролмайман. Математик тилда муҳаббат — таърифсиз қабул қилинган жумла, аксиома дейиш мумкин.

3. Инсон ўз умри давомида фақат бир марта севади. Севилиш эса, ўзига боғлиқ бўлмагани сабабли неча бор бўлишини айтиш қийин. Мен шу ерда "севиш" ва "яхши кўриш" бир-биридан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

4. Ўн саккиз ёшимда севги сеҳридан маст эдим. Энди эса ўйлаб севги кўзни кўр, қулоқни кар қилиб, умуман бошқа бир оламга киритиб кўяр экан-да, деб юраман.

5. Бахт инсоннинг ўз орзу-умидларига содиқ қолиши, қўлидан келганча бировга яхшилик қилишга интилишидир.

6. Хиёнат — ўз манфаати йўлида номус-оридан ҳам кечиб юбориш бўлса керак. Бу кўргуликдан кўра ўлим яхши.

7. Синфимизда бир амалдорнинг ўғли бўларди. Ўзлаштириши ҳаминқадар эди-ю, мактабни олтин медал билан битирди...

8. Ҳаёт — юрилмаган, адоғи кўринмас йўлга ўхшайди. Сал нарида нима борлигини билмайсиз. Инсон ҳалол яшаши керак. У умрини оиласига,

ўзини яхшилик ва муҳаббатга бағишласа арзийди.

### "ХИЁНАТНИ КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ"

Мухторжон Мамажонов, 20 ёш.

1. Илк бор хаёлимни бир синфдош қиз ўғирлаган. Лекин уни ҳақиқий муҳаббат деб атай олмайман, бу бир ҳавас бўлган, холос.

2. Муҳаббат ўткинчимиз ёки абадийлиги ҳақида бир нима деёлмайман.

3. Инсон ўз умри давомида бир неча бор севиб, бир неча бор севилиши мумкин. Шундай бўлмаганда биринчи севгига етолмаган инсон ортиқ муҳаббатсиз қоларди. Бу эса, даҳшат. Бироқ қайта севган тақдирда ҳам киши ҳеч вақтни илк муҳаббатини унутолмайди.

4. 18 ёшда мен ҳаётнинг мазмуни нимада эканлигини тушуна бошладим.

5. Менимча, ҳақиқий бахтли инсон ўз оиласида қадрли, муҳаббат, меҳрга мушарраф одам. Ундайларнинг ҳаётда ҳам омади юришади.

6. Энг разил иллат бу хиёнатдир. Дўстга, ёрга, Ватанга қилинган хиёнатни кечириб бўлмайди.

7. 70 йил тинимсиз ишлаб, умри хор-зорликда кечган ўзбек деҳқони кўз олдидан ўтади.

8. Ҳаёт Оллоҳ томонидан инсонга берилган инъом деб биламан. Уни эзгуликка бағишласа арзийди.

### "ҲАЁТ — МЎЪЖИЗА"

Дилрабо Шарипова, 20 ёш.

1. Хаёлимни илк бор бир ўқитувчим ўғирлаган эди. У кишининг дарс бериши, муомаласи, одоби, кўпчилик орасидаги ҳурмати мени асир этган эди. Бироқ бу севги эмас, муҳаббатдир. Уларни бир тушунча деб билган хато қилади.

2. Муҳаббат ўзи билган ва билмаган ҳолда бирор киши ёки нарсага боғланиш бўлса керак. Ўзимга қолса, муҳаббатнинг абадий бўлишини истардим.

3. Инсон ўз умри мобайнида бир марта севиб, бир неча бор севилиши мумкин.

4. Хотира билан яшашни бошлаганинг қариллик даракчиси, дейишади. 18 баҳорни эслагандан кўра, бир пайт 20 ёшимни эслагудек яшасам дейман.

5. Бир дугонамникини айта қоламан: у ақлли, вафодор, иродали кишига турмушга чиқишни бахт деб тушунади.

6. Хиёнатни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди.

7. Қилган ишлари бир даражадаги икки кишининг бири эътиборсиз қолдирилиб, иккинчиси кўкларга кўтарилса, бирига нисбатан ҳақсизлик қилинган бўлади.

8. Ҳаёт — ақл бовар қилмас мўъжиза. Александр Блок айтгани каби, инсон ўзига чексиз талаблар қўйиб яшамоғи керак.

Ҳилола Исмадова. 19 ёш.

1. Умуман, хаёлим жойида! (Ҳазил.)
2. Муҳаббат, менимча, фақат ҳижрон бўлса керак? Висол деган ясовул унинг қушандаси. "Абадийми?.." деган савол ўринсиз... Ишқ бу — шуъла! Ушлаб бўлмайди. Унга олисдан талпиниб, изтироб чекишгина мумкин. Муҳаббатга мутлақ "эришаман" дейиш тунда қуёшни кўришни исташ каби кулгилидир!..
3. Билмадим. Лекин муҳаббат фақат ва фақат БИТТА бўлса керак.
4. 18 ёшимда ёлғиз жимжитлик... насибам бўлди.
5. Бахт — бахтсизликнинг иккинчи кўриниши.
6. Хиёнат — ҳар қадамда учраши мумкин бўлган инсоний инқироз.
7. Ҳақсизликнинг энг катта кўриниши — ҳаётга мажбуран келиш ва шу мажбурийликка ИСБН бўлиб кўникиш!..
8. Ҳаёт деганда, ўнгимда нимаики кўрсам, шуни тушунаман. Инсон ишонч, умидга "алданиб"... яшаса аризийди.

"ЭЪТИҚОДСИЗ ОДАМДАН  
ҚЎРҚИШ КЕРАК..."

Зайниддин Норов. 45 ёш.

1. Муҳаббат бу улкан туйғу. Уни ҳар ким турлича тушунади. Мен муҳаббат деганда турмуш ўртоғимга, оиламга бир умр содиқ қолишни англайман.
2. Инсон умрида ҳақиқий муҳаббат фақат бир марта бўй кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман. Аммо унинг "асорати" юракда мангу қолади.
3. Ўн саккиз ёшим бир дунё орзу-умидлар қучоғида, ҳаётга ишонч руҳида кечган. Ҳозир ўша дамларни эсласам, юрагим ширин орзиқиб кетади.
4. Бахтни ҳар ким ҳар нарсада кўриши мумкин. Бундай ўйлаб қарасанг, бир кунинг тинч ўтса, бировнинг дилига озор бермасанг, етган ризқу насибангга шукр айтиб, оқшом хотиржам бошингни ёстиққа қўйсанг — шунинг ўзини ҳам бахт дейиш мумкин-ку!
5. Адолат топталган, четга сурилган жойда, табиийки, ҳақсизлик пайдо бўлади. Ҳақсизлик, афсуски, ҳаётда ҳаминша адолат билан ёнма-ён юради. Ким билади, эҳтимол, ҳаёт шу жиҳати билан қизиқдир.
6. Инсон ўз умрини, куч-қудратини нимагадир бағишлаб яшаса, ҳаёти маъно касб этади. Албатта, киши умрини нимага сарф этиши ҳар кимнинг эътиқоди, қизиқишидан келиб чиқади.
7. Ҳаётимда энг унутилмас лаҳзалар бўлган: уйланган ва олийгоҳни тугаллаган куним сира эсимдан чиқмайди.
8. Мени айни кунларда энг кўп ўйлантирадиган муаммо бу ватанимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровонлигидир. Ахир, ватан тинч бўлса, оила тинч бўлади, кўнгил хотиржам тортади.

Ватан деганда бизни тарбиялаб, ўқитиб, вояга етказган муҳит, юрт ва унинг бағрикенг одамлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳаёт деганда нимани тушунаман? Яшашдан муродим нима? Шу каби саволларни, менимча, ҳар бир киши ҳар кунини ўзига бериши керак. Инсон ўз-ўзини, босган қадамини, кечган умр йўлини таҳлилу тадқиқ этиш билангина ҳаётни, бу дунёга нега келганини тушуниб етади, деб ўйлайман.

Эътиқодсиз одамдан қўрқиш керак. Чунки бундай кимсалар ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайди. Эътиқодли инсонлар билангина ҳаёт гўзал ва дилбардир. Менинг эътиқодим масаласига келсак, ватанимга, халқимга бир умр содиқ қолишдан иборат.

Ҳозир ўтаётган кунимдан асло нолимайман. Ҳаётим бундан ҳам яхшироқ бўлиши кўп жиҳатдан ўзимнинг саъй-ҳаракатларимга боғлиқ эканини ҳам тушунаман.

Дунёнинг қизиқ эканини қаранг-да, келажак авлоднинг қандай яшаши кўпроқ бугунги кун кишиларига, яъни бизга боғлиқ экан. Буни жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ҳис этса, ўйлайманки, келажак авлоднинг ҳаёт йўли ёмон кечмайди.

"КЕЛАЖАК НАСЛ ЯХШИ ЯШАЙДИ..."

Меҳринисо Ҳалилова. 16 ёш.

1. Хаёлимни ўзим сезмаган ҳолда кимдир ўғирлаган бўлиши мумкин. Аммо буни муҳаббат дея олмайман, балки болаликдаги ўткинчи ҳиссиётдир.
  2. Инсон неча марта севиши мумкин? Буни аниқ айтиш қийин. Агар инсон бир неча марта севса, бу муҳаббат эмас, ўткинчи туйғу бўлади. Ҳақиқий муҳаббатга рўбарў келган киши ундан умрининг охиригача воз кеча олмайди.
  3. Ҳали ўн саккизга тўлганимча йўқ.
  4. Бахт бу инсоннинг орзу-умидлари ушалишидир.
  5. Хиёнат — инсондаги шайтоний хислат. Бундай кимсалардан ҳар қандай кирдикорни кутиш мумкин.
  6. Менимча, инсон ўз умрини савоб ишларга бағишлаши лозим. Зеро, умр бизга шунинг учун берилган. Шу маънода менга Р.Гунтекиннинг "Чолиқуши" романидаги Фарида жуда ёқади. Севган қаҳрамоним эса ҳинд кино актрисаси Мандакинидир. Айни дамда мени кўпроқ ўйлантирадиган муаммо — орзу қилган касбим — ўқитувчи бўлиш.
  7. Эътиқод деганда инсондаги ишонч ва садоқатни тушунаман. Аслида ҳаёт эътиқодли кишилар билан собитдир.
  8. Инсон яхши яшаши керак, деб ўйлайман. Умуман айтганда, ҳозирги кечаётган ҳаётимдан розиман.
- Ҳаёт янада гўзал бўлишини истайман.  
Келажак насл яхши яшайди, деб ўйлайман.  
Чунки бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз — жумҳуриятимизнинг мустақил бўлиши ва буюк давлат қуриш йўлидаги улкан ишлар эрта бир кун, албатта, ўз самарасини беради.



Муҳиддин Бобоёр Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. 1988 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат олийгоҳини тугатган. Эркин ижодкор.

*Муҳиддин Бобоёр табиатнинг бетак-  
рор жилваларини мусаввирона меҳр  
билан тасвирлайди. Унинг шеърларида  
дил оғриқлари ва борлиқдаги самовий  
изтироб уйғунлашиб кетган. Зотан,  
яхши шеър ҳамisha юракларимизни ер  
ва осмон дардлари билан боғлаб  
туради.*

Абдул ЖАЛИЛ

### БОЛАЛИК

Атиргул ҳуснига ярашиқ шабнам  
Гўзал тонг васлининг яширин нози.  
Дарани уйғотган шаршаралардек  
Юракни ўргайди бахшининг сози.

Анҳорда чўмилган севинч, ҳаяжон  
Қирларни қизғонар қизил лоладек.  
Кўзларим олдидан ўтар қийқириб  
Хаёлимда маъюс кезган болалик.

Муҳиддин Бобоёр

## ЗАРҒАЛДОҚ ЛИБОСГА ЎРАЛГАН УФҚ

### ҲАЙРАТ

Улуғ мусаввир И.Левитаннинг  
"Куз" асари ёнида

Яланғоч дарахтлар сукут сақлайди,  
Зарғалдоқ либосга ўралган уфқ.  
Қадим, ўтирилмас қушлар тилида  
Кумушранг борлиққа сингар бир қўшиқ.

Қалбимга бир туғён кирар изнсиз,  
Хаёлда сой каби оқар мезонлар.  
Ҳазин боғлар билан хайр-хўшлашиб  
Пойингта бош қўяр — ёнар хазонлар...

### ЁЛҒИЗЛИК

Юракни бўшатиб оламан бунда,  
Танҳо ўзим билан сўзлашар сукут.  
Шиддатнинг суврати сузган оқимда  
Ғуборлар гўёки бўлади унут.

Сўқмоқлар туш кўрар эртақдай узун,  
Кумушлар чайқалар қадим навода.  
Гумондан дил фориг бўлмоғи учун  
Ёрилгим келар шу азим дарёга.



Хуршид Дўстмуҳаммад

## "БИЗ МУТОЛААГА ҚОНМАГАН АВЛОД"

Бизда бадий ижод зиммасига ижтимоий вазифа юклаш жуда мустақкам илдиз отган. "Баддий ижоднинг туб моҳияти бундай эмас", деган фикрни исботлаш ва ижод аҳлини, уларга қўшиб адабиёт мухлисларини бу ҳақиқатдан воқиф этиш ниҳоятда мушкул вазифа. Менга иттифоқ: "Сиз мансуб бўлган авлод зиммасига давр қандай ижодий масъулият юклаган?" деган саволни беришди. Ўйлаб кўринг саволни... Ҳай, майли, давр ва бадий ижод мавзуи алоҳида масала, бу ўринда ҳамонки, шундай тушунчалар байроғи остида яшаган адабиёт аҳли ҳақида сўз бораётган экан, гапирса арзигулик мулоҳазалар кўп.

Бадий ижод Аллоҳ таолонинг энг буюк ва жавҳари битмас-туганмас сеҳру жозибадан яралган таърифга сиғмас неъмат. Бутун бир жараён. Жараён эмас, ҳодиса. Ҳодиса ҳам эмас, қудрат ва хилқат. Йўқ, хилқатгина эмас, балки барча таърифларни ўзида мужассам этган ақл бовар қилмас самовий инсоний бир бурч!

Баландпарвозликка йўманг, ижод — ижодкорнинг бутун оламлар мувозанатини сақлаш йўлидаги миссияси! Ишонинг, инсоният табиатидаги бадий инъикосга мойиллик тўхтаса, коинотнинг мутлақ мувозанатига путур етади. Йог фалсафаси ва у билан боғлиқ Робиндранат Тагорнинг хотирамда сақланган бир ҳикматини умумлаштиришга ҳаракат қиламан: "Коинотдан қалбларни эҳтиросларга тўлдирувчи тўлқинлар

оқими келаверади-келаверади. Коинотнинг мувозанатини таъминлаб турган мутлақ уйғунлик сақланиб қолмоғи учун Ердаги бирдан-бир онгли мавжудот — инсон ўша тўлқинлар оқимига жавобан нимадир қайтармоғи керак. Бу — қалб ва руҳ тарбияси билан бўлади. Нафосатга ошар қалбларда туғилган туйғулар Коинот қадар юксакликка кўтарилади ва мутлақ уйғунликнинг бардавомлигига хизмат қилади"...

Норасиданинг кўзидаги ёшни ёзидими, пахтакор аёлнинг серқадок кафтларига боқиб ўйга толадими, бундан қатъий назар, ижодкор илҳомнинг юлдузли онларида ўша мутлақ Ҳақ измидаги мутлақ уйғунлик "хазина"сини бойитишга баҳоли қудрат ҳисса қўшади.

Тақдир дафтарига шу қадар илоҳий вазифани адо этмаклик бурчи битилган ижодкорнинг зиммасига даврнинг ўткинчи масъулиятларини юклайверишни, ундан нуқул шуни талаб қилаверишни... ким қандай таърифласа, ихтиёр ўзида.

Ҳар қалай, 70-йилларнинг бошларида фикрим бундай эмас эди. Қолаверса, у пайтлар ёзувчи эмас, кўпроқ ўқувчи эдим. Ёзувчи ва шоирлар муҳитида, ижодида асосан уч қатлам тушунча ҳукм сураар эди: 1. Ўша давр сиёсатига ҳамду сано сифатида яратилган асарлар; 2. "Коса тагида нима коса" қабилда киноялар, кесатиқлар, салбий образлар тили билан ифодаланган ҳақоратомуз сўзлар билан, тарихий ёки фантастик сюжетлар орқали мустамлакачилик иллатларини қоралаш кайфияти; 3. Ўзаро гурунг ва суҳбатларда ҳукм сурадиган, лекин қоғозга кўчмайдиган ижод эркига ташналик орзуси.

Давр кўндаланг қўйган масъулият ҳам шуларда мужассам топган. "Улуғбек хазинаси", "Диёнат", "Умид", "Ичкуёв", шунингдек Эминжон Усмоннинг "Меҳригиё"си, Ш.Холмирозавнинг ҳикоялари, Т.Маликнинг, М.Маҳмудовнинг фантастик асарлари тўқимасига сингдирилган даврнинг сохта қадриятлари "чақиб" олинган ўринлардан завқ-шавқ олиб юрар эдик. Янглишмасам, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матчон шеърятининг дастлабки босқичида шундай "чақиб олиш" ижоднинг ўзагини ташкил этган. Шу тариқа, 80-йилларнинг бошларига қадар адабиётимизда киноя руҳи устунлик қилган десам тўғри бўлар. Табиий, киноя "жанри"даги асарларимизнинг савияси турлича эди. Афсуски, "киноя адабиёти"нинг классик намунасини 60-йилларнинг иккинчи ярмидаёқ Темур Пўлатов қойилмақом қилиб яратиб қўйганини яқин-яқинларда ўзимча кашф этдим. Адибнинг "Бўлак манзилгоҳлар" қиссаси нафақат ўзбек адабиётида, балки собиқ шўро халқлари адабиёти миқёсида такрорланмас ҳодиса бўлган экан-у, уни на ёзувчиларимиз, на қалами чаққон мунаққидларимиз тан олиб, у ҳақда эплаб мулоҳаза билдиришмаган. Шунга аминманки, башарти ўша мўъжазгина қисса зудлик билан ўзбекчага таржима қилинганида, баҳс-мунозаралар ўткази-

либ жамоатчилик фикрига айлантирилганида эди, ўзбек бадий тафаккури бир неча поғона юқорилашига туртки бўлур эди...

Хуллас, ижод эркинлигига зуғум кучайган жойда адабиётда киноя кучайиши табиий экан ва бора-бора бирон ижтимоий иллатга кишибилмас найза суқиш бадийликнинг бош шартларидан бирига айланиб... адабиётни чалкаш йўлга бошлаб кетиши ҳеч гап эмас экан. Бунинг бошқа хавфли томони "адабиёт шу экан-да" деб тушунадиган қатор-қатор ижодкорлар етишиб чиқаверади. Ана шундай кезларда А.Мухторнинг "Чинор", Ш.Холмирзаевнинг "Ёввойи гул", кейинроқ "Чўлоқ турна" ҳикоялари чиқди. "Троллейбусда" деган ҳикояси шов-шув бўлгани эсимда. Шунингдек, "Муқаддас", "Севгим, севгим", "Баҳор қайтмайди", "Урушнинг сўнгги қурбони" каби қисса ва ҳикоялар адабиёт ҳақидаги тасаввурни янгилашга катта хизмат қилган ва боя айрилган "адабиёт шу экан-да" деган тушунчаларга шубҳа оралади. Шахсан ўзим ижтимоий муаммо кўтарилган ёки бирон ижтимоий мақсад "сездирмай" ифода этилган асарларни ўқигим келмай қолди. Р.Парфининг, у киши билан доим бирга юрадиган новча, камгап, афтидан ўлгудек одамови кўринадиган йигитнинг (кейинчалик у шеър ёзмай қўйди) СОФ шеърларини кўп ўқир, уларнинг таъсирдан чиқиб кетолмас эдим. Бундай таъсир берадиган насрий асар қарийб йўқ эди. Шунда, М.М.Дўстнинг илк ҳикоялари чиқди: "Қайдасан, қувонч садоси", сўнг, "Бир тойчоқнинг хуни", "Галатепага қайтиш". Э.Аъзамовнинг "Кўк эшик", "Қўшиқ", хусусан, "Сой бўйи, чимзор"! О.Жорниқбоевнинг, Х.Султоновнинг ҳикоялари. (Адолат юзасида айтиш керакки, 70-йиллар адабиётининг, умуман зиёли жамоатчилик дунёқарашининг шаклланишида "Гулистон" ойномаси мислсиз хизмат қилган, сўнг бу аънанани "Ёшлик" давом эттирди.)

Адабиёт ҳақидаги тушунчалар орасида "санғиб" юрган шубҳа ушбу асарлар боис эсган шабададан бир энтикди, энтикдики!

Назаримда, айна шу асарларда адабиётимизга хос бўлган муаммобозлик, зўрма-зўракилик, насиҳатбозлик, фикрга эрк бермаслик аънанаси бузилди. Янаям муҳими, оқ-қора ибтидоийлиги ушбу асарлар мисолида фош бўлди. Яна бир янгилик — қайсидир образнинг ижобий ёки салбийлигини кўрсатишдан кўра, ҳолат-вазият таҳлигига мойиллик сезила бошлади. Чунончи, О.Ёқубовнинг "Диёнат" романи ҳақида кўп ёзишди, менинг назаримда эса асарнинг роман сифатидаги ЯНГИЛИГИ абадият — қаҳрамон — вазият тушунчалари орасидаги зиддиятлар нуқтаи назаридан ўрганилганда янаям равшанроқ кўринар эди. А.Аъзам ва О.Отахон ҳикояларида мураккаб вазиятлар таҳлили асосий мавқега айланди. Агар А.Аъзамнинг ҳикояларида мураккаб ҳолатлар зоҳирий манзаралари таҳлили орқали ўрганилса, О.Отахоннинг ҳикояларида гоётада нозик, нафис туйғулар, эҳтирослар куйланди. Ғаффор Ҳотам чигал ва зиддиятли қадриятлар исканжасида қолган қаҳрамонни ҳаёт чиғирғида ўз ҳолига "ташлаб қўйиб", "эзиб" таҳлил қилиш тажрибасини танлади. А.Мамара-

сулов, А.Саиднинг ўзига хослиги ҳаётни "борича бозор" қабилида асарга кўчиришида кўринди.

Ўзбек адабий тафаккурини янгилаётган ёш адибларнинг ижоди синчиклаб ўрганилса, 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб насримизда хилма-хил йўналишдаги, тасвир йўсини бири-бирдан кескин фарқли ижодкорлар пайдо бўла бошлагани кузатилади. Бу жараён, хусусан, 80-йилларнинг ярмига қадар шаклланиб анча бўртиб кўриниб қолди. Адабиётимизда Айтматов, Распутин, Шукшин, Анор, Думбадзе каби йирик адиблар асарлари таъсирида яратилган ҳикоялар, қиссалар пайдо бўлди. Ижодий таъсирланиш доираси кенгая борди ва ўзбек адабиётида Болтиқбўйи, Грузин, изма-из Япон, Оврупо, Лотин Америкаси халқлари адабиётига хос тамойиллар, услублар кўрина бошлади. Табиийки, бу "кўрина бошлаш" силлиққина, хамирдан қил суғургандек юз бермади. Ўзбек адабий жамоатчилиги ўзбек адабиёти ҳам XX аср дунё адабиётининг узвий бир қисми эканлигини, ундан айри ҳолда шаклланиши, яшаши мумкин эмаслигини, умуминсоний ва юксак инсоний қадриятлар мезонига қиёсан улуғланмаган ҳар қандай миллий қадрият ўзининг тор маҳаллий қобигига ўралашиб қолишини англаб етишга ва ҳоказо-ҳоказо соф адабий-ижодий қадриятларни идрок қилишга, тан олишга, қолаверса, уларни асраб-авайлашга тайёр эмас эди. Рубобни қойиллатиб чертишдан нарига ўтолмаган санъаткор ўнлаб чолғу асбоблари иштирокида ижро этилаётган симфоник оркестрга раҳбарлик қилолмаганидек, адабиётимиздаги аънанавий ўлчамлар ожизлиги яққол кўзга ташланади.

Адабиётимизнинг, изланувчан ёш ёзувчиларнинг, қолаверса, адабиёт мухлисларининг бахтига ижтимоий ҳаёт ўзгарди, воқелик ўзгарди, бадий тафаккур сиртмоғдан бўшала бошлади.

Ислоний таълимотга кўра, инсоннинг феъл-атворидаги, табиатидаги ўзан тубдан ўзгармайди, муҳит, тарбия таъсирида унинг ўз-ўзини идора этиши, шаклланиши, дунёқараши — устқурма ўзгариши мумкин, холос. Бу гапнинг бадий ижодга даҳли шундаки, ижодкорнинг шахси қандай бўлса, ҳаётни шунга яраша идрок этади. Тақлид, таъсир, тарбия устқурма, холос.

"Мен эртага саҳарлаб туриб би-ир аънанавий йўсинда ҳикоя ёзаман" ёки "қўлим бўшаса ҳеч ким тушунмайдиган абсурд қиссани бошлайман" қабилидаги режа билан ҳеч ким ижод қилмаса керак. Ҳаммаси зувала қорилаётган пайтда ато этилган феъл-атворга, табиий майлларга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб биров ўйнаб-қулиб ёзади, кимдир ҳаётни нуқул изтироблар кўзгуси орқали кўради, кимдир турмушнинг силлиқ бир қатламни тасвирлайди, бошқа биров унинг ўйдимчуқурларини, қавариқ чокларини излаб топади. Қайси ижодкор кимдан кўпроқ таъсирланиши ҳам шундан келиб чиқади. Мисол учун, оламни Л.Толстой ё М.Шолохов йўсинида идрок этишга мойиллиги кучли бўлган қаламкаш Ф.Достоевский ё А.Рюноске ижодини ижодкор сифатида ҳазм қилишга қийналади. Шу маънода қайсидир ўзбек ёзувчиси адабий устоз сифатида Кортасар ё Кафкага табиатан яқинлик сезса, уни ўзбек бўла туриб Қодирий ё Қаҳқорни тан олмасликда



айблаш хато.

Ижодкор учун миллий қадриятлар бамисоли она сутидек зарур, ундан нечоғли тўйиб баҳраманд бўлса, шунча яхши, аммо-лекин ёши улғайган одамнинг қорни она сутига тўймай қолади. Энди у табиат ҳада этган ер юзи неъматларининг энг сараларини, ўзига ёққанларини териб-териб истеъмол қилишга ўтади. Маҳаллий адабий қадриятлар анъанасидан нарини кўра олмаган ижодкорлар умрининг охирига қадар она сутию қуруқ нондан бошқа нарса емай яшаган одамга ўхшаб кетади.

Демак, ижодкор сифатида йиллар давомида ўзгармаслик, бир хил дунёқарашда муқим туриб қолиш депсиниш ва чекинишга тенг. Ёзиш техникасини пухта эгаллаб олган тажрибали ёзувчиларимиз бор, улар яна ўйлаб роман, юзлаб ҳикоя яратишлари ҳеч гап эмас, бунинг ҳеч ҳайратланарли жойи йўқ, лекин бу билан адабиёт ҳам, дунёни бадиий идрок этиш санъати ҳам боймайди. Адабиётимизда воқеалар, сюжетлар, ўзига хос зиддиятли тўқнашувлар қалашиб ётибди, лекин янги, ўзгача бадиий идрок яхлит ифода топган тугал асар, тугал ижодкор жуда-жуда оз.

...Бу мулоҳазалар дабдурустдан қоғозга тушмади, албатта. Улар кўп йиллар мобайнида туғилган, шаклланган. Биринчи ҳикояларим тенгқуларимга нисбатан кеч — 70-йилларнинг охириларида матбуотда эълон қилина бошлади. "Севишишга ижозат", "Киова қуёши" ҳикояларим киноя "жанри"га мансуб. Кейин ундай ҳикоялар ёзмадим ҳисоб. Мени инсон ва вазият, шахс ва муҳит, абадий ва ўткинчи қадрият орасидаги зиддиятлар, мураккаб ҳолатлар, руҳий кечинмалар кўпроқ қизиқтирди. Воқеадан кўра таҳлил, сюжетдан кўра тафсилот, тайёр ҳаётий сахналардан кўра лаборатория тажрибахонасида ҳосил қилингани каби ясама-тўқима вазиятлар тадқиқи муҳимроқ туюлди. Бу олам сарҳадларини мароқ-ла кезишга, кашф этишга жуда-жуда кўп буюк ижодкорларнинг умри ҳам, маҳорати ҳам кифоя қилган эмас...

Авлодлар орасига айирмачилик солишни хуш кўрмайдиганлар ҳам бор. Бир йили Ёзувчилар уюшмасида ҳурматли устозларимиздан бири айна шу мавзуда махсус маъруза ҳам қилганлар. Бироқ, авлодлар орасидаги тафовутнинг мавжудлиги банданинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Бу табиий ҳол, бунингсиз тараққиёт ҳам, ўсиш-улғайиш ҳам, янгилиниш ҳам бўлмайди. Хусусан, адабиётда авлодлар орасида соғлом адабий зиддият, рақобат бўлмаслигини тасаввур қилиш қийин.

Ўзимча кўп буни таҳлил қиламан, ўрганаман. Нафақат ижодкорларни, балки оддий кишиларни, оилаларни қиёсан назардан ўтказаман: 40-йиллар тарбиясини кўрган киши билан ёшлик палласи 50-6-йилларга тўғри келган одам орасида қандай қилиб тафовут бўлмаслиги мумкин?! Тинимсиз таъқиб, тинимсиз ҳадик, тинимсиз мафкуравий "ғамхўрлик"дан ҳужайра-ҳужайраларигача тўйиб-тўйиниб суяги қотган акаконларимиз ҳарчанд уринмасинлар бугунги кун адабиёти, ижоди руҳига мослаша олмайдилар. Фикр, туйғу, ижодий эҳтирос, ҳис-ҳаяжонга тўйинган бадиият

шу қадар тутқич бермас учқирки, "Жигули"нинг ғилдираги алмаштириб ўрнатилган... қўқон аравада уни қувиб етиб бўлмайди.

Аччиқ ҳақиқат бу! Тан олмамизми, йўқми, ҳаётнинг давомийлик қонуни хусусий хоҳишлар билан ҳисоблашмайди — шафқатсиз илгарилай-веради. Лоақал И.Тургеневнинг "Оталар ва болалар", Н.Сарротнинг "Уларнинг қаҳ-қаҳасини эшитяпсизми?" романларини эслаш кифоя.

Қизиқ бир парадоксни ёдда тутишга тўғри келади: башарти 50 ёшнинг нари-берисидаги ёзувчи 20 ёшлар миёнасидаги бошловчи қаламкашнинг ҳикояларини ҳазм қилолмаётган экан, демак, адабиётимизда ўзгариш бор. Бордию катта авлод ёшлар ҳикоясини осонгина тушунаётган экан, демак, адабий тафаккурда ўзгариш йўқ — адабиёт тўхтаб турибди!

Қувонч билан айтиш мумкин: кенжа авлод вакиллари орасида ёши улугларимиз тушуниб етмайдиган, ҳатто 40 ёшлилар қийналиб илғайдиган асарлар яратилмоқда. Демак, адабиётимиз ҳаракатда!

Бевосита саволга қайтсам. Мутулаа орқали билишга интилиш инсонга ато этилган мислсиз неъматлардан бири! Ижодкор учун эса унинг аҳамияти сув билан ҳаводан-да зарурроқ! Узоққа бормай, кейинги 30-40 йиллик даврнинг мутулаа имконияти ва маданияти тошу тарозисига қўйилса, авлодлар орасидаги тафовутлар яққол кўзга ташланади. Собиқ шўролар юртида қайта қўриш сиёсати бошлангач, сўнг Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан ошкор этилган диний, адабий, тарихий ва ҳоказо адабиётлар миқёсидан келиб чиқилса, 70-йиллар ижодга кириб келган авлодни, "чала ўқиган" десам, оғир ботар, мутулаага қонмаган авлод деб атагим келади. "Нима фарқи бор, 40-50 ёшлилар ҳам янги нашр этилаётган адабиётларни ўқийвериши мумкин-ку!", дея эътироз билдирувчилар учраши табиий. Йўқ, яна бир карра йўқки, биз 10-15 ёшимизда, нари борса 20 ёшга етар-етмас билмоғимиз, уқмоғимиз шарт бўлган жуда-жуда кўп ҳақиқату ҳикматлардан суягимизга қўшилиб фикру зеҳнимиз, қарашларимиз қотиб улгургандагина бохабар бўлмоқдамиз, улардан ҳайратларга тушиб юрибмиз. Биз умримиз қозонини яримлатиб (эҳтимол, ярмидан ўтказиб) улгургандагина билаётган асл зиёни ҳозир 20 ёш миёнасидаги навқирон қалам аҳли ташналик билан ўзлаштирамоқда. Вақтида тўйиб мутулаа қилиш бахти насиб этмаган авлоднинг армонлари катта имкониятлар олдида турган ёш ижодкорларга сабоқ бўлади деган умидда айтмоқчиманки, самарали мутулаа имкониятларидан унумли фойдаланилса, яқин 5-10 йил асносида адабиётимизда қувонарли кескин ўзгаришлар бўлишига шубҳа йўқ!



Раъно РАББИМОВА

## ГУЛ ЎРНИДА УМИДЛАР УЗДИМ...

Раъно Раббимованинг шеърларини ўқиб, бирдан ҳаяжонланиб кетмайсиз. Баланд-парвоз сўзлар ҳам йўқ уларда. Бироқ ёзганлари "ойнинг шуъласини шимган оппоқ тун" каби сизнинг-да кўнглингизги бегона бўлмаган туйғуларни ёриштиради. Сиз ҳам ўзингизни қуршаб турган дунёга энтикиб, ўзгача меҳр кўзи билан қарай бошлайсиз. Ватаннинг кичик тошига ҳам меҳрингизни сингдирасиз... Раънонинг ҳар бир шеърига узундан-узоқ изоҳ ёзиш мумкин, менимча. Чунки улар эътиборга, ардоқлаб ўқиб юришга арзийдиган шеърлар. Бироқ ҳозирча муҳими бу эмас. Мен Раъно Раббимованинг танлаган йўлидан чекинмаслигини, шеърятнинг ма-шаққатли йўлида муваффақият қозонишини жуда ҳам истар эдим. Катта шоир бўлишга эса унда иқтидор етарли.

Фароғат Камол.

\* \* \*

Қиш чилласи... Зардали бўрон.  
Тоғ бошида оппоқ рўмоллар.  
Тарновдаги сумалакдайин  
Безраяди писмиқ гумонлар.  
Гуртук қорга ботиб қолган из  
Айри йўлда тўхтайдиган бир зум.

Деразанинг ромидан тутиб  
Бир қиз боқар олис-олисга  
Боқиб қордан бахт сўраган дил  
Тақдирига кўниб кетади.  
Рангпаргина англовсиз дардлар  
Қиш кўксига сингиб кетади.

\* \* \*

Ойнинг шуъласини шимган оппоқ тун  
Бўм-бўш қароғимга қулайди беҳуш.  
Соҳир кўзларига боқдимда тиндим,  
Дилни сескантирди совуқ бир жунбиш.  
Оппоқ тун, қалбимга айланган оқ тун  
Кўҳна эртақларни сўзлайди такрор.  
Севиб тинчимаган менинг қалбимга  
Наҳот эртақларда оний юпанч бор?  
Йиғлаб ўтказаман тунларни, ёшим  
Тонгги шудрингларга айланар бир-бир...

СОҒИНЧ

Шиддат билан ёпдим эшикни,  
Нигоҳларинг қолди муаллақ.  
Ёмғир сўраб парвардигорга  
Қўлларини чўзгандай фаллоҳ...  
Ойдин кеча... Шивалар ёмғир,  
Жунжикади бутун борлигим.  
Оёқларим остида хазон —  
Муҳаббатнинг ишонч ёрлиғи.  
Тентирайман боғларда танҳо,  
Гул ўрнига умидлар узиб.  
Аτροφимга қарайман, бироқ  
Турар, сенмас, кўзлари ёш кўз...

## ЗИЁЛИ КИМ?

Ҳар бир замон, ҳар бир даврда илмпарвар кишилар — зиёлилар ўзлари мансуб миллатнинг ақлчироғи саналиб келинган. Жамиятнинг нечоғлик гуллаб-яшнаши, ҳақ ва адолатни ўз ўрнида қарор топиши кўп жиҳатдан мана шу зиёлиларнинг сабъи-ҳаракатига боғлиқ бўлган. Табиийки, зиёлилар ўз қалб қўри, тафаккур қудрати билан одамларни ёруғ ва содатли кунлар сари бошлаган, мудом зулматга қарши турган. Шу боис ҳам улар халқнинг маънавий хазинаси дея эъзозланган.

Хўш, бизнинг назаримизда, зиёли ким? Қарийб бир аср давом этган бўҳронли давр миллий зиёлининг шаклланишида қандай таъсир кўрсатди? Аслида, зиёлининг маънавий қиёфаси қандай бўлиши керак? Жамиятда тутган ўрничи?

Шу каби саволларга азиз жўрналхон, қўйида эълон қилинаётган давра суҳбатидан жавоб топишингиз мумкин.



Иброҳим ҒАФУР

### "ШАРҚ БЕШИКДАН ЧИҚИШИ КЕРАК..."

Хом одамлар зиёли бўлолмайдилар шекилли. Зиёли одам бир ишга уринмасдан бурун шу ишнинг паст-баланд томонларини ўрганиш ва билишга ҳаракат қилади. Билишнинг даражаси — зиёлиликнинг даражаси. Билишнинг одамийлик билан қўшилиб, бир нарсага айланиб кетиши ҳақиқий зиёлиликнинг юзага чиқишидир.

Чет тиллар луғатларида биз зиёлилик деб тушунган ҳодисани "интеллект" деган сўзга боғлайдилар. "Интеллект" — ақл-идрок, оқилликни англатади. Ақл-идрок, оқиллик билан иш юритувчи кишини "интеллигент" дейишади. Шундай одамларнинг жамига "интеллигенция" деб айтишади.

Ғарбда "интеллигенция" деган тушунча ижтимоий тоифани билдирмас экан. Зотан, ғарб мамлакатларида бундай тоифанинг ўзи йўқ. У мамлакатларда истисносиз ҳамманинг ақл-идрок

билан иш юритиши ва яшаши табиий бир нарса деб қаралади. Яъни ишчининг у ерларда ўқитувчидан фарқи йўқ. Ишчи ҳам ўз йўли билан ихтисосга эга, ўқитувчи ҳам.

Ҳозир баъзи рус файласуфлари "интеллигенция" деган тушунча тамомила Россияга хос, Россияда шаклланган деб тушунтиряптилар. "Интеллигенция"нинг ижтимоий тоифа сифатида юзага чиқиши империя — Россия империясининг вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқ экан. Россияда "интеллигенция" бошқа қарам халқларга ўргатадиган, таълим берадиган, уларни Россия атрофида бирлаштириб турадиган ғоявий куч тарзида шаклланган. Ўз вазифаларини ҳам шунга ва фақат шунга кўра англаган.

Империянинг барҳам топиши билан шундай маънодаги "интеллигенция" ҳам тугайди, деб тушунтирадилар ўша файласуфлар.

Кишиларнинг оммавий тарзда саводхон ва маълумотли бўлишлари, турли замонавий ихтисосларни эгаллашлари жамиятдаги табақалар ўртасидаги кескин ақлий фарқларни юмшатиб боради. Цивилизациянинг кучайиши ва ҳоким мавқега эга бўлиши "зиёли", "интеллигенция" деган тушунчаларга ўз-ўзидан барҳам беради. Авом бор ерда зиёли бўлади. Авомнинг афкорга айланиши, яъни ҳар бир ишда фикрлаш одатий ҳолга, табиий жараёнга айланиши оқибатида зиёлилар бошқалардан фарқланиб, ажралиб турмайдиган бўладилар. Юксак билимлар ва юксак техник маданият бу жараённи тезлаштиради.

Ўзбеклар темир ва техникадан анча узоқда юрган эдилар. Рус ва совет империяси замонларида халқимизни асосан деҳқончиликка ихтисослаштириш — уни асосан хом ашё етказиб берувчига айлантириш, кейинги юз йиллик тараққиёт даврида уни ана шу мавқеда ушлаб туришга уриниш техник цивилизацияни бизга гўё ёт, бегона бир нарсадай қилиб қўйди. Ҳолбуки фикрнинг ўсиши, фикрлаш даражасининг кучайиши ва оммавий тус олиши фақат техник цивилизация билан чамбарчас боғлиқ экан.

Бешик ясовчи уста билан фазо кемаларининг нозик асбобларини ясовчи уста ўртасида, айтилик, маънавий-ахлоқий фарқлар ҳаддан ташқари кўзга ташланмаслиги мумкин. Лекин билим, техник савия жиҳатидан қарасангиз, улар орасидаги фарқ жуда каттадир. Ақл фазовий кема устасида энг мураккаб илмий муаммоларни ҳал қилиш даражасига кўтарилган. Бешик устаси, таббийки, ўз олдида бундай илмий муаммоларни қўймайди. Айтиш мумкин бўлса, у ўз ишида ибтидоий кўникма ва ўрганишлар билан чекланади. Бу ҳунарнинг ҳеч қандай камситадиган жойи йўқ. Лекин бу мисолни техник цивилизация билан хом ашё цивилизацияси ўртасидаги масофани кўрсатиш учун келтиряпмиз. Замонавий ҳаётимиздан

бошқа кўп мисолларга ҳам мурожаат қилишимиз мумкин. Барида шундай ҳолни кўрамиз.

Шарқ бешикдан чиқиши керак. У бешикдан чиқишга уриняпти. Шарқ донишмандлик ривоятларига кўмилиб ётади. Неча минг йиллар у шу тенгсиз доно ва зариф ривоятлар шукуҳига чўмиб яшади.

Ғарб эса бу ривоятларга тан берди. Ривоятларнинг донолигини ўзлаштирди. Фақат ривоятларнинг ўзи билангина чекланиб яшаб бўлмаслигини буғ машинасини ихтиро қилгандан сўнг тўла англаб етди. Ғарб машинадан машинага ўсиб бораверди. Шарқ эса ўз доно ривоятлари исканжасидан узоқ замонлар қутула олмади. Шарқ ривоятларнинг хомхаёлга зеб берадиган оламида яшашда давом этди.

Ғарб ривоятларидан янгиликлар олди. Шарқ эса ривоятларга анъанавий донолик деб қаради.

Қуръони Каримда Худо бир неча ўринда олам, коинотни илм билан ихота қилиб олганини айтади. Илм билан ихота қилиш она китобимизнинг мислсиз мўъжизаларидандир. Илм билан ихота қилинмаса, олам — олам бўлмас, коинот — коинотлигини қилмас эди. Бунда ҳеч нарса бир-бирига уйғун ва ҳамма нарса, ҳеч қандай истисноси бир-бирини тўлдирди, бир-бирининг яшашига, ҳаётини манфаатларига хизмат қилади.

Назаримда, ана шу мўъжизани — илм билан ихота қилиш мўъжизасини Шарқ ихтиро қилдию, Ғарб уни ҳақиқий маънода ҳаётда қўллади. Ғарб билан илм ихота қилишни тўла маънода ҳаёт ва табиатга татбиқ қилиш йўлига кирди. Шунинг учун улар тўхтовсиз тараққиётда, тўхтовсиз янгиликлар яратишда.

Ҳаётни илм сари силжитадиган одамлар, тўхтовсиз янгиликлар яратиш йўлидан борадиган, оғирни енгил қилиш, узоқни яқинлатиш ҳаракатида бўладиган одамлар — Худога яқин одамлардир. Келажак шуларники, шулар маърифатли зиё эгаларидир.

Эндиги кунларда кечаги кунлар — империя шароитидаги зиёлилар бўлмайди. Ҳамма ақлини ишлатадиган, ақл билан яшайдиган пайт келди.

Империя бизни хомхаёллар билан яшашга ўргатди ва шунга қаттиқ кўникириб қўйди. Хом ашё етказиб берувчи халқнинг энг яхши ақл эгалари фақат ижрочи, яъни бошқалар ўргатган нарсаларнигина амалга оширувчилар бўлиб келдилар. Эҳтимол ижрочилик касали, хомхаёллар ҳали бироз чўзилар.

Лекин ижрочиликдан ҳам, хомхаёллардан ҳам қанча тез қутулсак, шунча инсонлик шаъни-шавкатига эга бўламиз.

Худо илм билан ихота қилиш йўлини аллақачон кўрсатган.

Ўзбеклар, Ўзингизни илм билан ихота қилингиз.

Шунда сиз зиёли, шунда сиз маърифатлисиз.



Аъзам ҲКТАМ

Зиёлининг кимлигини айна атаманинг ўзи айтиб турибди. Лекин жуда чиркин жамият пучмоқларида тентираган биз бечораларнинг фикри дарров бошқа томонга кетади: зиёли, яъни "интеллигент" деганда дарров ҳукмрон фирқа аъзоси, олий маълумотли, раҳбарлардан андоза олиб кийинадиган, ўзбекча сўзлаганда ўрисча, ўрисча гапирса инглизча ё фарангча калималарни тиқиштириб, сафсата сотадиган кишини кўз олдимишга келтирамиз. Бугун бу тасаввурлар ёлғонлиги, у олий маълумотлар жуда пастлиги, у фирқа найрангбозлиги эканлигини — худога шукрки — халқимизнинг катта қисми яхши англайди. Шунинг англаб етишининг ўзи ҳам онгга ва қалбга озгина зиё — бир қатра нур тушгандан далолатдир.

"Оллоҳ ранги ила рангимиз", деган оят бор қуръонда. Ҳақ рост. Қалбида, юзида тангри берган нур акс этиб турувчи киши чинакам зиёлidir. Бу нарса унинг сўзида, юриш-туришида, қилар қилмишида, фикр юритиши, кечинма, ҳис-туйғуларида ҳам зоҳир бўлади. Ўтмишда бундай кишилар кўп ўтганлигига мисоллар кўп. Тонг эрмаски, бундай инсонлар бугун ҳам бўлса.


Эҳтимол, мазкур таърифни ўқиган кишининг кўз олдига оппоқ ва чиройли кийинган, камгап ва камтар, хомушгина, лекин атрофидагилар ҳар қанча эркалик ё сурбетлик қилишса ҳам узр сўрагандек хижолат чекиб тураверадиган йигитчалар келгандир. Йўқ, мен зиёли деганда фақат бундай хислат эгаларинигина назарда тутмаяпман. Зиёнинг иши — зулматни қувиш, унинг ўрнини эгаллашдир. Шунинг удалай олмас, у зиё эмас, қоронғуликнинг емишига айланади. Демак, зиёли жамики қораликка аёвсиз курашадиган, ҳайбатли ва суюкли инсондир. Аввалам қуйида айтадиган гапларимни ёзишга иймандим: уларнинг мендек ёш, тажрибасиз йигит оғзидан чиқиши ярашмайдигандек туюлди. Лекин ўйлаб

қарасам, бу истиҳола билан иш тутсам, фикрим ойдинлашмас экан. Қуръони мажидда муттақийнлар таърифи келади. Мана шу — биз зиёли деб атайдиган инсонлар олдига қўйиладиган талаблардир. Муттақийнлар ғайбга ишонишлари, Оллоҳнинг ўзига ибодат қилишлари, яъни албатта беш вақт намоз ўқишлари, ўзларига худо берган ризқдан бошқалар (муҳтожлар) га садақа қилиш, Муҳаммад алайҳиссалом чинакам расулуллоҳ эканлигига ва у зотдан аввал келган пайғамбарлар, улар келтирган илоҳий ҳукмлар ҳақиқатига чин дилдан ишонмоқлари лозим. Бундай одамни Зиёли демай, ким деймиз?

Зиёлининг маънавий қиёфаси ва унинг жамиятдаги тутган ўрни қандай бўлиши кераклигини унинг ўз нияти, ҳаракати аниқлайди. Натижа эса Оллоҳдандир. Вазифа — тинмай курашмоқ. Мен бировларни тузатишга ишқибоз, сўзамол, лекин ўзини ўнглашга вақти етишмайдиган кимсаларнинг кўпини кўрганман. Шунинг учун ҳам улар ҳақида гап кетганда "Ҳа-а, энди барибир илми кучли-да", ё бўлмаса "Барибир яхши ёзади-да", дейишганларига кўникиб кетганмиз. Шайхларимиздан бири: "Хоҳлаган нарсангдан бирини олиб қўйсанг сал камаяди холос, лекин исломдан бирон нимани олсанг, ҳеч нарса қолмайди", деган маънода огоҳлантирган. Бу — чуқур ўйлаб кўрадиган гап. Қуръон бор, ҳадис бор. Ўқийлик, мулоҳаза юритайлик — ундаги талабларга жавоб бера оламизми, йўқми? "Инсон энг мукарам зот", деб таърифланади Қуръони каримда. Яқин-яқингача ёзувчилар, ўқитувчилар, яъни зиёлilar — қудратли давлат машинасининг винтлари, киши қалбининг инженери ёки сантехниклари деб таърифланарди. Мана, ики хил баҳо, икки хил ёндашув. Қайси бири бизга маъқул? Хоҳлаганимизни танлаб олишимиз мумкин — ана ўшандан кейин маънавий қиёфамиз ҳам, тутган ўрнимиз ҳам кундай равшан бўлади-қолади.

Ёшларни қандай тарбиялаш борасида ҳам Оллоҳ ва пайғамбар сўзларига қулоқ солиш керак бўлади. Бола тарбиясини қандай олиб бориш буюрилган бўлса, шундай қилиш лозим. Бу гапни ўқиган айримлар дарров: "Биз ахир дунёга чиқишимиз керак, замонавий фан-техникани ўрганишимиз керак!", дея ёқа йиртишга тушиб кетишлари мумкин. Бунга кўп гувоҳ бўляпмиз. Эй, барака топгур, ким сизнинг қўлингиздан тутяпти, ахир? Таълим-тарбияли бўлиш наинки фазогир ёки муҳандисга зарар етказса? Диндор спортчи нодиндордан пастроқ натижани қўлга киритадими? Тоат-ибодатли, тақволи шифокорнинг пора олмаслиги, қўполлик қилмаслиги шунчалик хунукми? Бундай саволларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Менинг гапларими эҳтимол кўплаб зиёли дўстларимизга бир ёқлама, маҳдудлик бўлиб туюлар. Лекин ҳар кимнинг истаги-да. Ахир, орзуга айб йўқ эмиш.



## МАНГЛАЙИМ ҚАРОМИ МЕНИНГ?..

- \* "Ойинг фақат мени эмас, сени ҳам ёмон кўради, қизим"
- \* "Айтсам, ишонмайсан. У сенинг туғилишингни сира истамаган"
- \* "Дадангнинг гапларига ишонма..."
- \* "Оиламизнинг оила дегулик жойи қолмаган"

Ўн олтига тўлган қиз оила, турмуш, умуман айтганда, келгуси ҳаёт йўли, олдинда ўзини нималар кутаётгани тўғрисида ўйлайдими? Агар у бу ҳақда ўйласа, мушоҳада этса, хаёлидан қандай пинҳона фикрлар кечади? Ҳа, сиз ҳақсиз, ҳали турмуш қуришга улгурмаган қизларнинг аксарият қисми оила тўғрисида тонг нурлари каби пок ва беғубор тасаввурда бўлишади. Улар шундай сеҳрли орзу-ўйлар қучоғида келажакка томон ширин энтиқиб яшашади. Ҳатто талайгина қизлар турмуш қургач, оиласига қандай тартиб беришу туғилажак фарзандларига ким деб исм қўйиш ҳақида ўзларича режа тузиб олишади. Орзуга айб йўқ дейишади. Қолаверса, қизлар шундай пинҳона ўй-хаёллари билан гўзалдир.

Мен келажакка томон шундай талпиниб, орзиқиб яшаётган қизлар тўғрисида ўйлаб туриб, беихтиёр уларга ҳавасим ортади ва киши болалигидан оилани, ҳаётни севиб ўсиш руҳида тарбияланишида, у униб-ўсган муҳит, ота-она кўрсатган меҳр-мурувват нақадар катта аҳамиятга эга эканига алам билан қайта-қайта икror бўламан. Очиғини айтганда, мен бир кун келиб кимгадир турмушга чиққимни, оилам бўлишини сира кўз олдимга келтиролмайман. Бу ҳақда ўйлашдан юрагим ўлардек безиллаб қолган. Кўнглимнинг туб-тубида совуқ ва тушкун бир ўй ин қуриб олган. У мени ўзгача фикрлашимга, келажак тўғрисида иштиёқ билан хаёл суришимга йўл бермайди. Бу гапларимни эшитиб, хаёлингизга бошқача ўй келмасин, илтимос. Худога шукр, менинг тан-жоним соғ, қиёфамда ҳам ҳеч қандай қусур йўқ, ҳаётимда эгри йўлга қадам босмаганман. Оила, турмуш тўғрисида бундай тушкун фикрлашимга уйимизда узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган келишмовчилик, тўғрироғи, дадам ва оиймнингбир-бирларига нисбатан ғалати муносабатлари сабаб бўлса керак.

Менинг оиламиз тўғрисида бундай йўсинда гапиришим ўзимга ҳам жуда оғир, юрак-бағрим қон бўлиб кетяпти. Илтимос, буни одобсизлика йўйманг. Ахир менинг жоним темирдан эмаски,

ҳаммасини ичимга сиғдириб, жимгина яшасам. Мен ҳам одамман, кимгадир юрагимда шўриш босиб ётган дарду аламни тўкиб солгим келади...

Дадам ва онам ўртасидаги келишмовчилик қачон ва нима сабабдан пайдо бўлганини мен аниқ билмайман. Бу ҳақда менга уларнинг ўзи ҳам, қўни-қўшнилари ҳам ҳеч қачон гапиришмаган. Менга фақат шу нарса маълумки, эсимни таниганимдан буён улар бир-бирларига телба-тескари, қўрс гапиришларини, баъзан ойналаб аразлашиб, қовоқ-димоқ қилиб юришларини шоҳиди бўлиб келаман. Қўшнилариимизнинг айтишига қараганда, дадам билан оийм ёшликларига бир-бирларига кўнгили қўйиб, турмуш қуришган экан. "Ўша пайтларда даданг биланг оиймнинг юриш-туришига, бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатига ҳамманинг ҳаваси келарди, — деб эслашарди қўшнилариимиз. — Бу яқин атрофда улардек бахтиёр жуфтни топиш амри маҳол эди. Бир-бирига худда узукка кўз қўйгандек мос эди. Эсиз-а, эсиз..." Ҳозир дадам билан оийм ўша ёшлик кезларини эслашни ҳам ишташмайди. Фақат менгина буни эслагим, дадам билан оиймни қайтадан ўшандай қиёфада кўргим келади. Бироқ...

Улар ўртасига совуқчилик эҳтимол мен туғилмасимдан олдин, балки ундан кейин тушган — буни уларнинг ўзидан бўлак бирон инсон аниқ билмайди. Ва бу совуқчилик тушишига қайси бирлари кўпроқ айбдор экани ҳам фақат ўзларига маълум. Мен баъзан наҳотки бир-бирларини кечириб шунчалик мушкул бўлса, деб ўйлаб туриб ич-ичимдан эзилиб кетаман. Аммо буни уларга айтишга журъатим етмайди. Очиғи, ўз ота-онамга бу ҳақда гапиришга уяламан.

Бурун улар ўз можарою машмашаларига мени сира аралаштиришмас, ҳатто буни мендан сир тутишга ҳаракат қилиб келишар, менинг олдимда бир-бирларига, гарчи сохта бўлса ҳам, жилмайиб муомала қилишар эди. Энди ўйласам, ўша кезлари улар мени аяшган, тарбияга ёмон таъсир этишдан чўчишган ва энг муҳими, ўзлари ҳам

ўртадаги бу келишмовчилик шунчаки ўткинчи, деб ўйлашган экан. Аммо орадан талай йиллар ўтса ҳамки, ўртадан гина-кудурат ҳадеганда кўтарилмади, аксинча, у кундан кун кенгайиб, қуюшқондан чиқиб борди. Энг даҳшатлиси, уларнинг можаросига мен ҳам гўдак бошим билан аралашиб қолдим. Аслида, бунга ҳам уларнинг ўзи сабабчи бўлишди.

Бир кун дадам ишдан маст ҳолда қайтиб келди. Унинг бундай ҳолда келиши кейинги пайтларда одат тусига кириб қолган эди: баъзан у маст-аласт ҳолда ярим тунда уйга кириб келар, баъзан эса уйга қайтмай аллақерларда тунаб қолар эди. Ўша оқшом у ўзини билмайдиган алфозда маст бўлишига қарамай ойим миқ этмади. Фақат менинг қўлимдан етаклаб қўшни хонага олиб кирди-да, дарди ҳол қилишга тушди. Мен ўша дамда дадамга жуда ачиниб кетгандим: у эркак боши билан жуда ожиз, нотавон аҳволга тушиб қолган, менга — ўз пушти камаридан бўлган норасида қизига йиғлаб, ёлвориб гапирар, энг даҳшатлиси, ойимни ёмонлар эди... Унинг айтган гаплари кечагидек қулоғим остида жаранглаб турибди, бу сўзларни ўла-ўлгунча унутолмасам керак.

"Ойинг фақат мени эмас, сени ҳам ёмон кўради, қизим, — деганди ўшанда дадам. — Айтсам, сен ишонмайсан. У сенинг туғилишингни сира истамаган эди. Сен қорнида пайтинг у сени "аборт" қилдириб ташламоқчи бўлганди. Мен, даданг, сени бу балодан омон сақлаб қолганман, қизим. Сендай қизни дунёга келишини хоҳламаганди-я... Ойинг шундай аёл, қизим..."

Мен дадамнинг сўзларини эшитиб туриб, ўксиб-ўксиб йиғлаган эдим. Дадам яна алланималар деб хўп гапирган ва у ҳам менга қўшилиб йиғлаган эди. Ўша оқшом мен йиғлаб-йиғлаб қуруқ полда ухлаб қолибман.

Дадамнинг ўша оқшом менга айтган гапларини ойим эшик ортида туриб, ҳамма-ҳаммасини эшитган экан. Шундан сўнг, табиийки, менинг қулоғимга гап қуйиш навбати ойимга ўтди. Фақат ойим маст эмас, ҳуши ўзида эди. "Дадангнинг гапларига ишонма, қизим, — деди ойим, гўё мени юпатган бўлиб. — Ҳамма айтганлари ғирт ёлғон. Сени "аборт" қилдириб ташлаш менинг хаёлимга ҳам келган эмас. Қайтага сен туғилганингда суюнганимдан бошим осмонга етган эди. Тўғри, сен чақалоқ пайтингда бир оз йиғлоқ эдинг. Шу сенинг йиғлашингга даданг ҳеч тоқат қилолмасди. Ҳар доим, анавинингни чакагини ўчир, деб ўшқиргани-ўшқирган эди, қизим. Бир кун у сенинг йиғлашингдан бсзори чиқиб, аллақеъдан кўкнори топиб келди-да, менинг ҳай-ҳайлашимга қарамай оғзингга солди. Сен, муштдек гўдак кўкнорининг таъсирида маст бўлиб, ухлаб қолдинг. Шундан сўнг ҳар гал сен йиғлашни

бошлаганингда оғзингга кўкнори-тиқарди. Сенинг рангинг кўкариб, даминг ичингга тушиб кетарди. Охир-оқибат шундай бўлдики, сен заҳарланиб ўлар аҳволга тушиб қолдинг. Қирқ кун касалхонада кўзингни очмай ётдинг. Қирқ кун мен бошингда мижжа қоқмай ўтирдим. Дўхтирлар сента қилмаган дори-дармон қолмади, ҳисоб. Ўшанда даданг лоақал бирон марта, хотиним бор эди, қизим бор эди, деб йўқлаб борган жойи йўқ, қизим..."

Ойимнинг сўзлари менинг мурғак юрагимни баттар эзғилар ва мен даҳшатга тушиб, юм-юм йиғлар эдим. Дадам ҳам, ойим ҳам мен анча эсайиб қолганимни, унча-мунча нарса ақлим етишини, айтаётган сўзлари билан ўксик кўнглимни баттар хўрлаётганларини сира хаёлларига келтиришмас эди.

Хуллас, шундан сўнг уларнинг мажорасига мен ҳам аралашиб қолдим. Энди улар менга бир-бирларини очиқ-ошкор ёмонлашар, айбларни ичларидан тўқиб-бичиб айтишар, худди мен қайсиларининг тарафида турсам, ўшанинг қўли баланд келадигандек ҳар қандай гапни гапиришдан тап тортишмас эди. Мен эса уларнинг сўзларини эшитишдан юрагим безиллар, уйда хушсиздек юрар, ҳамма нарсадан совуб кетган эдим. Менинг назаримда, дадам билан ойим бу дунёга худди бир-бирларига қасд қилиб, бир-бирларининг дилига озор бериб яшаш учун келган кишиларга ўхшар эди. Оиламизнинг оила дегулик номи қолмаган, у аллақачон ғурбатхонага айланган эди. Бу можаролар жон-жонимдан ўтиб кетган кезларда уйдан қочиб кетишга кўп марта қасд қилганман. Бироқ, уйдан кетиб қаерга бораман, эртага тақдирим қандай кечади, ёмон одамларнинг қўлига тушиб қолсам нима бўлади, деган ўйларга бориб, ўзимни базўр ушлаб қолганман.

Рости гап, мен дадам билан ойим ҳақида ўйлаб туриб, сира ўйимнинг адоғига етолмайман. Уларнинг боши энди ўла қолса бир қозонда қайнамайди. Ўртада бир-бирига боғлаб юрадиган ҳеч қандай илиқлик йўқ. Шундай экан, улар нега ажрашиб, ўз кунларини кўриб кетмаганларига ҳайрон қоламан. Бундай яшашдан кўра, ажрашиб кетганлари минг марта афзал-ку! Тўғри, улар ажралишса, менга оғир бўлади. Бироқ, мен ҳам пешонамдан кўраман...

Қисқаси, мен шундай оилада туғилиб ўсдим. Ҳозир ёшим ўн олтида. Кўнглимда на ҳаётга, на оилага қизиқиш бор. Ҳамма нарсадан совиб кетганман. Бундан кейин ҳаётим қандай кечади, бошимга яна қандай кулфатлар тушади — очиги билмайман.

Мен нима қилишим керак?..

С.Расулова,  
Қарши шаҳри.

Турсун Али Муҳаммад

## САНЪАТКОРНИНГ ФЕЪЛИ ҚИЗИҚ

### ГУРУЧ

Масковдаги ижодий сафарлар қандай ўтишини билган баъзи санъаткорлар ўз ғамларини еб гуруч, қази, думба ёғларини ўзлари билан олиб кетишарди. Улар берган овқатлар чап ичакка ҳам юқ бўлмаса.

Съездлар саройидаги катта концертга қатнашиш учун боришганда меҳмонхонада Саттор Ярашев бир шеригининг халта кўтариб юрганини кўриб:

— Бу нима? — деб сўрабди. Саттор аканинг соддалигини билган санъаткор ҳам ҳазиллашиб:

— Яхши гуруч бераётган экан, олволдим, бизда бунақаси йўқ, — дебди.

Йўлакдаги дам олиш бурчагида телевизор кўраётган Саттор аканинг ёнидан яна халта кўтариб, энди бошқаси ўтибди ва рўпарасида тўхтаб:

— Саттор ака, кино бўляптими? Мен эса гуруч олдим, яхши гуруч беришяпти, — дебди.

— Э, ҳаммаси ўрисча. Қаерда беряпти гуручни?

— Ёнимиздаги гастрономда, ўзиям гуручмисан гуруч экан-да!

Саттор ака шошиб ўрнидан турибдию хонасига кириб кийиниб, пастга тушиб кетибди. Икки марта бориб иккита катта сумкани гуручга тўлғазиб олибди. Тошкентга келганида хотинидан койиш эшитибди:

— Ахир Масковдек ердан опкелгани бошқа нарса қуриб кетувдимикан, ҳамма дўконларда тўлиб ётган саксон тийинлик гуручдан опкелсангиз!

Бозор кўрмаган, билмаган одамга қийин.

### "ҚУЛОҒИНГ ҚИРСИЛЛАДИ"

Мукарама опа Турғунбоева ҳақида Абулқосим ака шундай эслайди:

— Э, полвон ука, менинг санъаткорлик бахтим шундаки, мен жуда кўп буюк одамлар билан бирга ишладим. Сафарларда бирга бўлдим. Яшадим. Шулардан бири Мукаррамхон опанинг кўйлақларини ўттиз йил кўтарганман. Кулманг, бўйи пастроқ одам кўтарса этаги ерга тегиб қоларди, шунинг учун махсус қопга солиб илгагидан ушлаб олардим-да, елкамдан ошириб кўтариб юрардим.

— Сен бирга юрсанг ёнимда эркак борлиги сезилиб туради, — дердилар раҳматли... Ўзи қоматим ҳам жа-а келишган эди-да!

Бир куни катта ўтиришга бирга олиб бордилар. Ичкарига кирсак, бутун казо-казолар, дастурхон ноз-неъматлар билан тўлиб кетган, жондан бошқа ҳамма нарса бор. Биз концертдан сўнг келганмиз — қорин оч. Аксига олиб ҳеч ким овқатга қарамай бир-бири билан суҳбатлашиб ўтирибди. Мен бўлсам сўлагимни зўрға ютиб улгуряпман. Ёнимда опа ким биландир менга ёнбош қилиб ўтириб суҳбатлашяпти. Олдимда бир лаган қовурилган балиқ. Ўзим балиқни яхши кўраман денг, чидамадим. Санчқини олиб, опанинг суҳбати қизиб қолганидан фойдаланиб, биттасини санчиб оламан десам, нариги чеккасидан бир бўлаги дастурхонга тушиб кетди. Санчқига илинганини олиб олдимдаги товоқчага қўйдиму қўл билан гўштини суягидан ажратиб еб кўрсам, ҳа энди қўлинг дард кўрмагур ошпаз саримсоқ пиёзлар билан шунақа пиширибдики!.. Бирпасда ҳалиги бўлакни тушириб қўйибман. Ўзимга ўзим "бўлди" дедим. Лекин дастурхонга боя тушиб қолган бўлакни кўриб, катта лаганга олиб қўймоқчи бўлиб, қарангки, ўзимнинг товоқчамга қўйиб қўйибман. "Ке", дедим-да уни ҳам ея бошладим. Шунда менга қарамасдан туриб опа, оёғимга бир тепдилар ва кулиб туриб "бўлди, тўйдинг" дедилар.



Мен ҳам бўш келмай:

— Йўқ, опа, тўйсам қулоғим қирсиллайди, — дедим.

Бир оз еганимдан кейин опа яна туртиб:

— Ҳой, мен эшитдим, қулоғинг уч марта қирсиллади, — дедилар.

Кейин, ноилож, тўхтадим.

## ПУЛЛИК ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Театр қизиқ-да, рол ўйнайдиган одамларнинг феъли кўпинча қахрамонига тескари бўлади. Кинода ёки театрда кўриб, ҳаётда ҳам қизиқчи бўлса керак деган артистнинг инжиқ, серзарда, салбий образларда ўйнайдиган одам ҳаётда жуда қувноқ бўлиши мумкин. Баъзилари жуда содда ва тўпори бўлишади.

Шундайлардан бири Саттор Ярашев ҳақида кўп қизиқ ҳангомалар юради.

Бир куни Саттор ака Ҳамид Раҳимов, Сулаймон Юдаковлар билан Белорусда ўтказилаётган ўзбек санъати ўн кунлигига боришибди. Қизиқ замонлар бўлганди ўша пайтлар! Бир ойдан ортиқ тайёрланган томошаларни бир неча марта кўриб бўлишиб, не ҳаяжонлар билан чиқишлар қилишибди-ю, охирида бир неча одамга бир варақ фахрий ёрлиқ берилибди, холос.

Белорусда ҳам шундай бўлишини билган Сулаймон ака билан Ҳамид акалар маслаҳат қилишибди-да, фахрий ёрлиқ топширилгач, Саттор акага эшиттириб:

— Сулаймон, менга юз сўм солишибди, сенга-чи? — деб сўрабди Ҳамид ака.

Сулаймон Юдаков ўзига теккан фахрий ёрлиқни очибдию ичидан бир даста пул олиб санаб кўрибди ва:

— Менга юз эллик сўм солишибди, — дебди.

Саттор Ярашев шошилиб ёрлиқни очса, ҳеч нарса йўқ эмиш. Ҳайрон бўлиб Сулаймон акага қараса, у:

— Ахир сен халқ артисти бўлсанг, нега солишмайди ёки эсларидан чиқдимикан? — дебди.

Саттор аканинг қовоқ-лунжи осилиб, кечки зиёфатга ҳам бормабди. Эрталаб барвақт туриб, кийиниб, фахрий ёрлиқни олиб қўлтиқлаб эшикни энди очаман деганда, бир ишқал чиқаришидан кўрққан Ҳамид ака ҳазиллашганликларини айтиб зўрға тўхтатиб қолибди. У киши иккаловига бироз анграйиб қараб туриб:

— Шу кунгача шунчадан пуллари қолибдими, бой экансизлар. Ке, икковинг йигирма-йигирма сўмдан бер, хотинга совға олволай, — дермиш.

## ОХИРГИ ҲАЗИЛ

Баъзи маҳаллар икки-учга бўлиниб сафарга жўнардик. Бир гуруҳ шерикларни поездга чиқариб дўстимнинг мошинасида қайтаётсак, найчи Абдуқодир Исмоиловнинг юбилейи ёдимизга тушиб, табриклар қўйгани кирсак, опа сўзлаётган эканлар. Абдуқодир аканинг сафардаги ҳангомаларидан сўзлаб, ҳаммани кулдириб тушдилар-да, орқадан келиб секин биқинимдан туртдилар:

— Абил, мени уйга кузатиб қўй, юракнинг сал мазаси бўлмапти. "Хўп", дедигу мошинага ўтқизиб уйларига олиб бордик.

Шунда опа:

— Йигитлар, юринглар, сичқонбўқи кўк чойим бор, дамлаб бераман, — деб қолдилар.

Раҳмат айтиб кетмоқчи эдик:

— Ҳеч бўлмаса сен дарвозанинг жингини босиб, ичкаридан биров очганича шу ерда туриб тур, — дедилар.

"Хўп", деб йўлакдан бошлаб бориб тугмачани босдим-да, хайрлашмоқчи бўлиб қўлларидан бир ўлиб қўйдим ва:

— Опа, қўлингизни ўпсам ҳамма ёғим жимирлаб кетди-я, — деб ҳазиллашсам:

— Ийя, ростдан-а, қани яна бир ўп-чи?! — дейдилар.

Эртасига эрталаб қаймоқ олгани тузарга чиқсам, Мукаррам опа ўлибдилар деган гапни эшитиб, шиша банка қўлимдан тушиб чил-чил синди.

Қаранг, кечқурунги ҳазил опажонимнинг охирги ҳазиллари экан...

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Ёшлар  
Иттифоқи  
Марказий  
Қўмитаси,

Ёзувчилар  
уюшмаси

Мусаввир: А.Калонов

Манзилимиз:

700017, Тошкент,

Жавоҳарлаъл Неру

кўчаси, 1-уй

Телефонлар:

33-40-83

33-06-63

32-27-52

Босишга 20.11.93 да рухсат  
этилди. Қоғоз формати 60x84  
1/8. Шартли босма табоқ ---  
4,8. Нашриёт ҳисоб босма  
табоғи --- 8,1. 20000 нусхада  
чоп этилди. Буюртма N2412.

Оригинал макет "Ёшлик"  
жўрналининг компьютер мар-  
казида тайёрланди.

Жўрналдан кўчириб босилганда  
"Ёшлик"дан олинди" деб  
изоҳланиши шарт.

Тошкент, Ўзбекистон Рес-  
публикаси "Шарқ" нашриёт-  
матбаачилик концернининг бос-  
маҳонаси.

Муқованинг 4-бетида: мащҳур  
қизиқчи Обид Асомов

"Ёшлик" N 10-11, 1993 й.



# Мўйқалам соҳиблари:

МУСАВВИР МУРТОЗ ЭРГАШЕВ



Муртоз тенгдошлари орасида ўзининг бетакрор оламини яратишга жиддий интилаётган иқтидорли мусаввирлардан, хусусан, бу унинг манзара асарларида яққол кўзга ташланади. Мусаввир оламга шоирона назар ташлайди ва унинг чиройини бетакрор бўёқларда ифода этади. Сиз унинг асарларига маҳлиё бўлатуриб, тасвирий санъат оламига умидли бир иқтидор даядил кириб келаётганлигига иқрор бўласиз.

У 1959 йили Каттакўрғон шаҳрида тугилган. Ҳозир ўзи таълим олган Маннон Уйгур номидаги Тошкент санъат олий ўқув юртида мураббий.

Атоқли мусаввир Раҳим Аҳмедов Муртозга айтган сўзларга биз ҳам қўшилаемиз: «Йўлинг ёруғ. Сенинг ҳар бир ишингда мустақил Ўзбекистон нафаси, унинг кўрку таровати ва ундаги ўзгаришлар аке этиб турмоғи керак!..»

Мавжуда ШАМСИЕВА,  
санъатшунос

